
R 496
1980/4



Сиз коммунистлар бўлиб етишишингиз керак. Ёшлар Союзининг вазифаси шундан иборатки, ўқишда, ташкилий ишларда, курашда ва ўзаро ҳамжиҳатликда бутун амалий фаолият ёшларни ва уларни йўлбошчи деб билувчиларни коммунист қилиб тарбиялашга бўйсундирилиши зарур. Барча тарбиявий ишлар, ҳозирги ёшларнинг ўқиши ва таълим олиши уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашдан иборат бўлиши лозим.

В. Ульянов (Ленин)

Гулистон

4
1980



1

ХАЛҚ КОМИССАРЛАР
СОВЕТИ
ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ:
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛСИН.
ХАЛҚ КОМИССАРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ
В.УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)
ИШЛАР МУДИРИ
В.БОНЧ-БРУЕВИЧ
СЕКРЕТАРЬ Л.ФОТИЕВА
7 СЕНТЯБРЬ 1920 г.



2



3

4





В. И. Ленин, Коммунистик партия раҳбарлиги ва ғамхўрлиги шарофати билан Ўзбекистон Шарқ машъалига айланди. Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий камоли бевосита В. И. Ленин ғоялари, доҳийнинг муборак номи билан боғлиқдир. Доҳий назари тушган Мирзачўл эндиликда гулистон, партия ва халқ орзусининг амалдаги ёрқин тимсоли.

Ленин номи биз учун кураш байроғи, марксизм-ленинизм таълимотининг мужассам тимсоли. В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ўзбек халқининг улуғ Ильичга бўлган буюк ва сўнмас меҳр-муҳаббати рамзидир.

Ленин номи бутун тараққийпарвар инсоният, тарихда биринчи бўлиб ривожланган социализм жамияти қурган совет халқи, шу жумладан, Ўзбекистон меҳнаткашлари қалбида умид чароғи бўлиб порлайди. Ўзбекистоннинг бош майдони — Тошкентдаги В. И. Ленин майдонида халқлар доҳийсига ўрнатилган улуғвор ҳайкал пойига гуллар қўяётган ҳар бир ишчи, деҳқон, зиёли юрагида Ильичнинг доҳиёна сўзлари жаранглайди, янги зафарлар сари ундайди.

Владимир Ильич Ленинниинг мангу ҳаётбахш таълимоти замонамизнинг асл мазмунини белгилайди. Халқлар доҳийси Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон саноатининг тараққий топишини орзу қилган эди. Республикамиз оғир саноати илғор корхоналаридан бири — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон Металлургия комбинати доҳий орзулари тўла амалга ошганини тасдиқловчи жонли мисолдир.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети доҳий декрети асосида ташкил этилган эди. Урта Осиёнинг бу тўнғич дорилфунуни коммунизм идеалларига содиқ ленинчиларни тарбияламоқда, шу тариқа республикамиз янада гуллаб яшнашига ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

В. И. Ленин номидаги Қизил Байроқ орденли, Қизил Юлдуз орденли Тошкент Умумқўшин командирлари тайёрлаш олий билим юрти шонли Қизил Армияга марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган, сиёсий-ҳарбий жиҳатдан етук жангчиларни тарбиялаб бермоқда, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигининг содиқ посбонларини камолга етказмоқда.

1. Тошкент. В. И. Ленин майдони. Бу ердаги доҳий ҳайкали халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳидир.

2. Владимир Ильич Ленин декрети асосида Урта Осиёда ташкил этилган биринчи дорилфунун — В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети Шарқ факультети талабалари — Насиба Усмонова ва Муқаддас Султонова бахтли замонда камолга етаётган ёшларнинг вакилларидир.

3. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер Мансур Абдуллин В. И. Ленин номидаги Қизил Байроқ орденли, Қизил Юлдуз орденли Тошкент Умумқўшин командирлари тайёрлаш олий билим юртининг талабалари билан суҳбатлашмоқда.

4. Пойтахтдаги Г. Димитров номли ўрта мактаб ўқувчилари В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалига — доҳий зиёратига ҳар келганларида Ильич руҳидан, унинг ҳаётига — мангуликка дахлдор ҳар бир муқаддас ашёдан туганмас руҳий мадад, илҳом оладилар.

А. ЖДАНОВ фотолари

Содиқ ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашган совет халқи КПССнинг бош йўлини, унинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг мамлакатимиз ўзининг синалган авангарди раҳбарлигида комил ишонч билан Ленин йўлидан коммунизм сари олға бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг „Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида“ деб чиқарган қароридан.

Мамлакатимиз, барча совет республикалари Ленин юбилейини социалистик мусобақани, умумхалқ ижодий жўшқинлигини кенг қулоч ёйдириб кутиб олмоқдалар.

Биз, коммунистлар саксонинчи йиллар — коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришиладиган йиллар бўлишига ишонамиз — ишонибгина қолмай, амин эканлигимизни ҳам айтамиз ва шундай бўлишини биламиз. Бу йиллар жаҳон социализмини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлидаги кураш ишида олға томон янги ҳаракат қилиш йиллари бўлади.

Биз ўзимизнинг ленинча ташқи сиёсатимиз байроғини — халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги байроғини, социал тараққиёт байроғини комил ишонч билан баланд кўтариб бораверамиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ДОҲИЙГА МАКТУБЛАР

1

Владимир Ильич! Менда тонгдек соф хаёл,
Гул баргида қалқиб турган шабнамдек пок ўй:
Борди-ю, мен тасаввурга эрк бериб алҳол,
Қўлда қурол, дилда орзу, тилда ҳарбий куй,
Ўн еттинчи йилда пайдо бўлсамми агар!..
Гурс-гурс борар темир сафлар Қишки саройга,
Борар тоғлар кўчкисидек, ундан-да қайсар,
Борар ғолиб, даҳшат солиб буржуй ва бойга!
Мен — қишлоқлик содда йигит, сўйлайман эркдан,
Ёниб чиқар «Ҳуррият!», деб айтган каломим.
Мен сўйлайман олис юртдан, қадим Ўзбекдан,
Шуълаларга, шиддатларга тўлар оламим!
Мен сафдошман табиатнинг эрка қизини —
Ҳуррияти охир гапга унатганларга!
Ёндирмоққа вақти бўлмай, махоркасини
«Аврора»нинг ёлқинидан тутатганларга!
Сўнгра эса Қишки сарой остонасида
Ногоҳ тегса дайди бир ўқ, ўкинмай зинҳор,
Йўл оламан госпиталнинг тинч хонасига,
Қайтмоқ учун яна метин сафларга такрор!

2

Владимир Ильич! Менда тонгдек соф хаёл,
Гул баргида қалқиб турган шабнамдек ният:
Мен йигирма тўртинчи йил измида алҳол
Тошкентдаман. Рўпарамда Байтулҳуррият![1]
Ҳа, Зарафшон водийсида от сурган аскар
Елкасидан олиб қўйди милтиғин энди.
Ҳа, Фарғона гул боғлари бўлиб зер-забар,
Фақат энди-эндигина ором сезинди.
Мана, залга оқиб келар аскару деҳқон,
Манглайларга қўндирганча чўғдай юлдузни.

1 Ҳуррият уйи. Ҳозирги Комсомол 30 йиллиги номидаги кинотеатр бинoси.

Бугун бунда туғилмоқда ҳур Ўзбекистон,
Минг йилда бир танимоқда ўзбек ҳам ўзни!
Расоланар назарларда олақуроқ юрт,
Жумла-жаҳон олмоқда тан мавжуд ватанни!
«Юртдош,— дерман,— Ватан номин бошинг узра тут,
Эъзоз айла униб-ўсган боғу чаманни!»
Ўзбекистон! Сенга боқиб кўзим сийлайман,
Сенга боқмоқ — дилга қувват, рағбату роҳат.
Сени, юртим, жондан суюб-суюб сўйлайман,
Сўйлайману куйлайману тўймайман фақат!..

3

Владимир Ильич! Асло хаёл эмас бу:
Қайтолмасман ўн йилларга, бу — дилга армон.
Боболарнинг шон-шуҳрати қойимдир мангу,
Мен доимо боболарнинг меҳрига ёрман!
Хазон бўлган боғлардаю хароб йўлларда
Баҳор излаб елганида кузги саболар,
Ўн еттинчи йил деб, ёниб, чайир қўлларда
Эрк байроғин ҳилпиратди бизнинг боболар!
О, Инқилоб! Кўкни тутган эй барқи олий!
Сен боболар насибаси эдинг ягона!
Боғланмоқда бу кун сенга дунё хаёли,
Дахлсизсан, паноҳ сенга ёруғ замона!
Мен шаънингга гард юқтирмам, юқтирмам асло,
Тер тўкарман, бўлайин деб муносиб ахир!
Ўз меҳнатинг самарини татимоқ аъло,
Ўзгаларнинг топган нони сен учун тахир.
Ҳа, бизларда мурод бошқа, сабот ҳам бошқа,
Владимир Ильич, хаёл эмас, ҳаёт бу:
Меросхўрлар каманд ташлаб бугун қуёшга,
Меҳрингиздан толмас қанот боғлашмоқда-ку!
Бизга тегди ўзгачароқ иқбол улуши,
Ажиб толе манглайимиз ўтибди силаб.
Ерда қўймас авлодларни қалблар уриши,
Энди улар самоларда ясар Инқилоб!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Гулистон

№ 4 (362)

Апрель

1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Б. ЛУНИН,
тарих фанлари доктори,
профессор

ЛЕНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН

Ленин... Эндиликда жаҳон меҳнаткашлари доҳийсини кўриш ва унинг сўзини эшитиш бахтига муяссар бўлган кишилар йил сайин сийраклашиб бормоқда. Аммо Лениннинг мангулиги шундаки, унинг сиймоси, асрлар оша сўнмас ғоялари, тинчлик ва коммунизм йўлида илдам ҳаракат қилишга оташин даъвати барча авлодларнинг қалбида яшаб келмоқда ва яшаяжак.

Вақт ўтган сари ленинизмнинг мислсиз тарихий маъноси, унинг ҳаётийлиги, социалистик Ватанимиз учунгина эмас, балки бутун инсоният тақдири учун ҳам такрорланмас, ҳал қилувчи, қудратли таъсири тобора тўлароқ намоён бўлмоқда.

Ленин даҳосининг ҳайратомуз хусусиятларидан бири унинг бениҳоя кўламидадир. Буюк пролетар интернационалисти — Ленин ўзининг доно ва ўткир назари билан жаҳондаги барча халқлар, хусусан, мамлакатимиз халқларининг ижтимоий-тарихий тараққиёт йўллари, тақдири ва истиқболини қамраб олди ҳамда уларни марксизм революцион таълимоти позициясида туриб тўғри баҳолади. Бундай баҳо империалистик зулмга қарши, Ғарб ва Шарқ халқларининг ижтимоий ва миллий озодлиги учун, демократия ва социализм учун курашнинг конкрет ва таъсирчан формаларини ҳамда вазифаларини белгилаб олиш учун зарур эди.

Табиийки, Ленин Ўрта Осиё халқлари — ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқларнинг ҳаёти ва тақдирини назар-эътиборидан четда қолдира олмасди. Кўп асрлик тарихий ўтмишга, улкан табиий бойликларга эга бўлган меҳнатсевар, эркка ташна бу ўлка халқлари шундай доҳиёна эътиборга муносиб ва муҳтож эдилар.

Рус чоризми буржуазия ва помешчикларнинг манфаатларини кўзлаб, Ўрта Осиёни ўзининг мустамлакасига айлантирди. Ўзбеклар ва ўлкадаги бошқа халқлар маҳаллий эксплуататорларнинг зулми етмагандек, чор маъмуриятининг ҳамда осонликча бойлик орттириш ишқибозлари — савдогарлар, судхўрлар, банкирлар, фабрикантларнинг ҳам миллий ва ижтимоий зулми остида қолдилар.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё, Лениннинг таъбири билан айтганда, «энг соф типдаги» мустамлакага айландики, унда асрий феодал-патриархал муносабатлар эндиликда янги, капиталистик муносабатларнинг куртаклари билан тобора кўпроқ ва меҳнаткашлар учун уқубатли бир тарзда чатишиб кетди. Чоризм ва унинг маҳаллий малайлари ўлка аҳолисини фариблик ва қашшоқликка, жаҳолат ва қолоқликка маҳкум этдилар.

Аммо буюк Ленин масаланинг бошқа томонини ҳам кўрди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши билан Ўрта Осиё халқларининг озодлик кураши тарихида янги саҳифалар, янги истиқболлар очилди. Чунки Чор Россиясида ўзининг жанговар авангарди — Коммунистик партия бошлиқ рус ишчилар синфи бор, капиталистик қулликка қарши, ижтимоий ва миллий зулмга қарши азамат курашчилар етилиб келаётган эди. Фақат ишчилар синфи деҳқонлар билан иттифоқ бўлган ҳолда, деб таълим берди Ленин, мамлакатда туб ижтимоий ўзгаришни амалга оширишга ва унинг барча халқларини социализм тантанасига олиб келишга қодир кучдир. Бинобарин, Ленин деҳқонларнинг ер учун курашини, Россиядаги мазлум халқларнинг миллий зулмга қарши озодлик курашини ҳамда меҳнаткашларнинг етакчи кучи пролетариатнинг жамиятни революцион асосда қайта қуриш учун, социализм учун курашини ягона революцион оқимга қўшишга даъват этди.

Бутун Шарқда «юз миллионлаб одамлар уйғониб, ҳаётга, ёруғликка, озодликка, интилажагига», улар «мустақил қатнашчилар сифатида, янги ҳаётнинг бунёдкорлари сифатида оёққа туражагига» Ленин чуқур ишонарди. Лениннинг жанговар сафдоши С. М. Киров айтган эдики, «мазлум миллатлар тўғрисидаги масалада ҳам Ильич очган кашфиётлар бошқа соҳалардагидан кам эмас. Социализм учун жаҳон миқёсидаги курашда у Шарқнинг жуда катта армиясини ҳисобга олди ва Шарқнинг революционлашуви мумкинлигини олдиндан кўрди». Бу, Коммунистик партиянинг миллий масалага доир программ қоидаларини бунёд этган Лениннинг тарихий хизмати эди.

Шу нарса характерлики, Ленин Октябрь революцияси арафасида большевикларнинг VII (1917 апрель) конференциясида сўзлар экан, «барча халқларнинг қардошлик иттифоқи» зарурлигини кўрсатиб, шундай деган эди: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўл остида яшашини мутлақо истамаймиз. Биз революциямизни ривожлантириб, мазлум халқларга таъсир қиламиз...»

...Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шиддатли бўрони Россиянинг бутун улкан территорияси бўйлаб авж олди, капитализм ва феодализм дунёсининг бадбўй ахлатлари, чиркинликларини супуриб ташлади.

Октябрь Ўрта Осиёнинг барча халқларига озодлик ва бахт келтирди, уларнинг миллий совет давлатига эга бўлишига, янги ҳаёт қуриш учун курашига йўл очди.

В. И. Ленин Ўрта Осиёнинг қолоқ чекка ўлкадан социализм ўчоғига айланиши Советлар мамлакатининг фақат ички иши эмаслигини комил ишонч билан қатъий таъкидлади. Бу халқаро буюк иш эди. «Совет Ўрта Осиёси,— деган эди Владимир Ильич,— империалистлар асоратга солган қўшни элатлар учун яққол намуна...» бўлиши керак. «Бизнинг Шарқдаги сиёсатимизнинг муваффақияти Тошкентдаги ишларни нозик ва тўғри йўлга қўйишимизга боғлиқ».

Ўзбек халқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг рус халқи ва унинг ишчилар синфи билан жуда яқин қардошлик иттифоқи бунинг гаровидир, деб уқтирган эди Ильич. У партия, давлат, жамоат ишлари билан ниҳоятда банд бўлишига қарамасдан Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги бутун муаммолардан хабардор бўлиб турди. Ленин Ўрта Осиёни ички контрреволюция хуружидан ва ажнабий босқинчилар тажовузидан халос этиш учун олиб борилган курашга раҳбарлик қилди. Пахтачиликни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тиклаш ҳамда ривожлантириш, бу ерда саноат тармоқларини ва энергетика базасини барпо этиш, ирригация ишларини кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Ленин таъбирича «ҳаммадан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу, ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди». Лениннинг тавсияси билан Россия федерацияси ишчилар синфи Ўрта Осиё меҳнаткашларини саноат ва озиқ-овқат моллари, ёқилғи, машиналар ва қурилиш материаллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатди. Владимир Ильичнинг ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси орасида маданий ва сиёсий-оқартув ишлари қизитиб юборилди.

1920 йилда Хоразм ва Бухорода халқ революциялари ғалаба қозонганини Ленин қизғин табриклади. Бунда Ильич Совет ҳокимиятининг ғоялари ва принциплари саноати ривожланган, пролетариатдек ижтимоий таянчга эга бўлган мамлакатлардагина эмас, балки ўзагини деҳқон-

Ашурали АҲМЕДОВ

Кема

«Апрель» достонига бағишлов

Умрим китобига битган ҳар ойнинг
Ўзгача хислати ва зийнати бор.
Апрель латофати, кўм-кўк чиройин
Оламга танитган моҳияти бор.
Бугун наврўз!
Апрель мен учун
Ойларнинг гултожи,
Улуғ, муқаддас.
Инқилобий бўрон,
Инқилобий йўл,
Асрим чечаклари унга эш, пайваст.

Маркс ҳаётининг бўлиб давоми
Озодлик кашшофи очди кўзини.
Чақмоқ юрагига жойлаб дунёни
Курашлар ўтига отди ўзини.
«Апрель тезислари»н ҳар бир жумласи
Бомбадай портлади ёвлар сафида.
Вулқонли йўллардан давр кемасин
Ленин олиб чиқди тутиб кифтида.
Дунё бамисоли чексиз океан.
Якдил халқлар сафи унинг қудрати.

Йўналиш бераркан ленинча даҳо
Пўлат оқимларнинг ошар шиддати.
Йиллар, замонанинг олтин кемаси
Сизни суронлардан олиб ўтади.
Лениннинг ўзидир унинг дарғаси,
Дунё йўлларидан ғолиб ўтади.
Кемаки, тинчликка мустаҳкам таянч,

Уни қулатолмас ҳеч қандай зўр куч.
Йўлидан адашмас — Москва маёқ!
Илгари одимлар,
Тиним билмас ҳеч!
Қўлларда порлайди шафақранг
байроқ —
Ленин байроғидир, мангу енгилмас.
Унинг соясида, содиқ сафларда
Эрксевар ўлкалар чекиниш билмас.
Қуёшдан табиат нур олган каби
Ленин ғоясига йўғрилар жаҳон.
Зулматнинг кўксини сўккандай зиё
Бўрон оғушида бу кун кенг жаҳон...
Лениннинг қалбидан — қон томирларим,
Мен ҳам шу сафдаман —
Кемада борман,
Эрк учун,
Бахт учун,

лар ташкил этган мамлакатларда ҳам тушунарли эканлиги ва дарҳол амалга ошириш мумкинлиги исботланганини, деҳқон Советлари ғоялари ғолиб чиққанини кўрди. Ленин Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг вакиллари, жумладан, ўзбеклар билан неча бор суҳбатлашиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганди. Ўрта Осиё «бой, имкониятлари катта ўлка. Бу ўлкани кўтариш керак ва, шак-шубҳасиз, ривожлантирамиз, юксалтирамиз», деган эди Ленин.

Ўрта Осиё халқларининг улуғ доҳийга бўлган чексиз муҳаббати табиийдир. Улар Ленининг отаҳарча ғамхўрлигига жавобан ёш Советлар мамлакатининг бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

...Шафқатсиз ажал бизни Лениндан жуда эрта жудо қилди. Давримизнинг гениал мутафаккири ва буюк революционери, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси, ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу совет халқи учунгина эмас, бутун илғор инсоният учун ҳам жуда оғир мусибат эди.

Лекин партиямиз ва халқимиз бу мусибатдан саросимага тушмадилар. Лениннинг музаффар таълимоти бизнинг жанговар қуролимиз бўлиб қолди ва эзгу мақсад йўлида — коммунизм сари олға юришимизда маёқ бўлиб хизмат қилмоқда. Коммунистик партия раҳбарлик қилган совет халқи Ленин кўрсатган йўлдан оғишмай, тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизни тубдан ўзгартириб юборди, унинг ўтмишдаги қолоқлигига барҳам берди, қудратли социалистик давлатга айлантирди. СССРда ривожланган социалистик жамиятнинг қурилганлиги партия ва халқнинг Ленин ғояларини амалга ошириш борасидаги фаолиятининг ажойиб якунидир. Совет жамиятининг битмас-туганмас бунёдкорлик кучлари ҳамда чинакам демократик ва инсонпарварлик руҳи тобора тўла намоён бўлмоқда.

Ленинча миллий сиёсат тантанаси, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги туфайли барча совет республикалари, жумладан, Ўзбекистон ҳам гуллаб-яшнамоқда. Ўзбек халқининг ривожланган социализм давридаги ютуқлари салмоқлидир. Бу даврда Совет Иттифоқи саноат маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллади ва коммунизм моддий-техника базасини яратишда тобора улканроқ ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этмоқда.

Ўзбек халқи ҳам СССР халқларининг дўстона ва қардошлик оиласида экономика ва маданиятнинг янги чўққиларига чиқди, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини ҳамда ўнинчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши солномасига ёрқин саҳифалар ёзди.

Бугунги Ўзбекистон — социализмнинг Шарқдаги маёқларидан биридир. Бу маёқ ҳали Ленин ҳаёт чоғидаёқ нур соча бошлаган эди. Республикамизнинг кўп қиррали индустриал тараққиёти билан ҳақли равишда фахрланамиз. Дарҳақиқат, саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи, 1300дан зиёд йирик фабрика ва заводлар (шулардан 70 таси ўнинчи беш йиллик даврида қурилган) бугунги Ўзбекистоннинг индустриал қиёфасини кўрсатиб турибди.

Республика қишлоқ хўжалиги ҳам Октябрь инқилобидан кейинги тарихий даврда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юксак даражада механизмлашган, ривожланган колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачиликнинг ўнларча хилма-хил тармоқларидан иборатдир. Қишлоқ хўжалигида — пахтачилик етакчи тармоқдир. Бу ўринда иккита рақамни келтириш кифоя: 1913 йилда йиғиб олинган пахта 522 минг тонна эди, 1979 йилда эса пахта ҳосили 5 миллион 762 минг тоннага етди!

Ленин Ўрта Осиё аҳолисининг ижодий қобилиятларига, халқ истеъдодларининг буюк кучига чуқур ишонч билан қарарди, аҳолининг ялпи саводсизлигини тугатиш ҳақида тинмай ғамхўрлик қиларди. Ҳозирги Ўзбекистон ёппасига саводхон, санъат ва адабиёти, фан ва техникаси юксак даражада ривожланган ўлкадир. Халқ ижоди чашмалари қайнаб тошмоқда. Республиканинг кўпгина олимлари, ёзувчилари, композиторлари, рассомлари, артистлари ва маданий фронтнинг бошқа арбоблари иттифоқимиздагина эмас, жаҳон миқёсида маълум ва машҳурдир. Республика меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуш даражаси йил сайин ўсиб бормоқда.

Совет Ўзбекистонининг социализм қурилишидаги муваффақиятлари Коммунистик партия ва Совет давлати томонидан муносиб баҳоланди. Ўзбекистон ССР икки марта Ленин ордени, Халқлар Дўстлиги ва Октябрь революцияси орденлари билан мукофотланди.

Советлар мамлакатининг ҳамма жойида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида жамиятнинг янгича социал структураси таркиб топди. Эксплуататор синфлар тугатилди, икки дўст синф — ишчилар билан деҳқонларнинг мустаҳкам қардошлик иттифоқи қарор топди. Бунда Коммунистик жамият қуришда фаол кучга айланган деҳқонларнинг ижтимоий мавқеи тубдан ўзгарди. Ишчилар билан деҳқонлар орасидан совет зиёлиларининг кўп сонли отряди етишиб чиқди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам янги ҳаётнинг онгли ижодкори, тинчлик ва коммунизм ғояларига садоқатли киши камолга етди. Бу улуғ Ленининг орзуси эди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида умумхалқ социалистик мусобақаси янада кенг авж олди. Ҳозир республикамизда бу мусобақада 3 миллион 700 мингдан зиёд киши фаол қатнашмоқда. 772 минг ишлаб чиқариш илғори коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлди.

Ўзбекистон тупроғида текинхўр эзувчи синф ва уларнинг малайлари ҳукмрон бўлган қоронғу ўтмиш барҳам топгандан буён олтмиш икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу — кекса тарих учун қисқа муддат. Шу қисқа давр ичида ўзбек халқи ва совет Шарқининг бошқа халқлари Ленин васият қилган йўлда — капитализмни четлаб феодализмдан социализмга ўтиш йўлида чинакам тарихий одим ташлади.

Лениннинг номи абадийдир. Унинг иши — коммунизм иши — енгилмасдир.

«Мангу барҳаёт, ривожланиб борувчи таълимот бўлган ленинизм,— деди Л. И. Брежнев,— партия ғоявий ҳаётининг марказида, унинг бутун революцион — туб ўзгартирувчилик фаолиятининг негизи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Партия В. И. Лениннинг ғоявий меросига мурожаат қилар экан, Ленин фикрлари, ленинча методология асосида коммунистик қурилишнинг актуал проблемаларини ҳал этишни ўзининг муҳим вазифаси деб билади».

Мамлакатимиз барча қардош халқлари сингари ўзбек халқи ҳам Ленин байроғини, коммунизм байроғини баланд кўтариб бормоқда. Совет халқи Коммунистик партиямизнинг доно раҳбарлигида тинчлик ва коммунизм учун курашда шундай улкан муваффақиятларга эришдики, ер юзидаги барча софдил кишилар бунга қойил қолмоқда.

«Ленинча, коммунистчасига яшайлик ва ишлайлик!», деган ҳаётбахш шиор биз совет кишилари учун ҳаётимизнинг асосий мезонидир.

Асқар МУСА

Ватан

Осмон мовий бўлган, мовий азалдан,
Азалдан инсонга бошпана замин.
О, нурли юлдузлар, сизга завқ билан
Кўз тиккан йигитнинг нечанчиси мен?

Қадимсан, мангусан, кўриб турибман,
Бор эди, бор бўлгай офтобу очун.
Мен нега куйиниб яшаб юрибман?
Сенинг борлигингни билдириш учун!

Осмон мовий бўлган, мовий азалдан,
Одамлар яшаган, яшаб кетгандир.
Аммо ҳар бир юрак сени, эй Ватан,
Ўзи кашф этмаса, у беватандир.

Оғиш бурчаги

«Қанчалар зарб билан отилса гар тош,
Шунчалар узоққа бориб тушади»,—
Мактабда илк бора ўргатган устоз,
О, оғиш бурчаги, оғиш бурчаги.

Йўлини ўзгартар дарёлар бебош,
Тунлар бурчак ясаб юлдуз учади.
Вақти заволдан сўнг оғади қуёш,
О, оғиш бурчаги, оғиш бурчаги.

Умр ўтаверар мисли учар қуш,
Ўтади кераги ва нокераги.
Ҳар доим, ҳар ерда сенга келдим дуч,
О, оғиш бурчаги, оғиш бурчаги.

Кўрдим: биров оғар пул ё амалга,
Бировнинг сохта шон-шуҳрат тилаги.
Ажаб кўргуликсан улуғ одамга,
О, оғиш бурчаги, оғиш бурчаги.

Юрагим, бардам бўл, йўқотмай йўлим,
Бўлмайин тақдирнинг ўйин, эрмаги.
Ўзлигинг йўқотсанг, жазонгдир — ўлим! —
Ҳаётнинг энг сўнгги оғиш бурчаги.

Очил ТОҲИРОВ

Баҳор

Баргак тақди яшил, фусункор,
Мажнунтолнинг чилвир сочлари.
Эриб кетди тоғлардаги қор,
Келди баҳор қалдирғочлари.

Жилғалар ҳам шошиб шу замон,
Чопа кетди сойларга томон.
Ўрик эса хурраму шодон
Тақди оппоқ гуллардан маржон.

Мовий кўкда солиб арғимчоқ,
Гала-гала келар турналар.
Боғу қирга тақиб гул — мунчоқ,
Баҳор эса елар, куйманар!

* * *

Очиқ турар таниш дераза,
Ҳилпиратар пардани шамол.
Бир дона гул солинган ваза
Ва кўринар бир соҳибжамол.
Очиқ турар таниш дераза.

Деразадан бир бор қарамоқ,
Наҳот келмас дилбар ёдига?
Насиб этар қачон аримоқ
Бу айрилиқ гирдибодидан?
Очиқ турар таниш дераза.

Кунлар шундай этмоқда давом,
Ўтаётир шу кўйи тунлар.
Умид эса кўнгилда, ором
Ва таскиндан тиклар устунлар.
Очиқ турар таниш дераза...

Муборак

Ҳақиқат учун
Дунёга жар солиб яшарман.
Аёвсиз курашлар силсиласида
Мен ҳам бир жангчиман,
Қуролим — яшин.
Давримга ҳамнафас куйим, оҳангим.
Жабҳалар аро мен чақинман, чақин!
Буюк сафда жавлон урмасанг агар,
Унда ҳосил бўлур соя ва тўсиқ.
Кемага қўнмасин заррача ҳам гард.
Покиза юраклар чекмасин озор,
Ҳаётда ҳеч кимса тортмасин ғам, дард...
Эй, Ленин кемаси,
Олам сен билан,
Океанлар аро қоқавер қанот.
Тўлғоқли Дунёга нурсан, ҳаётсан.
Яшар ленинизм —
Боқий таълимот!

Орзу қилиш керак!
В. И. ЛЕНИН

Осмондай кўксида қуёшдай озод
Шоҳ юрак ёнгувчи жонсўз шу элнинг
Тилаклар тажассумин тополган пок зот!
Биз орзу қиламиз Сизни, Ленин!..

* * *

Ўқ Маяковский юрагидан қайтиб чиқиб, кўйлакнинг ўзи куйдирган жойидан ўтди-да, 4-03986 мавзолейининг милига шўнғиди...
А. ВОЗНЕСЕНСКИЙ. «Оза».

Ўларди биринчи навбатда Каплан
Ўзи отган ўқдан,— оқим эврилса!
Ўлардик туғилмоқ учун қайтадан
Элнинг бахти чопиб... Ленин тирилса!

С. ҒИЁС

УМРИМИЗ БАХШИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти таржима сектори мудири, тарих фанлари кандидати ***Аҳмад Аюпов*** *билан суҳбат*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали ҳисобланади. Шу илмий даргоҳ марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиб нашрга тайёрлаш ишларининг марказидир.

Партия тарихи институти ўз фаолиятида Маркс, Энгельс, Ленининг таржима ҳақидаги фикрларига, уларнинг таржимонлар олдига қўйган талабларига, партиянинг марксизм-ленинизм классиклари асарларини миллий тилларга таржима қилишни илмий йўлга қўйиш ҳақидаги кўрсатмаларига, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг илмий-методик раҳбарлигига таяниб иш юритиб келмоқда. Институт ўз фаолияти давомида марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб нашрга тайёрлаш ишларини тобора илмий асосда ташкил эта борди, илмий жиҳатдан аниқ, адекват таржима принципларини классикларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишга татбиқ этишда ва ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминология ишлаб чиқишни илмий заминга қўйишда катта муваффақиятларга эришди, бевосита иш жараёнида таржима санъатини пухта эгаллаб олган, классикларнинг асарларини таржима қилишга юқори малакали мутахассис таржимон ва редактор кадрлар тайёрлаб чиқарди, республикамизда марксизм-ленинизм классикларининг асарларига ўсиб бораётган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда иш ҳажми ва сўрагларини мунтазам ҳамда планли равишда ошириб борди.

Шу тариқа Ўзбекистон партия ташкилоти марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш борасидаги бутун фаолияти давомида Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, партиянинг энг муҳим ҳужжатларини ва бошқа марксистик адабиётларни ўзбек тилига илмий жиҳатдан аниқ таржима қилиш, ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминологияни илмий асосда ишлаб чиқиш, ишни илмий ва планли равишда олиб бориш, юқори малакали таржимон ва редактор кадрлар тайёрлаш муаммоларини қадам-бақадам ҳал этиб борди. Натижада республика партия ташкилоти бутун фаолияти давомида марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилида нашр этишни кўпайтириш, таржималар сифатини яхшилаш, бинобарин, марксизм-ленинизм ғояларини ўзбек халқи орасида пропаганда қилиш борасида жуда катта муваффақият қозонди.

1919 йилдан 1979 йил охирига қадар ўтган 60 йил мобайнида В. И. Ленин асарлари ўзбек тилида 380 номда — қарийб 6,9 миллион нусхада нашр этилди. В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишни дастлаб Абдулла Авлоний, Амир Нажиб, Наим Саид, Қосим Сорокин, Шариф Толибов, Рустам Абдураҳмонов каби таниқли журналист таржимонлар бошлаб берган бўлсалар, кейинчалик бу шарафли ишни Ш. Толибов, Л. Муродов, Р. Сахибоев, Ж. Азизхонов, Э. Бадалов, Ғ. Неъматов, Р. Шокиров, Ҳ. Солиҳов, З. Нормуҳамедов каби моҳир таржимонлар давом эттирдилар ва эттирмоқдалар. Ҳозирги вақтда кекса ва тажрибали таржимонлар билан бирга М. Аҳмедов, Ҳ. Пўлатов, М. Раҳимова, А. Муллаҳамедов, Р. Абдиев, О. Тўраев, Ҳ. Исмоилов каби ёшлар доҳий асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Мазкур таржимонлар ижодий меҳнати туфайли улуғ доҳийимизнинг буюк адабий мероси ўзбек халқининг маънавий бойлигига айланди. Республикамиз меҳнаткашлари В. И. Ленин асарларини ўқиб, марксизм-ленинизм ғояларини дилларига жо қилмоқдалар, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалар бўйича ўзларини қизиқтирган барча масалаларга Ленининг зиёбахш асарларидан жавоб топмоқдалар. Ҳозир китоб жавонида Ильич китоби бўлмаган ўзбек ишчи, деҳқон ёки зиёли хонадони йўқ. Зеро, Л. И. Брежнев айтганидек, «В. И. Ленин дек асарлари кўп тарқалган одам ер юзида бўлган эмас ва йўқ... Ҳамма мамлакатларнинг, ҳамма қитъаларнинг одамлари бу асарларни ўқимоқдалар, яшаш ва курашишни шу асарлардан ўрганмоқдалар».

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳамма босқичларида Ленин асарлари бутун совет халқи учун йўлчи юлдуз бўлиб келди. Улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларида ҳам В. И. Ленин асарларини ўзбек тилида нашр этиш қизғин давом этганлиги бунинг шаҳодатидир. Айниқса, урушдан кейинги йилларда В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, Партия тарихи институти 1945 йилдан бошлаб В. И. Ленин асарларининг тўртинчи нашрини ўзбек тилига таржима қилишга киришди. Партия тарихи институти ва Ўзбекистон Давлат нашриёти республика партия ташкилотининг раҳбарлиги ва кўмагида В. И. Ленин асарларининг 45 томлик нашрини ўзбек тилида чиқаришдек шарафли ишни муваффақият билан амалга оширди.

Бу марксизм-ленинизм классиклари ва В. И. Ленин Асарларини тўла нашр этишга киришиш имконини берди. Тўла асарлар тўпламига В. И. Лениннинг нашр этилган ёки нашр этилиши керак бўлган жами асарлари, унинг съездлар, конференциялар, митинглар ва бошқа йиғилишларда қилган докладлари, сўзлаган нутқлари, унинг ўз асарлари, докладлари ва нутқларига тайёргарлик материаллари, шунингдек, хатлари, телеграммалари ва бошқа ҳужжатлари, хуллас, маълум бўлган бутун адабий мероси жамланган бўлиб, булар 9000 га яқин асар ва ҳужжатни ташкил этади. В. И. Лениннинг тўла асарлар тўпламини Партия тарихи институти ўзбек тилида нашрга тайёрламоқда ва уни «Ўзбекистон» нашриёти нашр этмоқда. Ҳозирга қадар 47 том босилиб чиқди, қолган томлар ҳам доҳий таваллудининг 110 йиллиги нишонланадиган 1980 йилнинг охирида ҳурматли китобхонларимиз қўлига бориб тегади.

В. И. Ленин асарларининг бешинчи нашри буюк доҳиймиз ижодий меросини тўла қамраб олганлиги, тўртинчи нашрга нисбатан таржималарнинг мукаммаллаштирилганлиги билан ажралиб туради.

В. И. Ленин асарлари таржимаси таржимонлар зиммасига юксак сиёсий, ижодий масъулият юклайди. Владимир Ильич асарларида марксизмнинг барча узвий қисмлари — фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм янада бойитилган ва конкретлаштирилган. Лениннинг империализм ҳақидаги, янги типдаги партия, социалистик революция ва пролетар диктатураси, ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи ва миллий масала ҳақидаги, социалистик жамият қуриш йўллари ҳақидаги таълимоти, хуллас, унинг бутун ғоявий мероси партиямиз фаолиятида энг муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. Бинобарин, доҳий асарлари таржимаси сифати ҳамиша партия ва халқ эътиборида экани қонуниийдир. Табиийки, биз Лениннинг 55 томлик тўла асарлари таржимасига бағишланган тадқиқотларни кутмоқдамиз.

Биз ўз умримизни давримизнинг энг юксак ғояларини тарғиб қилишга — Ленин асарлари таржимасига баҳш этаётганимиз билан бахтлимиз. Ленинизмнинг буюк ғоялари бутун социализм дунёси, мамлакатимиз халқларини, шу жумладан, ўзбек халқини пролетар интернационализми, коммунизм идеаллари руҳида тарбиялашда, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда жуда катта аҳамият касб этмоқда, совет халқларини КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун фидокорона курашга илҳомлантирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида таъкидланганидек, «ривожланган социалистик жамият қурилганлиги КПСС билан совет халқининг Ленин ғояларини рўёбга чиқариш соҳасидаги фаолиятининг жаҳоншумул тарихий якуни бўлди, бу жамиятда янги тузумнинг бунёдкорлик кучлари, унинг чинакам инсонпарварлик моҳияти тўла намоён бўлмоқда».

ИФТИХОР

Бундан олтмиш беш йил аввал В. И. Ленин ўзининг «Великорусларнинг миллий ифтихори ҳақида» деган машҳур асарини ёзди. Унда ҳукмрон эзувчи синфлар авж олдириб юборган шовинизм васвасасига зарба берилиб, миллий ифтихорни пролетарчасига, коммунистчасига тушуниш тарғиб қилинади. Чунки ўша пайтда миллат, ватан, озодлик, миллий мустақиллик масалаларини шовинистик руҳда талқин қилувчилар кўп эди.

Улуғ доҳий русларнинг миллий ифтихори масаласига тўхталиб, бу халқнинг революцион анъаналари, озодлик йўлида курашган қаҳрамонларининг жасоратлари билан фахрланиш зарурлигини қайд этади. Ватан хоинларига, социал шовинистларга қарши кураш олиб бориш билан бирга, «Россиядаги барча халқларнинг пролетарларча биродарлигига, яъни социализм ишига» ҳамиша содиқ бўлиб қолишга даъват қилади.

В. И. Ленин пролетариат революцияси учун ишчиларни узоқ вақт тўла миллий тенглик ва биродарлик руҳида тарбиялаш зарурлигини уқтирган эди. Бу — партиянинг биринчи даражали вазифаси сифатида унинг диққат марказида турди. Ана шу тенглик ва биродарлик чоризмни ағдаришда ҳам, интервентларни тор-мор келтиришда ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам катта куч сифатида намоён бўлди. Улуғ доҳиймиз айтган тенглик ва биродарлик совет халқларини ҳамма вақт, ҳамма соҳада ҳам улкан ғалабаларга чорлади. Эндиликда Ватанимиздаги барча халқлар ягона оилада дўстона ҳаёт кечирмоқдалар. Миллий ифтихор тушунчасининг мазмуни бениҳоя кенгайди, совет халқларининг якдил гражданлик туйғулари юксак қадрланади. Л. И. Брежнев Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тантаналарида айтганидек, совет кишилари интернационалистлардир.

Улуғ доҳийнинг «Великорусларнинг миллий ифтихори ҳақида» асаридаги илмий-назарий фикрларга партиямиз доим амал қилиб келди ва уни ривожлантириб борди. «Совет кишисининг умумий миллий ифтихори — бу жуда катта, миқёси кенг, ўз мазмуни жиҳатидан ғоят бой ҳис-туйғудир,— деган эди Л. И. Брежнев СССРнинг 50 йиллиги тўғрисида қилган докладида.— Бу ҳис-туйғу мамлакатимизни ташкил этган халқлардан ҳар бирининг табиий миллий ҳис-туйғуларидан чуқурроқ ва кенгроқдир. Бу ҳис-туйғу миллион-миллион совет кишиларининг меҳнати, шижоати, ижодкор даҳоси яратган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олган».

Улуғ рус тили ана шу ғалабалар учун курашда миллатлар ва элатларнинг ўзаро алоқа воситаси, интернационал тарбия мактаби, дўстлик рамзи бўлиб хизмат қилмоқда. Ватанимизда миллатлар ва элатлар она тиллари билан бир қаторда, рус тилини ҳам зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Рус тили уларнинг бир-бирларини тушунишда ўзаро алоқа боғлаш, ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашда асосий восита бўлиб қолди. Республикамизда ҳам буюк рус тилини ўрганишга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бунинг боиси нимада? Унинг туб сабабларини ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўзининг 1972 йил 6 октябрда «Правда» газетасида босилган: «Мустаҳкам қардошлик» мақоласида қуйидагича изоҳлайди: «...айни рус тилини ўрганиш кераклигининг боиси нимада? Бунинг боиси шуки, рус тили ғоят кўпчилик совет кишиларининг тилидир. Бунинг боиси шуки, рус тили буюк ва қудратли тил бўлиб, жаҳонга энг кўп тарқалган, ёрқин ва бой тилларнинг биридир. Бунинг боиси шуки, бу тил чинакам маърифат тили, умуминсоний тил, маданиятнинг чўққисидир. Худди шунинг учун СССРда яшовчи барча миллатларга мансуб совет кишилари рус тилини севадилар, рус тилини ўзларининг иккинчи она тили деб ҳиссблаб, уни зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Рус тилини билиш эса халқларнинг Ватан ва жаҳон фани техникаси, маданияти ютуқларини ўзлаштириб олишларига ёрдам беради, барча совет миллатларини яқинлаштиради, уларнинг интернационал қардошлигини мустаҳкамлайди».

В. И. Лениннинг халқ оммасини миллий тенглик ва биродарлик руҳида, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ўз интернационал бурчига, социализм ишига доим содиқ бўлиш руҳида тарбиялаш ҳақидаги таълимоти ўтган олтмиш йил ичида партия томонидан турмушга тўла татбиқ этилди ва ривожлантириб борилди. Чунки СССРдаги миллатлар ва элатларнинг манфаатлари умумийдир. Совет кишилари ягона оилада бир тан, бир жон бўлиб, коммунистик жамият қуриш иштиёқи билан яшамоқдалар.

Н. РАЖАБОВ



Ленин районининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Юзлаб меҳнат зарбдорлари беш йиллик планларини доҳиймиз юбилейигача — муддатидан илгари бажариш ниятида юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар. Суратда: районнинг меҳнат илғорларидан бир гуруҳи. (Чапдан): «Қизил тонг» Тикувчилик бирлашмасининг ишчиси З. Лебедева, Каноп фабрикасининг ишчиси А. Смишук, Урта Осиё Электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг гравёри Э. Якушев, Ленин номидаги Электрон техника заводининг токари А. Вдовин, шу завод созловчиси А. Умаров, ишчи Н. Калякина, «Қизил тонг» Тикувчилик бирлашмасининг ишчилари Ф. Дорожкина, В. Александрова, Е. Штирова, С. Эннанов, Каноп фабрикасининг тўқувчиси А. Алимуҳамедова, Электр аппаратлари заводининг созловчиси Р. Ҳошимова, Электрон техника заводининг слесари А. Муҳамедов, Урта Осиё Электр аппаратлари бирлашмасининг монтажчиси Ю. Радионов, Каноп фабрикасининг ишчиси К. Ғуломова.

БИЗ ЛЕНИН РАЙОНИДАНМИЗ

Пойтахтнинг Тарас Шевченко кўчаси бўйлаб кетмоқдамиз. Яёв кезганингда шаҳарнинг бутун ҳусни-салобати кўз ўнгингда намоён бўлади.

Бу ерда бир вақт пастқам уйлар, кўримсиз тор кўчалар бўлар эди. Бугун ана шу жойлар ҳам азим Тошкентимизнинг бошқа гўшалари сингари батамом ўзгариб, янгича кўрк, гўзаллик касб этмоқда.

Иморатлардан бирига «Украина» сўзи ғиштдан терилган. Зилзиладан сўнг қардошларимиз қурган баланд, шинам турар жойлар. Украина квартали халқлар дўстлигининг яна бир рамзи сифатида районимизга чирой қўшиб турибди. Кўчанинг чап томонидан «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг янги корпуслари қад кўтарган. Нарироқда замонавий меъморчилик намунаси —«Ўзбекистон» маиший хизмат уйи эътиборингизни тортади. Унинг рўпарасидаги уч қаватли муҳташам бино пештоқига «Ленин район партия комитети» деган лавҳа бор. Районимиз ҳаёти билан танишишни шу жойдан бошладик.

Район партия комитетининг иккинчи секретари Тўйчи Ҳайдаров меҳнаткашларнинг бугунги кайфиятини тавсифлаб:

— Буюк доҳиймиз Ленин номи биз учун чексиз ифтихор,— деди.— Бу буюк ном айни вақтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Районимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йили деб эълон қилдилар. Ҳар бир коллектив ўз зиммасига оширилган мажбурият олган. Юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари доҳий юбилейигача беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар. Октябрь революцияси номидаги Тепловоз-ремонт заводи, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ходимлари ленинча шанбалик шарафига бошланган социалистик мусобақада пешқадам бўлди. Ҳали саноат корхоналарида бўлганингизда ишчиларнинг юксак кайфиятини яққол ҳис қиларсиз.

Чиндан ҳам, айниқса «Қизил тонг» бирлашмаси цехларида биз буни аниқ ҳис қилдик. Бирлашма партия комитетининг секретари Лидия Орлова коллективнинг муваффақиятлари ҳақида гапириб, Матлуба Рўзиева, Санталат Ҳусанова, Зарифа Йўлдошева, Мунаввар Жумаева сингари илғорларнинг номларини тилга олди.

— Қизил шанбалик — коллективимиз учун анъанавий меҳнат байрами,— деди у.— Бирлашманинг 1100 кишилик коллективи шанбаликда тўла қатнашади. Ўша куни 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, тежалган хом ашёдан 5 минг дона кийим-кечак тайёрланади. Ишчиларимизнинг 4,5 минг сўмдан иборат бир кунлик иш ҳақи Иттифоқ фондига ўтказилади. Шу куни доҳиймиз юбилейи муносабати билан тўрт хил янги буюмни Сифат белгиси билан тайёрлашга эришамиз. Янги андоза бўйича тикиладиган эркаклар чарм пальтоси, аёллар пўстини, қизлар киядиган пальтолар юртдошларимизга юбилей совғамиз бўлади. Бундан ташқари, меҳнат зарбдорларидан 143 киши 22 апрелгача беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар. Ҳамида Ниёзова, Дилфуза Тоирова, Мунира Ҳасанова, Зуҳра Йўлдошева, Зарифа Иноятова ва бошқалар шундай юксак ният билан меҳнат қилмоқда.

Октябрь революцияси номидаги Тепловоз ремонти заводида қалбингизни қандайдир илиқ ҳис чулғаб олади. Революцион тарихга оид китоблардан ўқиганларингиз ёдингизга тушади. 1900 йил бошларида Тошкент Темир йўл устахоналарида социал-демократларнинг энг катта тўгараклари ташкил этилган. Уларнинг яширин босмахонаси ҳам шу ерда бўлган. Россиянинг марказий шаҳарларидан сургун қилинган революционерлар В. Корнюшин, К. Литвишко, А. Худаш, И. Романов, А. Першин, В. Ляпин, Н. Шумилов ва бошқалар шу ерда инқилобий тарғиботга бошчилик қилганлар.

«Аврора» садоси етиб келганда, 1917 йилнинг 28 октябрида, тошкентлик темирйўлчи революционерлар қуролли қўзғолон бошлайдилар. Улар шаҳардаги бошқа инқилобий кучларни уюштириб, генерал Коровиченко қўшинларини тор-мор келтирадилар... Тошкентда революция ғалаба қилади!

Илиқ хотиралар оғушида завод дарвозасидан

ичкарига кирдик. Рўпарада атоқли қўмондон М. Фрунзе ва биринчи ўзбек генерали С. Раҳимовнинг бюсти турибди. Бу сиймолар фаолиятида ҳамоҳанглик бор. Михаил Васильевич Ленин йўлланмаси билан Туркистонга ташкилотчи коммунист, совет саркардаси сифатида келди. Унинг Ўрта Осиёда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашдаги хизмати беқиёсдир. Генерал Собир Раҳимов эса Улуғ Ватан урушида шу ҳокимиятга тиш қайраган, халқларимиз эркига чанг солмоқчи бўлган ёвуз душманни тор-мор этишда мисли сиз жасорат кўрсатди. Халқ қаҳрамонларининг сўнмас шуҳрати ёш авлодимизни бугун меҳнат зафарларига даъват этмоқда.

Завод ҳаёти билан танишарканмиз, бу ерда ҳамма нарса Ленин номи билан боғлиқ эканини, унинг ҳаётбахш ғоялари тантанасининг самараси эканини кўрамиз. Завод тарихи музейининг мудири Наталья Гражданкина корхонанинг тарихий революцион анъаналарини гапириб берди.

Яқинда заводнинг ташкил топганига 80 йил тўлади. Коллектив шу кунларда қўш байрам — ленинча шанбалик ва корхона юбилейи шарафига қизғин меҳнат қилмоқда. Бу ерда шанбалик узоқ тарихга эга. 1919 йилнинг 11 октябрида темирйўлчилар биринчи марта Тошкентда коммунистик шанбалик ўтказган эдилар.

Ўша йили шароит тақозоси билан октябрдан то декабрь охиригача «Фронт ҳафталиги», «Транспорт ҳафталиги», «Ёшлар ҳафталиги» шиорлари остида йигирма икки шанбалик уюштирилди. «Транспорт ҳафталиги» шиори билан ўтган шанбаликда 12 минг 664 темирйўлчи қатнашди. Етти кун давомида 99 та паровоз, 128 вагон ремонтдан чиқарилди, 144 та вагонга юк ортилди.

Дастлабки беш йилликлар даврида завод ишчилари зарбдорлик ҳаракатининг ташаббускорлари сифатида майдонга чиқдилар. Корхонанинг илк авлод ишчилари Алексей Комиссаров, Руф Игольников ва бошқалар бир кунда икки-уч нормани бажариб, кўпчиликка ибрат бўлдилар.

Ўттиз бешинчи йилга келиб стахановча ватанпарварлик ҳаракатининг фаол иштирокчилари Владимир Футорянский, Иван Курамшин, Федор Егоров, Абдушукур Қодировлар ҳозир ҳам шу заводда. Улар ёшларга устозлик қилмоқдалар, бой тажрибаларини ўргатмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, механика цехининг моҳир токари Абдушукур Қодиров Собир Раҳимов номи билан аталадиган ДИП-500 дастгоҳини бошқармоқда.

Наталья Борисовна ҳовлидаги ёдгорликлар ва эсдалик лавҳалар тарихини ҳам тушунтирди.

— Ленин вафоти, бутун мамлакатимиз халқлари сингари, Тошкент темирйўлчиларини ҳам қаттиқ қайғуга солади,— деди у доҳийнинг рўпарадаги ҳайкалига ишора қилиб.— Ишчиларимиз Владимир Ильич хотирасини абадийлаштириш учун ҳайкалнинг ўн беш хил лойиҳасини тайёрладилар. Темирчилик цехининг ишчиси Резуненко лойиҳаси маъқулланди. Мана бу ҳайкал шу лойиҳа бўйича ўрнатилган. Унинг бошқа қисмлари турли цехларда ишланган.

Беш қиррали юлдуз шаклини ташкил этган темир ғилдираклар устига ўрнатилган буюк сиймога ҳаяжон билан боқаман. У юксакликдан бугунги камолотимизни мамнун кузатаётгандек туюлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида завод ҳарбий изга кўчди, мамлакатимизнинг таянч корхоналаридан бирига айланди. Темирйўлчилар фронт учун юзта санитария поезди, тўртта бронепоезд ва ҳар хил қурол-яроқлар тайёрлаб жўнатдилар. Завод эшигидан чиқиб фронтга йўл олган шу бронепоездлардан бири Берлин остонасига борганини ҳамроҳимиз алоҳида фахр билан гапирди.

Ишчиларнинг қўли бир-бирига тегмасди. Деворларга «Ленинча шанбалик — анъанавий меҳнат байрамимиз!», «Юбилей шарафига зарбдорлар ҳаракатини кучайтирайлик!» деган шиорлар осиғлиқ.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ҳалим Қосимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг иши билан танишдик. Ҳалимжон шогирдлари Мели Алимуҳамедов, Турсун Солиҳов, Эргаш Содиқов, Муҳаммаджон Омонов, Худойшукур Қурниёзов, Турғун Алимуҳамедовларнинг кунлик ва ойлик топшириқларни ошириб бажараётганлигини мамнун бўлиб гапирди.

— Коллективимиз,— деди у ён дафтарчасига кўз югуртириб,— Ленин юбилейигача битта 2ТЭЮЛ тепловозини ремонт қилиш ва 1150 литр мойлов материалларини тежаш мажбуриятини олган. Сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Чўян эритиш цехининг қуювчиси, Октябрь революцияси ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Тошкент шаҳар Советининг депутати Абдулла Султонмуродов, 2-механика цехининг меҳнат ветерани Михаил Мокроусов сингари зарбдорлар юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақада ғолиблик қилмоқдалар.

Завод ҳовлисидан чиқдик. Кўркам хиёбон. Ўн тўрт комиссарга ўрнатилган машҳур ҳайкал. Мангулик гулхани халқ қаҳрамонларининг сиймосини ёритиб турибди: В. Вотинцев, В. Фигельский, В. Шумилов, В. Финкельштейн, А. Першин, М. Качуринер, Е. Дубицкий... Улар юксакликдан мағрур боқиб турарди.

Халқ бахти йўлида ҳалок бўлган қаҳрамонлар. Туркистон республикасининг атоқли арбоблари, оташин ленинчилар бошлаган ишларни бугунги авлодларимиз давом эттирмоқдалар, буюк Ленин ғояларининг тантанаси учун курашмоқдалар!

Шомурод СИДДИҚОВ



Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг илғор ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров шогирдлари Шоҳиддин Муҳамедов (чапда) ва Эргаш Мадалиевга коллективнинг революцион ва меҳнат анъаналари ҳақида сўзлаб бермоқда.

А. ЖДАНОВ фотолари

Мулла Ўроз ХЎЖАМАМЕДОВ

УЛУҒ ДОҲИЙ ҲУЗУРИДА

Мен кексайиб қолдим. Лекин ҳануз уйимдан меҳмон аримайди. Уларни бир масала — буюк доҳиймиз, камтар инсон Владимир Ильич Ленин билан қандай қилиб учрашганим тафсилоти жуда қизиқтиради. Ана шунда яна ўша унутилмас кун кўз олдимда жонланади.

Маълумки, 1920 йил апрель ойида Хивада ўтган Хоразм Халқ Совет Республикаси меҳнаткашлари вакилларининг Биринчи қурултойи қарорига биноан Марказий Ижроқўм аъзоларидан икки киши РСФСР билан дўстлик ва иттифоқ шартномаси тузиш учун вакил бўлиб Москвага борди. Ўша икки вакилнинг бири мен эдим. Халқ бизга энг аввало Ленинни кўриш ва унга меҳнаткаш деҳқонлар орзу-умидларини етказишни тайинлаган эди.

Хивадан Хонқагача аравада келдик. Ўша ерда тонг оттириб, эртасига Тўрткўлга ўтдик, сўнг кемага тушиб, Чоржўйга бордик.

Биз қаерга бормайлик, эл кўзида эдик. Одамлар қаерга ва нима учун кетаётганимизни билишарди. Улар бизга: «Албатта Ильичга салом етказинглар», дердилар. Чоржўй, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, олис қишлоқ ва овулларда бўлиб ўтган йиғилишларда биз халқ юрагида доҳийга нисбатан туганмас меҳр-муҳаббат жўш ураётганини сездик.

Чоржўйда Сафо савдогарнинг собиқ карвонсаройида ишчилар, темирйўлчилар, ҳунармандлар ва деҳқонлар митинги бўлгани ҳануз эсимда. Шу митингдан сўнг ёнимизга бир чол келди. Биз Хоразм халқ ҳукуматининг вакиллари эканлигимиз ва Москвага махсус топшириқ билан кетаётганимизга ишонч ҳосил қилгач, у қўйнидан ўроғлиқ қоғоз олди.

— Бизнинг дардимиз ва умидимиз — шу қоғозда. Кўҳна Бухоронинг меҳнаткаш деҳқонлари бу номани қўлимга бериб, мени Тошкентга юбордилар. Уни Москвага, ботир Ленин йигитларига етказ,— деди у.— Бу номада биз — Бухоро халқи амир ва унинг қонхўр ноиблари зулмига қарши курашда доҳий Лениндан ёрдам сўрадик. Когонда Хоразм деҳқонлари делегацияси Москвага кетаётибди, деб эшитиб, Чоржўйга қараб шошилдим.

Биз Бухоро халқининг Ленинга йўллаган номасини олиб, уни доҳийга албатта етказишга ваъда бердик.

Дарҳақиқат, халқ Ленинни ботир деб атар эди. Биз ҳам уни паҳлавон одам, деб тасаввур қилардик.

Ниҳоят, Москвага ҳам етиб бордик. Бизни самимий кутиб олдилар. Ёнимизга йўлбошловчи ва

Рустам ҒАНИЕВ

* * *

Ёмғир савалайди.
Гавжум кўчадан
Бошпанага ўзин урар оломон.
Кимдир манзилига қушдай учади,
Кимнидир ёмғирдан сақлар соябон.

Хасталик тўшагин тарк этган киши
Бешафқат жалага қилмоқда тоқат.
Гўё бу оламда сўнгги юмуши —
Шу совуқ ёмғирга чўмилмоқ фақат!

Осмонни қоқ ёрган момогулдирак
Нурсиз кўзларига бахш этди зиё.
Шодликдан энтикди сиқилган юрак,
Ғоят сулув эди ёмғирли дунё!

Панада турганлар ундан кулишар:
«Жинними бу одам ё босган уйқу?..»
Инсонни англашда кўплар адашар,—
Тансиқ нафасини олаётир у!

МЕҲР-МУҲАББАТ РАМЗИ

Мулла Уроз Хўжамамедовнинг бу эсдалигида халқимизнинг Ильичга бўлган меҳр-муҳаббати яққол кўринади.

Зеро, Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йили Ленинга йўллаган хати ҳам ўзбек халқининг Ильичга бўлган буюк муҳаббати ифодаси эди.

«Биз Сизнинг маслаҳатингизга кўра,— деб ёзилган эди хатда,— деҳқонларимизнинг ҳаётини яхшилашга киришдик. Сизнинг сўзларингиз ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олади. Биз ўз саноатимизни ташкил этишга киришдик, чоризмнинг эски мустамлакачилик сиёсати эса саноатни ривожлантиришга йўл қўймас эди. Бу соҳада ҳам Сизнинг янги иқтисодий сиёсатда белгилаган кўрсатмаларингизга амал қилмоқдамиз. Хоразм революциясининг икки йиллигини нишонлаб, биз меҳнат қаҳрамонларига бериш учун Меҳнат ордени таъсис этдик. Сиз қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитетининг қарорига мувофиқ ана шу орденни қабул қилишингизни ва Шарқда кўп асрлик қуллиқдан озод бўлган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни сўраймиз».

Доҳиймиз Ленин Меҳнат орденини қабул қилар экан, унда ўзи бутун умрини бағишлаган улуғ мақсад — меҳнат аҳли саодати учун курашнинг эзгу самарасини кўрган эди.

Сиз бу саҳифада Мулла Уроз Хўжамамедовнинг эсдаликларидан бир қисми билан танишасиз.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати

Ёвмут-машриқ уруғи оқсоқоли Мулла Уроз Хўжамамедов Улуғ Октябрь социалистик революциясини қувонч билан қаршилади. Инқилоб Хоразм элига озодлик келтиради, деб ишонди. Мулла Урознинг революцияга хайрихоҳлиги Жунайдхоннинг ғазабини қўзғади. У Мулла Уроз бошлиқ уруғнинг 500 хонадони мол-мулкини талон-тарож қилдирди, уйига ўт қўйдирди.

1919 йили Мулла Уроз Жунайдхон бебошлигига барҳам беришда Хоразмнинг туркман ва ўзбек аҳолиси номидан ёрдам сўраб Тошкентга келди, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ҳукуматига мурожаат қилди. Сўнг, қизил гвардиячилар отряди сафида Жунайдхон каллакесарларига қарши курашди. 1920 йилнинг февралида инқилобда фаол иштирок этди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси Биринчи қурултойида у ХХСР ҳукумати раисининг ўринбосари бўлиб сайланди. Кейин республика Ташқи ишлар нозири этиб тайинланди.

ХХСР билан РСФСР ҳукуматлари ўртасида тузилган иттифоқ шартномасига Мулла Уроз ҳам имзо чекди. РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг 1920 йил 18 сентябрда Мулла Урозга берилган ёрлиғида шундай дейилган эди:

«Уртоқ Мулла Уроз!

Биз Сизнинг ўзингизни вакил қилган мамлакат билан РСФСР ўртасидаги дўстлик муносабатларини вужудга келтириб ва иттифоқ шартномасини тузишда мустақил Хоразм Халқ Совет Республикаси ва унинг меҳнаткашлар оммаси манфаатлари йўлидаги самимий интилишларингизни зўр қониқиш билан кузатганимизни айтишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Ишончимиз комилки, Сиз бундан буён ҳам Совет ҳокимияти ва икки қўшни иттифоқдош республика ўзаро дўстлиги посбонлигида садоқат билан тураверасиз».

Мулла Уроз Хўжамамедов ўз умри давомида бу ишончни тўла оқлади, Ленин ғояларини амалга ошириш йўлида садоқат билан хизмат қилди. Доҳий Ленин билан учрашган кунини эса умрбод ифтихор билан эслаб юрди. Мулла Уроз Хўжамамедовнинг Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихий музейи собиқ ходими, тарих фанлари кандидати Аҳмаджон Хаиров томонидан ёзиб олинган ва шу музей архивида сақланаётган эсдалиги бунинг яққол далилидир.

таржимон қўшдилар. Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ҳукумати аъзолари билан музокаралар тугагандан сўнг биз: «Доҳий Ленин билан учрашсак», деб илтимос қилдик.

Автомобилда Кремль томон борарканмиз, жуда ҳаяжонланардик. Биз буюк одам қабулига шошилар, унга айтажак дил сўзларимизни ўйлар эдик.

Қабулхонага кирганимизда секретарь аёл ўрнидан турди. Ичкаридаги эшикни очиб, нимадир деди ва бизни киришга таклиф этди.

Кенг хонага кирганимизда, ўрта бўйли бир киши бизларга пешвоз чиқди. Чеҳрасида мулойим табассум. «Эҳтимол, иккинчи секретардир», деб ўйладим. Яна қайси эшикка кирарканмиз, деб кутдим. Таржимон бизларга қараб:

— Танишинглар: ўртоқ Ленин,— деди.

Таажжубланиб бир таржимонга, бир ҳамроҳимга қарадим.

Бу одам — Ленинниг ўзи эди. Хаёлан тасаввур қилиб юрган буюк доҳиймиз! Владимир Ильич ҳар биримиз билан алоҳида кўришди ва ўтиришга таклиф этди. Ҳаммамиз ўтиргач, ўзи ҳам ўтирди. Аввал ўйлаб қўйган гапларим бир зумда эсимдан чиқиб кетди.

Ҳамроҳим икковимиз тутила-тутила Москвадаги самимий қабул учун қизғин миннатдорчилигимизни изҳор этганимизда Владимир Ильич ўрнидан турди, стулни ёнимизга сурди ва мулойим жилмайиб, Хоразмдаги ишларимизни суриштирди.

Биз Ленинга кўрган-кечирганларимизни сўзладик. Хивадаги қурултой вакиллари топшириғини, митинглардаги гапларни айтдик. У диққат билан тинглади, хонада у ёқдан бу ёққа юрди, яна иш жойига ўтирди ва бизга қараб шундай деди:

— Хоразмда деҳқонлар, камбағаллар, бутун Ўрта Осиёдаги каби, хон навкарларига, бойлар ва босмачиларга қарши қуролли тўқнашувдан четда турмайдилар. Улар ҳокимиятни, ер ва сувни қўлдан бермайдилар.

Владимир Ильич бизга қатъий бўлиш ва революция ишини изчиллик билан охирига етказиш зарурлигини уқтирди.

Суҳбатимиз давомида ўқтин-ўқтин телефон жиринглаб турар, Владимир Ильич трубкани олиб, бандлигини айтар эди.

Суҳбатимиз охирида у бизнинг шахсий ишларимиз ва оилавий аҳволимиз билан ҳам қизиқди. Мен, гапдан гап чиқиб, қариб қолаётганимни айтган эдим, Ильич хахолаб кулиб юборди:

— Буни қаранг, сиз билан тенгдош эканмиз-ку! Тенгдош... Лекин чол бўлишга ҳали эрта,— деди.

Ленин билан хайрлашарканмиз, биз ундан ўзбек ва туркман халқлари номидан кичик совға — ипак тўн ва белбоғ қабул этишни илтимос қилдик. Владимир Ильич юракдан миннатдорчилик билдириб совғани қабул қилди.

Бир қанча вақт ўтгач, биз ҳам Лениндан совғалар олдик. Шахсан менга Владимир Ильич чўнтак соати совға қилди. Уни мен муқаддас ёдгорлик сифатида ҳанузгача ардоқлаб келаман.

...Энди жуда қариб қолдим. 90 ёшдаман. Аммо Москвага бориб, яна мангу барҳаёт Ильич билан Мавзолейда учрашиш ниятим бор.

* * *

У катта шаҳарда бахтиёр яшар —
Бирон-бир нарсадан йўқдир кам-кўсти.
Ҳар куни эрталаб юмушга шошар,
Бордир дардлашишга арзирли дўсти.

Бемалол етади моянаси ҳам,
Хуллас, ҳаётидан унинг кўнгли тўқ.
Вужудин кемирмас ташвиш ё алам,
Шаҳардан безор ҳам бўлганича йўқ.

Фақат юрагида бир туйғу бордир,
Унга қила олмас ҳеч қачон тоқат.
У қишлоқ меҳрига ҳамиша зордир —
Туғилган жойини соғинар фақат!

Гоҳо тушларига бўлади меҳмон —
Қирда яланг оёқ чопиб юргани,
Баҳор кунидаги тип-тиниқ осмон,
Бўзликдан қип-қизил лола тергани...

Не-не оқшомларни ўтказар бедор —
Маъсум онларини хотирлаб бир-бир.
Кимнидир жилмайиб қўмсайди такрор,
Хўрсиниб эслайди ногоҳ кимнидир...

Ниҳона

Бегойим

Халқ оҳангида


Кўзингизнинг қароғига кўнгил қурғур боғланди,
Ҳажрингизда ёнган юрак олисларга чоғланди.
Меҳрданми, қаҳрданми ўртаниб кўп доғланди,
Бу юракнинг асрорини тинглармисиз, бегойим?

Оппоқ тонгга қучоқ очсам — қуёш олис кўринди,
Булутларга дуч келган от қайта-қайта суринди,
Лекин сизнинг қошингизга етмоқ учун уринди,
Тулпоримни туёғидан танирмисиз, бегойим?

Бир оғиз сўз сўзланг ахир — бу оламда бормисиз,
Менингдек алп чавандознинг паноҳига зормисиз,
Паримисиз, фариштами, малак ё дилдормисиз,
Чавандозга бир илиқ сўз сўзлармисиз, бегойим?

Изтироблар қучоғига яширдим мен ўзимни,
Кўзингизга муҳрладим сеҳрланган кўзимни,
Васлингизга етолмай... оҳ, айтолмадим сўзимни,
Қалбимни ҳеч сезармисиз, севармисиз, бегойим?

Майли, агар «кет», десангиз узоқларга кетгайман,
Тулпоримга қамчи тортиб охир абгор этгайман,
Балким, балким... бу дунёдан сизни излаб ўтгайман,
Шунда мени эслармисиз, эслармисиз, бегойим?..



Рустам Ғаниев — асли ғаллаороллик, 1952 йилда туғилган. У 1977 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимини битирди, ўқиш билан бирга республика пойтахти қурилишларида меҳнат қилди. Ҳозир «Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлайди.

Рустамнинг публицистик руҳдаги шеърлари ҳамда ихчам тақризлари республика матбуоти ва «Ёшлик» альманахида эълон қилинган.

Гулистон ГАЛЕРЕЯСИ

ТАСВИРИЙ САНЪАТИМИЗ ЛЕНИННОМАСИ

Ёш совет санъати вужудга келган дастлабки кунданоқ революцион халқ ва унинг доҳийси Владимир Ильич Ленин образини яратишдек шарафли ижодий вазифага зўр иштиёқ билан киришилди. Совет тасвирий санъати ленинномасининг вужудга келиши ва ривожида А. Волков, В. Кайдалов, Н. Қўзибоев, Л. Абдуллаев, В. Бурмакин, Ф. Гришченко сингари республикамиз мўйқалам соҳибларининг ҳам ҳиссаси борлиги ғоят қувончли.

Ленин таълимотининг улуғвор ва теранлиги, Ильичнинг инсоний содда табиати, метин иродаси, ҳайратомуз тафаккури республикамиз тасвирий санъати ленинномасини бошлаб берган Ўзбекистон халқ рассоми А. Волков ишларида маҳорат билан ифодаланган. Рассом узоқ йиллар мобайнида доҳий образини яратиш устида ишлаб, 1940 йили «В. И. Ленин китоб ўқимоқда» портретини, нейинчалик эса «Ленин кабинетда», «Ленин портрети» каби асарларини яратди.

Ўзбекистон халқ рассоми В. Уфимцев ижодида тарихий-инқилобий мавзу салмоқли ўрин тутади. «Ленин Сибирь сургунида» картинасида рассом сургундаги Ильич ҳузурига Надежда Константиновна Крупская келган тарихий лаҳзани акс эттирган. Шамолда тебранаётган майсаларнинг яшил тўлқини, мовий осмонда сузиб юрган кумушранг булутлар тасвири инкки буюк дўст ва маслакдошнинг ички кечинмаларига уйғун ифодаланган.

Рассом В. Бурмакиннинг «Ташвишли йиллар. В. И. Ленин» асарида ортиқча тасвирий воситалар қўлланилмаган бўлса-да, буюк Ильичнинг жозибали қиёфасини акс эттиришга эришилган. Доҳийнинг мардонавор сиймосида чуқур ташвиш, айни пайтда жўшқин шиддат, курашчан тафаккур ифодаси тажассум топган.

1924 йил қаҳратон қишидаги умумхалқ мусибати Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмедовнинг «1924 йил, январь» асарида изтиробли бўёқлар орқали акс этган. Мотам лентаси тақилган қизил байроқ қошида ўзбек аёллари зўр қайғу ва ҳасрат билан бош эгиб турибдилар.

Ўзбекистон халқ рассоми Н. Қўзибоевнинг «Туркистонликлар Ленин қабулида», «Ўзбек деҳқонлари Ленин ҳузурида», С. Абдуллаевнинг «Дўстлик», Ўзбекистон халқ рассоми Л. Абдуллаевнинг «Хотин-қизлар делегацияси доҳий қабулида» каби асарларида Ленин ва Туркистон мавзуи ёрқин ифода топган.

Л. Абдуллаев Ильичнинг мангу барҳаёт образини яратиш мақсадида бир неча ўн йиллардан буён ижодий изланмоқда. Унинг сўнгги картиналаридан бири «Келажак ҳақида» деб номланган. Владимир Ильич стол устидаги Ўрта Осиё харитасидан бош кўтариб, келажакка тафаккур ёлқини чақнаган нигоҳ билан тикилиб турибди... Бундан ташқари Л. Абдуллаев «Ленин ва Ўзбекистон» туркумига кирувчи Ильичнинг юзлаб портрет ҳамда расмларини яратди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон халқ рассоми В. Кайдалов «Ленин қабулида», «Ленин китоб ўқимоқда», «Ленин портрети», «Мушкул вазифа» каби асарларни ўз ичига олган «В. И. Ленин» номли расмлар туркумини ишлади. Бу асарлар орқали доҳий образининг халқимиз тасаввурида шаклланган — инсонпарвар ва доно мутафаккир қиёфаси яққол намоён бўлади. Атоқли рассом бу қутлуғ мавзудаги ишларини давом эттириб, республика графика санъати ленинномасини янгидан-янги қизиқарли асарлар билан бойитиб келмоқда.

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. Гришченко Ўзбекистон тасвирий санъатида биринчилардан бўлиб В. И. Ленинниинг ҳайкалини яратган. У кўп йиллар мобайнида Ильичнинг илҳомбахш образига қайта-қайта мурожаат этиб, бир қанча ҳайкал ва монументлар яратди. «Ленин — гимназист» асарида ҳайкалтарош ўн етти ёшли Владимир Ульянов — бўлажак курашчи образини акс эттирган. Бир неча ой муқаддам Володянинг акаси — Александр Ульянов революцион фаолияти учун қатл этилган. Ёш Володянинг эндиги йўли аниқ — революцион кураш. Унинг бутун вужудида ана шу мақсадга буюк ишонч ва ёшлик куч-қуввати барқ уриб турибди.

Ўзбек тасвирий санъати ленинномасида М. Макаров яратган доҳийнинг скульптура портрети ҳам ўзига хос мавқега эга. Асар тасвир ва меъёр талабчанлиги билан диққатга сазовор.

В. И. Ленинга чексиз эҳтиром ифодаси сифатида Н. Кримский, А. Раҳматуллаев, Г. Томко сингари ҳайкалтарошлар яратган асарлар санъатимиз ленинномасига қўшилган муносиб ҳиссадир. Бу ленинниома кейинги йилларда графика, живопись ва скульптура жанридаги қизиқарли янги асарлар билан бойиб бормоқда. К. Чепраковнинг «Аппосионата», В. Фадеев ва Қ. Башаров триптихлари, В. Петровнинг «В. И. Ленин портрети», Ю. Киселёв ва Р. Немировскийнинг «В. И. Ленин» асарлари айниқса эътиборни жалб этади.

Доҳийнинг фидойи умри, авлодларга мангу ўрнак жасорати тасвирий санъат усталари учун ҳамиша туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаверади.

Р. СОДИҚОВ

Саъдулла АҲМАД

Қизил суворий

Тунда бир от дупуридан чўчиб уйғондим,
Ваҳимада деразага бордим отилиб.
Қонга ботган суворийни кўрдиму тондим...
Қўрққанимдан чақиролмай қолдим отини!
Ортга қайтсам, тор йўлакдан тўшагимгача
Қип-қизил чўғ... ҳар ён чак-чак қон томчилаган!
Ярим тунда тасирлаган туёқ товуши
Кўп вақтгача келиб турди тошлоқ кўчадан.
...На курашдим, на-да ўтли ашъорлар битдим,
Ҳақ олдида талмовсираб турдим ҳар қачон.
Ўттиз йилча кутиб-кутиб, ташлади кетди,
Ўша отлиқ — юрагимдир менинг, онажон!..

Уйқудаги гўзал

Оҳ! Юзига оқ чойшабин тортиб ётибди!
Ғафлат узоқ элитганми,— тақдири азал.
Ошиқликнинг оташига бизни отибди
Уйқудаги гўзал!
Юзга шаффоф чойшабини тортиб ётар, оҳ!..
Кўзигача қопламишдир оппоқ қишу қор.
Эрта баҳор уйқудаги шу гўзал тупроқ
Бир чучкириб уйғониши бор!

Ёмғирдан сўнг

— Ана! Камалак чиқибди, бобожон!
— У камалак эмас, Эломон ботирнинг ёй-андози, болам.
(Эртакдан)

Ҳу, тепалик оғир-оғир нафас олади...
Оғир-оғир ҳансирайди, қара, болажон!
...Улуғ жангда зўр паҳлавон ҳолдан толади,
Қочаётиб кўмадилар уни чалажон...
Шунга кўкдан чодир тикиб Осмон йиғларкан,—
Чидаёлмай: «Қасос!..», деган зор-нолишига,
Қулар чоғи парилари қўлидан олган
Найкамалак келар эмиш ботир бошига!..

* * *

Бу дунёдан ҳаю ҳайт деб ўтиб бораман,
Неча йилким, сололмайман умримни изга.
Мен туш пайти минг эланиб кўнглим ёраман,
Қизил гулнинг соясида ўлтирган қизга.
Қизил гулнинг сояси ҳам қизил... арғувон,
Бир лахча чўғ бўлиб ёнар остидаги ҳур!
Ўша ҳурга ақлу ҳушим, эсим армуғон,
Унинг оташ сиймосида борлиғим зуҳур...
Кабутарлар — унинг кўнгил қушлари эмиш.
Танда мовий кўйлаги бор ҳарир... ҳаводан.
Ёруғ дунё — ул парининг тушлари эмиш...
Тунда гулбарг қатларидан топармиш ватан.
...Мендан олдин етиб келиб, шундоқ пойидан
Бир ариқча ўтиб борар, шошиб, мўлтираб...
У-чи, кундуз кун тиғидан, тунлари ойдан
Гул остида нурли дунё тўқиб ўлтирар!..
Ана, гул ҳам шохларида қуриб боради!..
Назарига илай демас мени гулпари!
Мингаштириб олай десам, суриб боради,
Бир дамгина тўхтай демас умрим тулпори!
Бу дунёдан ҳаю ҳайт деб ўтиб бораман,
Неча йилким, сололмайман умримни изга.
Мен туш пайти минг эланиб кўнглим ёраман,
Қизил гулнинг соясида ўлтирган қизга!..

Лев Толстой

(Б. Шчербаковнинг «Л. Н. Толстой Ясная Полянада» сурати қаршисида)

Ялангда чинордай ердан кўкариб,
(Чангалингда терак...— ожиз бир асо!)
Ялангбош турибсан Кўкка рўбарў!
Ҳамроҳинг бўлолмас Хизр ё Исо.

Чуқур кўзларингга сингиб, мўътабар
Оламнинг сайр этдим таши ва ичин.
Яланг оёғингдан сенинг ер ўпар,
Катта, Яланг йўллар очганинг учун!

Гуллардай чайқалиб... Ҳассатаёқда —
Ортингдан келади ялангоёқлар!..

* * *

Ёруғроққа чиқинг, кўршапалаклар!
Чироқдан узоқроқ айлан, парвона!
Тун кўзни кўр қилар, чироқ куйдирар...
...Шу орада йўқолган йўл — Дунё армони!

* * *

Айтгил, кимнинг арвоҳисан, ой?!
Бунча кўчаларда кездинг сарсари?
Қўрқма!.. Оғушимга олиб иситай.
Аста деразамдан ҳатла ичкари...

* * *

Биласанми, нега мунгли кечқурун?
Ярим оқшомгача бедорҳол ётиб,
Ўтлар шивирлашин, қушлар чуғурин,
Дарахтлар дуосин эшитиб қолдим.

Уйқу ўлим билан уйқашдир, хотин...
Дунёнинг борига айтиб шукрона,—
Бир дуо ўқийлик ухлашдан олдин,
Биз турмасак ҳамки... қуёш уйғонар!

* * *

Ўримга чиқдилар тунда икковлон.
Бирдан!
Бир нарсани сезгандек,
Уват бошидаги буғдой сесканди!..
Буғдойзор шовиллаб кўтарди исён!
Сутдай ойдин эди. Бошоқ пойига
Қайралган ўроқни солдилар осон.

Шундоқ бошларида, шовқин солмасдан
Ой — ўроғин чархлайди Осмон!

Ботаётган ой

Ой ўзини уфққа отди!
Сувга отди тўлин ой...
Ойми ўзи? Йўқ, наҳотки?!.
Оқ кўйлакли келин! Ҳой!!!
Ана, сувни шимаётир,
Ҳаво тўлган этаги!
Ой бепарво ўйнаётир...
Оҳ, сен, севги эртаги!
Гул деб ўйнар, уҳ... юлдуз-ку!
Куйдирмасми қўлини?
На тўлин ой, на қундуз... Бу —
Офелиянинг ўлими!..
Ҳушёр тортди бир зум, ана!
Чўкиб кетди жонсарак...
Эл бошида бир саҳнани
Такрорлар нечун фалак?!
Ой эмас бу, бу — ойсулув
Офелиянинг ўлими!..

Ўзбекистон халқ рассоми
А. АБДУЛЛАЕВ.

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ.

И. СОКОЛОВ. В. И. ЛЕНИН ПОРТРЕТИ.

В. ПЕТРОВ. В. И. ЛЕНИН ПОРТРЕТИ.





Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
санъат арбоби
С. АБДУЛЛАЕВ.

ДЎСТЛИК.

Р. ВИКО. ДОҲИЙ БИЛАН УЧРАШУВ.

ИЛЬИЧ ШЕЪР ЎҚИЙДИ...

Владимир Ильич ўз ҳаётини, фаолиятини адабиёт ва санъатсиз, мутолаасиз тасаввур этолмас эди. Унинг адабиёт ҳақидаги, адабиётнинг партиявийлиги, синфийлиги, халқчиллиги, ғоявийлиги тўғрисидаги, буюк истеъдодлар хусусидаги фикрлари марксистик адабиётшунослик ва эстетика фанлари ривожи учун программ ҳужжатдир. Доҳийнинг Л. Н. Толстой, Н. Г. Чернишевский, А. М. Горький каби буюк адиблар тўғрисидаги мақола ва ёзишмаларида санъаткорнинг дунёқараши, адабиётнинг ғоявийлиги, умумпролетар иши билан узвий боғлиқлиги масалалари ёрқин далиллар билан ёритилган.

Айни пайтда, Владимир Ильич оддий китобхон сифатида ҳам бадиий адабиётнинг, айниқса, юксак поэзиянинг мухлиси эди. У шеър ўқишни, уни ёд олишни, қўшиқ айтишни яхши кўрарди. Поэтик истеъдодга самимий меҳр ва ҳурмат билан қарарди. Яхши шеър, топиб айтилган поэтик образли ифода унга чексиз завқ бағишлар эди.

Н. К. Крупская шундай хотирлайди: «Владимир Ильич билан мени дастлаб таништирган бир ўртоқ: «Ильич— олим одам, асосан илмий китобларнигина ўқийди...», деди. Мен ҳайрон бўлдим».

Надежда Константиновнани бу бир ёклама фикр ҳақиқатан ҳам таажжублантирган эди. Биргаликда умр кечирган йиллари давомида у доҳийнинг адабиётга, чинакам шеъриятга нақадар иштиёқманд эканлигига гувоҳ бўлди. Владимир Ильич поэзиянинг қудратини жуда яхши ҳис этар, В. Д. Бонч-Бруевичнинг ёзишича, «шоирлар... ишчи кварталларида тўлқинланиб шеър ўқишаркан, уларни тинглашни севар эди».

В. Д. Бонч-Бруевич ўзининг «Ленин поэзия ҳақида» мақоласида бундай дейди: «Владимир Ильич революцион ашулаларни севар, ўзи ҳам доим жўр бўлиб айтар, янги революцион шеърларни қизиқиб ўқир, уларнинг энг оммабопларини ёдида сақлаб қолар эди». Айниқса, халқ оғзаки ижодида, шеърларда, мақол ва маталларда халқ оммасининг асрий кураши, орзу ва интилишлари акс этган бўлади. В. И. Ленин халқ асарларини ҳурмат қилар, ҳар бир қўшиқдан ҳаётий мазмун топиб, ўзи ҳам ўқтин-ўқтин айтиб юрар эди. Надежда Константиновнанинг ёзишича, уйларига келиб турадиган бир француз аёлнинг қўшиқ айтганини эшитганда Ильич ундан такрор айтишни сўрайди ва кейинчалик ўзи ҳам гоҳо ўша қўшиқни айтиб юрадиган бўлади.

Улуғ доҳий муҳожирликда ҳам, сургунда ҳам марксизм классикларининг асарлари билан бирга Пушкин, Лермонтов, Некрасов тўпламларини ҳам олиб юрарди. Уларни кўпинча кечқурунлари варақлар, кўнглига ёққан шеърларни асарларида далил сифатида ишлатар эди. Айниқса, Пушкинга ихлоси баланд бўлиб, унинг бутун-бутун шеърларини ёд биларди; юрагидан мустаҳкам ўрин олган мисраларни «мўъжазгина емакхонанинг у бурчидан бу бурчига юриб, завқ билан такрорлагани»ни синглиси А. И. Ульянова — Елизарова ўз хотираларида эслаб ўтади.

Владимир Ильич илмий асарларида, нутқларида адабий образларни, шеърий парчаларни далил келтириб, буржуа сиёсатдонларини кўп марта фош этгани маълум. У ўзининг «Демократияга қарши яна бир юриш» мақоласида умидсизликка учраган революционерларнинг «ваъз-насиҳат»ларини, либерализмдан иборат сафсаталарини фош этиб, Некрасовнинг

Келармн шундай вақт,
(Кел, орзу этган замон!)
. . . . . .
Шунда деҳқон Блюхер
Ё тентак милорднмас,—
Белинский, Гоголни
Олиб кетар бозордан!—

деган сатрларини чуқур таҳлил қилади; Белинский, Гоголь, Некрасов ғояларининг оммалашиб бораётганидан қувонади.

В. И. Ленин ғоявий курашда либералликнинг, ҳар қандай мутеликнинг ашаддий душмани эди. У буюк шоир шахсига чуқур ҳурмат билан қарагани ҳолда, ижодида учраб қоладиган хато ва қусурларни ҳеч аямай танқид қилади. Некрасов гоҳо демократик тенденцияларни ёқлашда ожизлик қилиб, Чернишевский билан либераллар ўртасида иккиланиб турганини, лекин бутун муҳаббати Чернишевский томонида эканини, айблари учун қаттиқ ачиниб, кўпчилик олдида тавба қилганини айтади ва шоирнинг ўзидан мисол келтиради:

Мен лирани сотмаганман, аммо баъзида,
Менга таҳдид солганида омонсиз қисмат —
Бузуқ оҳанг берди қўлдаги торим.

Владимир Ильич Лев Толстой шахси ва ижодидаги мураккабликларга аниқлик киритиб, Россиядаги жумбоқли манзараларни таҳлил қиларкан, яна Некрасовдан:

Шўрлик жон ҳам — сен,
Фаровон ҳам — сен,
Паҳлавон ҳам — сен,
Нотавон ҳам — сен,
Онажоним — Русь! —

деган ажойиб сатрларни келтирадики, бу ҳам доҳийнинг шеърият қудратига муҳаббат ва ишонч билан қараганини кўрсатади. Буни унинг «Евгений Потье»[1] деган мақоласида айниқса яққол сезамиз.

Маълумки, Потье — француз ишчи шоири, машҳур пролетар гимни — «Интернационал»нинг автори. Унинг вафотига 25 йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин 1913 йил 3 январда машҳур мақоласини эълон қилади. Мақолада Потьенинг биографияси, поэтик ижодининг бошланиши, шеър ва поэмалари, бу асарларга революцион ишчиларнинг муҳаббати ҳақида ёзади. Ильич бутун фаолиятини революцияга, коммуна ишига сафарбар этган ишчи шоирнинг қашшоқлик, қувғин ва таъқибларда ўтган ҳаётини буржуа жамиятига катта айбнома сифатида тасвирлайди: «Потье қашшоқликда ўлди. Лекин ўзига мангу, ҳақиқий ёдгорлик қолдирди. У қўшиқлар орқали пропаганда юргизувчи энг улуғ пропагандист эди».

Ильич тушунарли тилда ёзилган, меҳнаткаш халқ руҳини ифодалайдиган шеърларни ҳамиша қадрларди. «Звезда» газетасида Демьян Бедний-нинг дастлабки масалларини ўқиган Владимир Ильич хурсанд бўлиб, редакцияга хат ёзади, ёш шоирнинг кимлигини суриштиради, унга алоҳида эътибор беришларини, редакцияга, газета ишига яна ҳам яқинроқ жалб этишларини илтимос қилади; В. Д. Бонч-Бруевич билан Демьян Бедний масаллари хусусида батафсил гаплашади. В. Д. Бонч-Бруевич ўша суҳбатни шундай хотирлайди: «Владимир Ильич унинг китобларини дарров қўлга олиб, шу жойдаёқ диққат билан кўздан кечира бошлади. У ўқир экан, яккаш куларди. Унинг кулгиси ҳатто қаҳқаҳага айланиб кетди. Владимир Ильич кула-кула шундай деди:

— Ажойиб! Жуда яхши айтилган. Ўткир! Жуда яхши!»

Редакцияда ишлаб юрган кезлари Демьян Бедний билан ҳамкасабалари ўртасида ихтилоф пайдо бўлади, шоир тақдири ҳатто хавф остида қолади. Бундан огоҳ бўлган Владимир Ильич редакцияга хат ёзиб, Демьян Бедний талантли шоир эканини, талант эса ноёб нарса, уни эҳтиёт билан асраш кераклигини айтади.

Владимир Ильич санъаткорга маъмуриятчилик йўли билан буйруқ қилишни, унинг ижодий ишига аралашишни қоралар эди. У адабиёт ва санъат сеҳрини нечоғли чуқур билмасин, қанчалик ҳуқуқ, обрў ва мартабага эга бўлмасин, шахсий қарашларини ўтказишни эп кўрмас эди. Буни Маяковскийга муносабатидан ҳам билса бўлади. Доҳий, Горький тили билан айтганда, аввал «Маяковскийга бир оз ишонқирамай қарар эди». Асарларининг ғоявий мазмуни билан чуқурроқ таниша бориш жараёнида Ильичнинг Маяковскийга қараши ўзгарди. Ҳатто «Мажлисбозлар» шеъри босилгач, уни сиёсий жиҳатдан катта қониқиш билан мутолаа қилганини айтиб, шеър ва шоир қадрини оширди.

Улуғ Ленинниинг поэзияга муҳаббати унинг ажойиб инсоний фазилатларидан биридир. У қизиқиш доираси бениҳоя кенг, сиёсат, фан, техника ва маданиятдаги ҳар бир янгилик, адабиёт, санъат соҳасидаги халққа зарур бўлган ҳар бир муваффақиятни юксак дид билан пайқаб оладиган беқиёс истеъдод эгаси эди.

Бугунги кунда шеъриятимизнинг оташин ритми унинг қалби бўлиб уриб турибди!

Нуриддин БОБОХЎЖАЕВ,
филология фанлари кандидати

[1] Француз шоири Эжен Потьени Ленин шундай деб атаган.



Сирожиддин САИДОВ

НИШОНА

Қишлоқ

У томонда бахтим қолдими?..
Рауф ПАРФИ

У томонда музлар эриди,
У томонда тошди дарёлар.
Тушларимга юлдузлар кирди,
Тушларимга кирди саҳролар.

У томонда — қишлоқ устида
Булутлар оқ, мовийдир ҳаво.
У томонда... баҳор тусида
Қайтиб келди қушлар сернаво.

Беш йил бўлди, кутиб-кузатдинг
Беш баҳорни бир ўзинг, она.
Беш йил бўлди, менсиз узатдинг
Беш баҳорни, азиз остона.

Беш йил бўлди, менсиз келар қиш,
Менсиз кетар йўлидан тўғри.
У томонда туғилган эмиш
Тенгдошимнинг иккинчи ўғли.

Беш йил бўлди, у томонда куз
Тополмасдан кетар изимни;
У томонда яшайди бир қиз
Унутолмай менинг исмимни...

* * *

Кундаи Жувоз тоғларида уйғонади айиқлар,
Уйғонади какликлар,
Пайдо бўлар оҳулар.
Табиатнинг унутилган луғат китоби каби
Уйғонади.
Кундаи Жувоз тоғларида бобомнинг боғи.
Бу боғ ичра уйғонади бобомнинг кўзи янглиғ,
Уйғоқ кўзлари янглиғ — бир жуфт булоғи.

Кундаи Жувоз тоғларида уйғонади айиқлар,
Уйғонади какликлар,
Пайдо бўлар оҳулар.
Ҳар тонг навбатма-навбат
бобом боғига келиб,
Бобомнинг жуфт булоғидан сув ичиб кетар улар.

Сирожиддин Саидов 1958 йили Сурхондарё областининг Сариосиё районида туғилган. Ўтган йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирди. Унинг номи «Ёшлик» ва «Ёшлик баёзи» альманахларининг мухлисларига яхши таниш.

Сирожиддиннинг шеърлари асосан қишлоқ мавзуида. У болаликнинг ёрқин, такрорланмас дамларини серзавқ бўёқлар билан ўзига хос йўсинда тасвирлашга ҳаракат қилади.

Тунги ўримдан сўнг

Ҳозир чўмилишга тушар етти қиз,
Пастга — сокин оқаётган сойга.
Еттита ой ўроғи мисол —
Ғарамда ялтирар ой зиёсида
Еттита ўроқ.

Еттита кўйлакка соқчи — харсанглар.
Еттита кўйлакни асрайди қирғоқ.
Сувдаги ёлғиз ой сочилиб кетар,
Ўрнига етти ой киради сувга.

Еттита баданнинг тафтини
Муздек оғушида эритади сой!

Тепада — қуп-қуруқ ғарам қўйнида
Ухлар эркаклар.
Эҳ, сиз, эркаклар!
Пастда ялтирайди ой зиёсида
Елкалар!
Елкалар!

Сариосиё

Расмни В. БУДАЕВ чизган



Андрей АЛДАН-СЕМЁНОВ

ТОНГ

Ҳикоя

Бу ҚИШ тонгини Ленин хатлар ва шикоятларни ўқишдан бошлади, улар унинг учун бамисоли вақт суръатини ва инсоний муносабатларни ўлчайдиган асбоблардан эди.

Шахсий кулфатлардан, одамларнинг совуқ муносабатларидан шикоятлар, илтимослар, маслаҳатлар, таклифлар унинг столига оқиб келарди.

Новосело қишлоғида яшайдиган солдат хотини Ефимова бутун ғалласини олиб қўйганларидан шикоят қилибди, эри эса асирликда, қўлидаги болалари бири биридан кичик экан... Скопин уездининг деҳқонлари уларга фавқулодда солиқ солганликларини, ўзлари эса муҳтож кишилар эканликларини ёзишибди.

Ҳар бир хатга Ленин қисқача резолюция ёзиб қўярди. Череповецга, Губижрокомга: «Ефросинья Андреевна Ефимованинг шикоятини текширинглар. Текшириш натижасини ва кўрган чораларингизни менга хабар қилинглар». Скопин уездининг деҳқонларига: «Уртадан паст тўқликда яшайдиган деҳқонларга фавқулодда солиқ солиш ғайри қонуний...»

Мана бу телеграмма эса Царицидан.

Ленин уни ўқиб чиқди, яна бир марта ўқиб чиқди: «Жин урсин, бу нима ўзи! Асло ақл бовар қилмайди! Шу нарсагагина қамоққа олиш учун ўтакетган аҳмоқ бўлиш керак...»

Қизил аскар Минин гражданка Першикована арзимаган гуноҳи учун қамоққа олганлари ҳақида телеграмма берибди. Қизил аскар Першикована ҳимоя қилишни сўрабди... илтимоси асосли эди...

Ленин Царицинга, Губфавқком раиси Мишкинга шундай деб ёзди: «...Валентина Першикована дарҳол озод қилинглар... Халқкомсов раиси Ленин». У телеграммани қўлида айлантириб турди-да, унга резолюция қўйди: «Фавқком раисидан жавоб келгач, менга эслатинглар...»

Першикованинг қамоққа олиниши аҳмоқоналиги билан одатдан ташқари бир воқеа эди. Ленин хатлар солинган досьени суриб қўйиб, столдан турди-да, кабинет бўйлаб юрди. Кейин столга қайтиб келиб, ўй сурганча вазмин пресспапьени бармоқлари билан черта бошлади. Унинг тагида оқ қоғоз турарди, у учбурчак қилиб буклаб қўйилган хатни олди.

«...Жуда бебаҳо ходима, биз учун худди шу кишини ишга олиш қизиқ бўларди. Декретни четлаб ўтиб бўлмасмикан?»

У хатнинг маъносини тушуниб олишга уриниб, пешанасини тиришитирди.

«Қайси декретни четлаб ўтишмоқчи? Бу хатни ким қўйиб қўйди экан? Ия, бу Фотиеванинг дастхати-ку!»— У қўнғироқ тугмасини босди. Фотиева кириб келди.

— Бу сизнинг хатингизми, Лидия Александровна? Маъносига тушунмайроқ турибман...

— Секретариатга ходим керак, биз Бонч-Бруевичга бир аёл номзодини тавсия этган эдик, у розилик бермади.

— Унинг бунга сабаблари бордир-да?

— Қариндош-уруғларнинг биргаликда хизмат қилишларини тақиқлайдиган декретни бузиш мумкинмас, дейди. Номзоди тавсия этилган аёлнинг синглиси Халқ Комиссарлар Советида ишлайди.

— Энди тушундим. Сиз менга декретни четлаб ўтишни сўраб илтимос қилдингизми? Қонунни бузишим керакми?

Фотиева ёзган хатидан хижолат бўлиб кетди, Ленин эса, у янглишганми ё чиндан ҳам, қонунни хоҳлаган куйга солиш мумкин, деб ўйлаётибдими, деганча, буни аниқламоқчи бўлгандек, ундан синовчан нигоҳини олмай турарди.

— Қонунни четлаб ўтиш — ҳар қандай бир ҳолда ҳам жиноят. Бу ёдингизда бўлсин, жиноят, Лидия Александровна.— Шундан сўнг дарҳол сўради:— Сарапуллик деҳқонлар ҳали келишмадими?

— Аллақачондан бери қабулхонада ўтиришибди.

— Очлар учун саксон минг пуд ғалла йиғишибди. Қани, уларни чақиринг-чи.

Кабинетга кутилмаган тарзда қарши олинганликларидан ийманган, калта пўстинли, пиймали деҳқонлар кириб келдилар. Ленин уларни бирма-бир ўтқазгач, стулини уларга яқинроқ суриб ўтирди-да, йўл машаққатларидан сўрай бошлади.

— Сарапулдан Москвагача ўн кеча-кундуз имиллай-имиллай етиб келдик,— дея куюниб жавоб берди делегация бошлиғи Фаддей Иванович.

— Қийин, қийин,— Ленин одамларнинг серсоқол, дағал юзларига синчиклаб тикиларди.— Сизлар билан биз юртдошмиз десак ҳам бўлади — мен Симбирскданман.

— Тўғри, биздан Симбирскгача чақирса эшитилгудек,— дея унинг фикрини маъқуллади Фаддей Иванович.

— Шу вақтгача Сарапулда бўлиш насиб қилмади. Аммо сизларнинг Камангизда яйраб ов қилса бўлади.

— Ўрдак демаганинг еру кўкни босиб ётибди, булдуруғу қурнинг — сон-саноғи йўқ. Боринг, қадам тегмаган жойларга олиб бораман,— деди дарҳол Фаддей Иванович.

— Қани, уруш тамом бўлсин-чи, бўшроқ фурсат топаману етиб бораман.

Ленин яна асосий мавзуга кўчди.

— Олижаноб бир иш қилибсизлар,— дея Ленин Фаддей Ивановичнинг елкасига қўли билан тегиб қўйди, суҳбатни давом эттиришга даъват этаётгандек.— Халқ оч, Россияда эса ғалла бор! Бор!— дея шаҳд билан такрорлади у.— Менга маълумот беришди: Сарапул билан Қозон ўртасида бир неча миллион пуд ғалла босилиб ётибди, Москва билан Петроградга етказиб келишнинг имкони йўқ. Негаки, паровозлар йўқ, вагонлар йўқ, ёқилғи ҳам йўқ. Ёрдам кўрсатганларингиз учун — ҳукумат номидан катта раҳмат...— Ленин блокнотидан бир варақ қоғоз йиртиб олиб, шу сўзларни ёзди: «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқлар Вятка губерниясининг Сарапул уездидан. Улар биз билан Питер учун қирқ минг пуддан ғалла олиб келдилар. Бу шундай ажойиб жасоратки, мутлақо алоҳида бир табрикка лойиқ. Дарвоқе, бу ўртоқлар уларни касаба союзлари билан таништиришни илтимос қилмоқдалар. Мумкин бўлса, улар учун Депутатлар Советидан тезроқ доклад тайин қилинглар...» У хатни Фаддей Ивановичга берди.— Моссовет раисига мурожаат қилинглар, у ишчилар билан учрашувларингизни уюштиради. Улар билан ўз эҳтиёжларингиз тўғрисида маслаҳатлашинглар. Олмоқнинг бермоғи бор, дўстлик эса бебаҳо нарса,— деганча Ленин деҳқонларни эшиккача кузатиб қўйди.

Очликка қарши кураш билан гражданлар уруши унинг зиммасига оғир юк бўлиб тушди... Ғалла учун кураш тинчлик учун кураш билан тенг. Бу узлуксиз, уйқу бермайдиган жиддий кураш!..

Колчак эса ҳужум қиларди.

Генерал Ханжиннинг Ғарбий армияси Уфага яқинлашиб келарди. Шимолий армия Сарапул билан Ижевскка таҳдид солмоқда, атаман Дутов Оренбург билан Оқтўба ўртасидаги йўлни босиб олиб, Туркистонни яна Россиядан кесиб қўйди.

Ҳозир Колчак — асосий ҳарбий хавф, барча жисмоний, барча маънавий кучларни унинг қўшинларини тор-мор этишга жалб қилиш керак. Бир неча кундан сўнг партиянинг Саккизинчи съезди очилади, ҳарбий аҳвол билан ҳарбий сиёсат унинг ишидаги энг муҳим масалалар бўлади.

Ленин партия, совет ва касаба ташкилотларининг Колчакка қарши кураш борасидаги вазифалари ҳақида Марказий Комитет тезисларининг конспектларини қоғозга тушира бошлади.

Кабинетга қўлида папка кўтарганча Свердлов кириб келди. Унинг қиёфаси бемор одамнинг дидини берар, озғин юзини заҳиллик қоплаган, кўкиш лаблари гезарган, қора кўзларигина жонсарак чақнаб турар эди. Дўсти ва сафдоши Лениннинг кўз ўнгида чўп бўлиб озиб кетмоқда эди. Ленин Свердлов билан ҳар гал учрашганида гапини шу сўзлар билан бошларди:

— Саломатлигингизни эҳтиёт қилинг-да, Яков Михайлович. Даволаниш керак ахир...

— Шундай бир вақтда кўрпа-тўшак қилиб ётаманми? Йўқ, ундан кўра касални оёқ учида ўтказиб юборганим яхши. Шундай бир пайтда,— деди Свердлов «шундай» сўзини таъкидлаб,— охирги нафасимгача ишлашим керак...

У ёзув столининг бир чеккасига ўтириб, пенснесини олди-да, ойнасини дастрўмоли билан артди.

— Шарқий фронтдаги аҳволни ўзгартириш учун ошиғич, фавқулодда чоралар кўриш зарур...— дея гап бошлаган Свердловнинг йўтали тутиб, сўзи чала қолди.

—Ҳа, у ерда аҳвол шиддатли. Ошиғич, аммо пухта тайёрланган ҳужумгина ғалаба гарови бўлиши мумкин. Бунинг учун эса жанговар қобилиятли армиялар ва талантли саркардалар керак,— дея унинг гапини давом эттирди Ленин.— Дарвоқе, фронт қўмондонлиги қўшинлар группаси тузиб, шу тариқа Колчакни Волга бўсағаларида тўхтатиб қолиш билан бирга уни жангларда ҳолдан тойдириб, кескин ҳужумга ўтишни таклиф қилмоқда.

— Жуда жиддий таклиф... Бундай қўшинлар группасига кимни қўмондон қилиб тайинласа бўлади?— деди Свердлов.— Кимни тайинласа бўлади?

— Мен барча ҳарбий бошлиқларимизни бирма-бир хаёлимдан ўтказдим. Фрунземи, Тухачевскийми? Бир неча армияга қўмондонлик қилиш учун чуқур ҳарбий билим талаб қилинади. Иродали, истеъдодли, оқил, ташкилотчи коммунист керак бўлади.— Ленин креслога суяниб, ўз саволига жавоб қидираётгандек пешанасини бармоқлари билан ишқалай бошлади.

Свердлов бир оз ўйлаб тургач, шундай деди:

— Балки Фрунзе тўғри келар? Бошқа муносиб номзод тополмадим.

— Фрунзе дейсизми?— деб сўради Ленин.— Унда тилга олинган барча фазилатлар борми? Дуруст! Унинг номзодини аввал Революцион Ҳарбий Кенгашда, кейин эса Мудофаа Кенгашида муҳокама қиламиз.

Михаил Фрунзе Тўртинчи армиянинг команда составини янгиламоқда эди.

Унинг талаби билан Валерьян Куйбишевни армия Ҳарбий Революцион Кенгашининг аъзоси қилиб белгиладилар. Александров-Гай бригадасининг командирлигига у Василий Чапаевни тайинлади.

Қизил аскарлар янги командармнинг қатъий иродасини дарҳол ҳис қилдилар. Армия кўзлари ўнгида туғилмоқда эди; умидсизлик барҳам топди, саросима ўрнини комил ишонч эгаллади.

Армия ҳужумга ўтди.

Фрунзе қадам-бақадам олға силжиб, станицаларни жанглар билан бирма-бир оқ казаклардан озод қила бошлади. Атаман Дутов ва генерал Толстов Урал бўйидаги саҳройи чўлларга чекинардилар.

Фрунзе ошиғич суратда Оренбург дивизиясини ва кавалерия дивизиясини тузди: унинг режасига кўра, Туркистон отрядлари билан бирлашган бу қисмлар янги Туркистон армиясига айланди.

Шу тариқа кичик составдаги Жанубий қўшинлар группаси юзага келди: у Урал ва Оренбург областларидаги озод қилинган ерларни бор кучи билан ушлаб туриши керак эди.

Худди ўша кунлари муҳим стратегик пунктлар ҳисобланган Сломихинская станицаси билан Лбишченск шаҳарчасини озод қилди. Жангларда Чапаев шахсий жасоратини, қатъий матонатини, кутилмаган ва жадал ҳаракатлар қўллаш маҳоратини, жангнинг хатарли лаҳзаларида командирлар учун ғоят зарур бўлган мустақил ташаббус кўрсатиш лаёқатини намойиш этди.

Аммо Тўртинчи армиянинг дастлабки муваффақиятларини мустаҳкамлаш мумкин бўлмади. Колчак қўшинлари ҳужум қила бошлади, қизилларнинг Жанубий группаси устида қуршов таҳдиди туғилди.

Фрунзе Уральск районидан Йигирма бешинчи дивизияни олиб Оренбург — Бузулуқ — Самара линиясига ташлади. Дивизия Тўртинчи армия билан Туркистон армиясининг орқа томонларидаги ҳимоячиси, қўшинларнинг генерал Ханжин армиясига зарба беришга тайёргарлик кўриш учун қайта тузиладиган марказига айланди. Дивизия командирлигига Чапаев тайинланди.

Душманнинг муваффақиятлари тобора салмоқлироқ бўлиб борарди, Фрунзенинг уйқуси қочди.

Хариталарда ҳар куни байроқчалар ўзгарар, улардаги рангли чизиқлар чўзилиб, Уфадан Бугурусланга, Минзалага, Кама томон қараб силжимоқда эди.

Фронтдаги барча, ҳаттоки майда ўзгаришларгача диққат ва синчковлик билан кузатаётган Ҳарбий Революцион Кенгаш аъзоси Новицкий ҳам ташвиш, ҳам ғалати бир қувонч билан шундай деди:

— Душманнинг Каппель корпуси ҳаракат қилаётган чап қаноти Ханжиннинг армиясидан анчагина орқада қолмоқда. Чап қанот билан марказ ўртасида каттагина узилиш юзага келди, қўшинлар узундан-узоқ масофага чўзилиб кетди.

— Бундан қандай хулоса чиқади?— дея таажжубланиб сўради Новицкий.

— Гап шундай: агар биз Ханжин армиясининг чап қанотига зарба берсак, унинг зарбдор группасини тормор этиб, ташаббусдан маҳрум қилиб қўярдик. Кутилмаган қарши ҳужумдан Ханжин мушкул аҳволга тушиб қолади...

Чуқур ўйга чўмган Новицкий анчагача жавоб бермади.

— Нодир ва дадил бир план,— дея маъқуллади у ниҳоят.— Аммо бундай зарба учун қудратли кучлар керак бўлади...

— Бу ҳали план эмас, тахмин, холос. Менингча, ихтиёримизда мавжуд кучлар билан қарши ҳужум бошласак ҳам мумкиндир дейман. Ленинниинг буйруғига биноан бизга узлуксиз равишда янгидан-янги мадад кучлар келиб турибди, қолаверса, ундан ташқари, ундан ташқари,— дея такрорлади Фрунзе,— қизил аскарларнинг революцион иштиёқини ҳам ҳисобга олиш керак. Агар оқларга ғалабагина керак бўлса, бизга ғалабадан ташқари келажак ҳам зарур... Мен Ленинниинг сўзларини эслатишим мумкин...

Шундан сўнг дарҳол Фрунзе бевосита алоқа воситаси орқали қўмондонлик билан боғланди. Душманнинг қанотига зарба бериш, кейин эса ҳужум бошлаш имкониятлари ҳақидаги фикрларини айтди.

Таклифини пухта ўйлаб кўришга ваъда бердилар. Тез орада Фрунзени бевосита алоқа воситасига чақирдилар:

— Биз Мудофаа Кенгаши раисига сизнинг қарши ҳужум планингиз ҳақида доклад қилдик. Ленин сизнинг фикрингизни қўлламоқчи.

...Кўллардаги ўлик, лойқа сувлар, ботқоқ йўллар, ўтган йилги қўнғир тортган чаловлар, кўкиш апрель осмони қуёш шуъласида жимирлайди. Одатда лойгарчилик кезлари ҳувиллаб ётадиган Самара дашти ҳад-ҳудудсиз ҳарбий лагерга ўхшар: ҳамма жойда пиёдалар одимлар, суворийлар от чоптирар эди. Темир йўл изларида паровозлар, вагонлар қалашиб кетган, платформаларда пулемётлар, сафар ошхоналари қаққайиб турар эди. Қуролларнинг жаранг-журунги, ғала-ғовур, шовқин-сурон, димоғни ёргудек ҳидлар очиқ ҳавода омухталашиб, буларнинг барчаси Бугуруслан деб аталган кичкина нуқта томон жилмоқда эди.

Рус кишисининг қулоғига ғайри оддий бўлиб эшитиладиган «Бугуруслан» сўзи аниқ, аён маъно касб этиб, бу янги тарихий мафҳум бир-бирига душман икки армия ўртасидаги чегара бўлиб қолган эди.

Командармнинг поезди Кинали станциясида турарди. Салон-вагонда Новицкий йигирма саккизинчи апрелга белгиланган ҳужум ҳақида буйруқ ёзмоқда эди. Унинг орқасида турган Фрунзе елкаси оша оддийю лекин шиддатли сўзларни ўқимоқда эди.

— Мана, вассалом!— деди Новицкий.— Қўл қўйинг, Михаил Васильевич.

— Энди навбат қизил аскарларимиз найзасига,— дея қўшимча қилди Фрунзе, айни бир пайтда ҳам даъват, ҳам ҳарбий қонун бўлиб қолган ҳужжатни имзо қўйиб тасдиқларкан. У ҳамкасбларига кўз ташлади, Куйбишевга эса узоқ тикилиб қолди.

Салқин тонг отди.

Ҳужум аллақачон бошланган эди...

Фрунзе ва Куйбишев вагондан тушиб, чаловзор дашт томон қараб кетдилар.

Узоқдаги тўп гулдуросига қулоқ соларкан, Фрунзе шундай деди:

— Ўртоқ Ленин айтди: бизнинг фронтимизга бериладиган мадад кун сайин ошиб бораркан.

— Бу жуда, жуда соз!— дея жилмайди Куйбишев.

— Уни қара, Валерьян, ана у булутларни қара!— дея шавқ билан хитоб қилди Фрунзе.— Худди қадрдон Пишпагимнинг устидаги Хонтангри тоғларига ўхшайди-я...

Куйбишев осмонга нигоҳ ташлади.

— Тонгимиз чакки бошланмади,— деди у.

Қуёш юқорилагандан юқорилаб борарди.

Енгилгина булутлар саф тортган солдатлардек олға ва олға томон илгариларди. Ортларида қолган осмон мусаффо тортиб, юксалиб борарди.

Ваҳоб РЎЗИМАТОВ таржимаси



Муҳаммаджон — ишчи шоир, бинокор. У олий ўқув юртининг кечки бўлимида ўқимоқда, демак, ҳам ишлаб, ҳам билим олмоқда. Биографияси кўрсатиб турибдики, шеърият унга ўқишдан ҳам, ишдан ҳам шеър ёзишга вақт топиб бермоқда. Бу, албатта, осонликча кўчмайди, бу — адабиётга бўлган ихлос, ҳавас, балки иқтидор туфайли. Муҳаммаджон жуда камтарин йигит, бошқалардан ана шу фазилатлари билан ажралиб туради, ёш ёзувчилар семинарида ҳам четда ўтиради, ҳамманинг гапини тинглаб уқади, аммо гапирмайди, ҳали эрта, деб ўйласа керак. Шунинг учунмикан, шеърлари ҳам ўзгаларникига ўхшамайди.

Муҳаммаджоннинг мисралари, айниқса, табиат сирлари ҳақидаги ўйлари, фавқулодда топилмалари шеърият кошонасига яна бир умидли қаламкаш кириб келаётганидан дарак беради.

У публицистик руҳда анча пухта шеърлар ёзади. Ижтимоий мавзулар унинг қаламини қайраётгандек, дунёқараши ҳам амал олаётгандек кўринади. Бу, албатта, катта адабиётнинг биринчи ва асосий шартларидан биридир. Бусиз катта адабиётда катта қадам ташлай олмайди шоир. Шоир қалами асосий, умуминсоний, сиёсий мавзуларда тарашланса яхши. Албатта, бадиий бўёқлари тиниқ бўлса, янги бўлса, китобхонни ўйлатса, фикрга толдирса, китобини варақлатолса, уйи қидиртирса. Назаримда, Муҳаммаджон Ҳайдаров шунга интилмоқда.

Бинокор шоир қаламига сидқидилдан омад тилаймиз.

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

НИШОНА

Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ

* * *

Мудроқ тун қўйнида кечади уйғоқ
Тонгнинг висолига ташна хаёллар.
Туннинг пардасини тортқилар ўйнаб,
Хаёллар сирдоши — уйғоқ шамоллар.

Уйғоқ хаёлларни аллалаб аста
Ой хиром этади осмонда балқиб.
Қуёшнинг сирдоши — уйғоқ шеърларим,
Туннинг косасидан тўкилар қалқиб...

Хат ташувчи

I

— Акамдан хат борми, дадамлар соғми?
Нега поччамиздан келмайди хабар?..
Хизрни кўргандек, уни кўрганда
Атрофин қуршайди бир тўп болалар.
Кимдир югуради тупроққа ботиб:
— Дадамдан хат келди, онажон!
Титроқ қўллар билан очаркан уни,
Сочини юлганча додлайди жувон.
— Опажон, поччамдан келибди хабар!
Келинчак юзидан кўтарилар ғам.
«Шиддатли жангдан сўнг... кечир, севгилим,
Душманга топширдик бу шаҳарни ҳам».
Йигит титраб турар ўзи айбдордек,
Кун бўйи ташиди қишлоққа мотам.
Лекин, нима қилсин, пешанада шу —
Қандай жангга борсин қўли йўқ одам?

II

— Акамдан хат борми, дадамлар соғми?
Нега поччамиздан келмайди хабар?
Хизрни кўргандек, уни кўрганда
Атрофин қуршайди қувноқ болалар.

Кимдир суюнчига чопар энтикиб,
Қувончига шерик бўлгудек жаҳон.
КамАЗни қуришда унинг қўшниси
Орден олган эмиш бўлиб қаҳрамон.
Келинчак йиғлайди хурсандлигидан,
Ахир соғинган-да ёрини бир оз.
Унинг суянчиғи — оддий бир йигит
Бугун фазоларда қилмоқда парвоз.

Бобо энтикади хурсандлигидан,
Қанот бағишлайди хатлар унга ҳам.
Саҳардан шомгача ташир хушхабар,
Қандай четда турсин қўли йўқ одам?

Тошкент

Халқаро мавзуларда

САВР ИНҚИЛОБИ

Афғонистон ҳукуматига ва халқига қарши четдан қилинаётган аралашувнинг ҳамма шакллари батамом тўхтатилиши биланоқ биз ўз қўшинларимизни олиб чиқиб кетишга киришишга тайёрмиз. АҚШ Афғонистоннинг қўшнилари билан биргаликда мана шунга кафолат берсин — ана шунда совет ҳарбий ёрдамига зарурат қолмайди. Афғонистон ҳукумати эса ўз қўшнилари билан ва хусусан, Эрон ва Покистон билан тинчлик ва дўстлик муносабатларини давом эттириш ниятида эканини аниқ қилиб айтганлиги маълум. Биз Афғонистоннинг мана шу позициясини табриклаймиз, албатта.

Л. И. БРЕЖНЕВ

АФҒОНИСТОН — қадимий тарихга эга бўлган мамлакат. Афғонлар бир неча марта қўлига қурол олиб, ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган халқ. Бундан олтмиш бир йил муқаддам учинчи афғон-инглиз урушида енгиб чиққан Афғонистон бевосита мустамлакачилик ҳукмронлигига чек қўйди. Лекин кейинги эллик йил давомида монархия режими мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий тараққиётига халал берди, кенг меҳнаткашлар оммасини қашшоқлик ва муҳтожликка маҳкум этди. Истибдод уйқусидаги Афғонистон жаҳон тараққиётидан борган сари ортда қолаверди.

1973 йилги ҳарбий тўнтариш натижасида монархия режими ағдариб ташланди, ҳокимиятни Довуд бошчилигидаги юқори табақа вакиллари эгаллади. Йирик ва ўрта буржуазия, помешчиклар синфи ва юксак рутбали руҳонийларнинг таъсирли доиралари манфаатларини ёқлаган Довуд ҳокимияти давлатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоларини тубдан ҳал эта олмади.

Халққа ваъда қилинган ислоҳотларнинг ҳеч бири, жумладан, Афғонистон учун ниҳоятда зарур бўлган ер ислоҳоти ҳам амалга оширилмади. Ярим феодал ва феодал муносабатларнинг ҳукмронлиги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига аввалгидек йўл бермас эди.

1973—1978 йиллар давомида ялпи миллий маҳсулотнинг 12 процентини ишлаб чиқарадиган саноат ҳам қарийб тараққий этмади. 1977 йили миллий даромад жон бошига 100 доллардан тўғри келди. Бу, БМТ экспертлари аниқлаганларидек, Афғонистон жаҳоннинг энг қолоқ давлатларидан бири эканини кўрсатарди. Мамлакатда атиги 800 га яқин врач ва 75 даволаш муассасаси бор эди. Аҳолининг саводсизлик даражаси 90 процентга етди. Афғонистоннинг ташқи қарзлари борган сари кўпайди.

Довуд давлат бошида турган йилларда ижтимоий тенгсизлик янада кучайди. Ҳукумат сиёсий ҳуқуқ ва озодликни тобора чеклаш йўлини тутди, намойишлар ва иш ташлашларни тақиқлади. Ҳокимият бошида турган Миллий инқилоб партиясидан бошқа ҳамма партиялар қонундан ташқари, деб эълон қилинди. Табиийки, мамлакатда мавжуд режимга нисбатан кучли норозилик туғёнлари вужудга келди ва у пировардида инқилобий оқимга қўшилиб кетди.

1978 йил 27 апрель куни афғон армиясининг кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланган инқилобий чиқиши натижаси ўлароқ мамлакатда миллий-демократик инқилоб ғалаба қозонди. Инқилобга Афғонистон Халқ демократик партияси раҳбарлик қилди. Бу партия ҳужжатларида ўзини «ишчилар синфи партияси» деб ҳисоблайди.

Афғонистон Халқ демократик партияси (АҲДП) 1965 йил 1 январь куни Кобилда ўтган нолегал съездда ташкил топган эди. У ўз сафларида ишчи синфининг илғор кучлари, ватанпарварлик кайфиятидаги ҳарбийлар, давлат аппарати ва зиёлиларнинг демократик доираларини бирлаштирди. Бу партиянинг вакиллари 1973 йил июлидаги давлат тўнтаришида қизғин иштирок этдилар. Афғонистон Халқ демократик партияси республика режимини қўллаяжагини эълон қилган эди. Лекин ҳокимият Афғонистон тараққийпарвар кучларини мамлакат сиёсий ҳаётидан четлатиб, улар фаолиятини чеклаб қўйгач, АҲДП режимга нисбатан оппозиция йўлини тутди ва қайтадан нолегал шароитда иш кўришга мажбур бўлди, мураккаб шароитга қарамай, партия халқ оммаси ва армияга ўз таъсирини кучайтиришга эришди, бу эса миллий-демократик инқилоб ғалаба қозонишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

1978 йил Апрель инқилоби давомида Ҳарбий Революцион Кенгаш — ҲРК тузилди. Инқилоби савр — Апрель революцияси афғон халқи тарихида буюк бурилиш нуқтаси бўлди. Ҳарбий Революцион Кенгашнинг афғон халқига биринчи мурожаатида мамлакатда монархия таг-томири билан қўпориб ташлангани ва демократик миллий революция бошлангани кўрсатиб берилди. 29 апрель куни Ҳарбий Революцион Кенгаш ҳокимиятни олий давлат органи сифатида ташкил этилган Революцион Кенгаш қўлига тўласича топширди ва ўзи унинг таркибига кирди.

Революцион Кенгаш ўзининг 30 апрелда ўтказилган биринчи мажлисида Афғонистон Демократик Республикаси — АДР ташкил қилинганини эълон қилди.

Нур Муҳаммад Таракий бошчилигидаги, 1978 йил 9 май программ баёноти қарорлари мунтазам тарзда бажарилишини таъминлашга сафарбар этилган АҲДП Марказий Комитети, Революцион Кенгаш ва АДР ҳукумати бир қанча конкрет тадбирларни амалга ошира бошладилар. Халқ ёшлар ташкилоти ва Афғонистон Халқ хотин-қизлар ташкилоти ҳаракати қизғин тус олди. Афғонистон тарихида илк марта касаба союз ташкилотлари ташкил этилди. Янги герб, байроқ ва АДР гимни таъсис этилди.

Ҳозир Афғонистонда аҳолининг турли табақалари шароитини яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда, бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари устидан назорат ўрнатилиб, чайқовчиликка қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Ҳукумат ижтимоий иллат бўлган ишсизликни йўқотиш йўлини тутмоқда. Маориф министрлиги саводсизликни тугатиш бўйича қизғин иш олиб бормоқда. Шу мақсадда мактаблар, лицей ва коллежлар эҳтиёжи учун ажратиладиган маблағлар кескин кўпайтирилди. Бир қанча янги ўқув юртлари очилди. Мактаблар қурилишини тезлаштириш мақсадида кўпгина районларда халқ ҳашарлари ўтказила бошланди.

АДР ҳукумати миллий-демократик революция олдида турган вазифаларни тўла-тўкис амалга оширишга қаратилган ўз программасини бажариш жараёнида сиёсий ва иқтисодий характердаги кўпгина қийинчиликларга дуч келди. Бу ўринда, аввало, экономика тараққиётининг кучсизлиги ва умумий қолоқлиги, афғон жамиятининг кўп қатламли ижтимоий-иқтисодий тартиботини қайта қуришнинг мураккаблиги, ички имкониятларнинг чекланганлиги, маъмурий ва техник кадрларнинг етишмаслиги каби қийинчиликларни эслатиб ўтиш мумкин.

Шароит тақозосига кўра, Таракий ҳукумати давлат секторини ривожлантириш, ички ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, солиқ системасини қайта кўриб чиқиш, ички ва ташқи савдони мустаҳкамлаш йўлини тутди. Бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқани кенгайтиришга анча эътибор берилди.

Афғонистон — аграр мамлакат. Аҳолининг кўпчилиги — қарийб 80 проценти билвосита ёки бевосита қишлоқ хўжалиги билан алоқадордир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ялпи миллий маҳсулотнинг 60 процентдан кўпроғини етиштиради. Афғон экспортининг 70 процентини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил этади. Эскирган, патриархал методлар асосида иш кўрадиган қишлоқ хўжалиги Апрель революциясигача ўз олдида турган асосий вазифаларни бажара олмас эди: мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиролмас эди. Қишлоқда яшайдиган афғон оилаларининг кўпгина қисми ерсиз эди. Деҳқонлар оммасининг кўпчилиги бир парчагина ерда тирикчилик қиларди. Серунум ерларнинг 50 проценти, шунингдек, сув, уруғ, меҳнат қуроллари эса қишлоқ аҳолисининг 5 процентга яқинини ташкил қиладиган заминдорлар қўлида эди.

АҲДП кенг деҳқонлар оммаси манфаатларини кўзлаган ҳолда, аграр масалани адолатли ҳал қилишга астойдил интилмоқда ва қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар сиёсий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг асосий муаммоларини ҳал қилиш билан узвий боғлиқлигини назарда тутмоқда. Шунинг учун ер-сув ислоҳоти ўтказиш партия программасига биринчи пункт сифатида киритилган.

Лекин, табиийки, Апрель революциясини Афғонистонда ва ундан ташқарида ҳамма ҳам бирдек қувонч билан кутиб олмади. Собиқ йирик ер эгалари, мустабид тузум тарафдорлари, қабила зодагонлари, баъзи дин пешволари инқилобгача ҳукм сурган тартибларни тиклаш илинжида бош кўтарди. Демократик Афғонистоннинг кўпгина душманлари қўшни мамлакатларга, биринчи навбатда эса Покистонга қочиб ўтди ва ўша ерда туриб ўз аксилинқилобий фаолиятларини авж олдириб юборди. Ички ва ташқи реакция кучлари мамлакатни тўс-тўполон, бузғунлик гирдобига тортиш пайига тушди.

Ташқи империалистик кучлар ва афғон халқининг инқилобий ютуқларини кўриб чидаб туролмаётган ички реакция фитнаси оқибатида ўтган йил кўкламида кўтарила бошлаган ҳукуматга қарши исёнлар ва қуролли ғалаёнлар алангалари батамом сўнганича йўқ. Гоҳ у, гоҳ бу вилоятда кўприклар портлатилади, йўллар бузилади, алоқа воситалари ишдан чиқарилади. АҲДП аъзоларига, ўқитувчилар, инқилобий ҳокимият қўлидан ер олган деҳқонларга қарши террор уюштириш Апрель революцияси душманлари тактикасининг бир қисми бўлиб қолди. Ҳеч кимга сир эмаски, агарда хориждан чекланмаган миқдорда ёрдам олиб турмаса, Афғонистоннинг ташқарисида, Покистон ва Хитойда ҳарбий базалар ва лагерларга эга бўлмаса, ички реакциянинг тор-мор этилиши турган гап эди.

Давлатнинг қонуний бошлиғи, АҲДР Революцион Кенгашининг биринчи раиси Нур Муҳаммад Таракийни жисман маҳв этиб, мамлакатда очиқдан-очиқ диктатура режимини ўрнатган Ҳ. Аминнинг авантюристик сиёсати ички ва ташқи реакцияга қўл келди. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиб, у афғон ватанпарварларига, энг аввало, АҲДП аъзоларига қарши репрессия кампаниясини авж олдириб юборди.

АҲДП ҳокимиятни қонунга хилоф тарзда босиб олган Аминнинг тутган йўлини партияни бадном қилишдан иборат деб топди. Партиянинг АҲДП асосчиларидан бири бўлмиш Бабрак Кармал бошчилигидаги соғлом кучлари 1979 йил декабри охирларида Апрель революциясини сақлаб қолишдек тарихий вазифани ўз зиммаларига олдилар. Амин қамоқхоналарида азоб чеккан курашчилардан баъзилари янги раҳбарлар сафидан жой олдилар.

Апрель революциясидан буён Афғонистон бир неча марта ҳар тарафлама — иқтисодий, маънавий-сиёсий, ҳарбий ёрдам сўраб Совет Иттифоқига мурожаат қилди. Интернационализм принципларига, мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик анъаналарига содиқ Совет Иттифоқи Афғонистонга ёрдам қўлини чўзди. Лекин империалистик аралашув ва қўпорувчилик ҳаракатлари кучайиб бораётгани туфайли анча вақтгача ҳарбий ёрдам кўрсатишга ошиқмай турди. Шу билан бирга, қўшни Афғонистоннинг советларга қарши ҳарбий майдонга айлантирилишига йўл қўяолмаслигини яширмади.

Бироқ Афғонистоннинг ички ишларига империалистик аралашув тўхтатилмади, балки янада авж олдирилди. Шунинг учун ҳам Афғонистоннинг Бабрак Кармал бошчилигидаги янги ҳукумати ташқи агрессияга қарши ошиғич ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат этганда, Совет Иттифоқи бу илтимосни қондиришга қарор қилди. Бу чоралар 1978 йилги совет-афғон шартномасининг 4-моддаси ва БМТ Уставининг 51-моддасига тўла мувофиқ келади. Чегараланган Совет ҳарбий контингентининг бу мамлакатда бўлишларига эҳтиёж қолмаган дафъаданоқ Афғонистондан тўла-тўкис олиб чиқиб кетилади. Афғонистоннинг қонуний раҳбарлари илтимосига биноан Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилаётган ёрдам бу мамлакатни ташқи

тардан сақлашдан бошқа ҳеч қандай мақсадни назарда тутмайди.

Империалистларнинг Афғонистон ички ишларига аралашувига қарши берилган кескин зарбага чидай олмаган Америка ва Хитой пропагандаси мамлакатимиз шаънига бўҳтон ёғдирмоқдалар. Вашингтон билан Пекиннинг асл мақсади ривожланаётган мамлакатларни чўчитиш, уларнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларини мураккаблаштириш, тинчлик, кескинликни юмшатиш тарафдорлари ҳамда тараққийпарвар кучлар якдиллигига раҳна солиш, уларга ўз шартларини ўтказишдек жирканч ниятдан иборатдир.

Апрель революциясининг янги босқичи бўлган декабрь воқеаларидан кейин Афғонистондаги аҳвол борган сари нормаллашмоқда. Афв умумий эълон қилинишини ва барча сиёсий маҳбусларнинг озод этилишини аҳоли хайрихоҳлик билан кутиб олди. Мамлакатда сўз эркинлиги ва исломни ҳурматлаш асосига қурилган диний эътиқод эркинлиги таъминланмоқда. Янги ҳукуматнинг биринчи декретлари ва конкрет ҳаракатлари самарали натижалар бермоқда. Кўпчилик вилоятларда аҳвол мўътадиллашмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турли табақалари ўртасида янги ҳукуматнинг обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда. Мамлакатнинг турли томонларидан ҳукумат ва партия раҳбарларига келаётган кўпдан-кўп хатларда янги ҳукумат қўллаб-қувватланмоқда. Самимий ёрдами учун совет халқига миннатдорчилик билдирилмоқда.

Ҳозир республика ўз кучларини Апрель революциясининг бунёдкор вазифаларини амалга ошириш йўлида тўла-тўкис сафарбар этмоқда.

Инқилобий Афғонистон бетарафлик принципларига асосланган — миллий мустақил, тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бормоқда. Бетарафлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида империализмга, мустамлакачиликка, адолатсизликка ва зулмга қарши, тинчликни таъминлаш, халқаро кескинликни юмшатиш йўлида курашмоқда.

Афғонистон раҳбарлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, бетараф давлатлар, миллий озодлик ҳаракатлари ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидламоқдалар, тинчлик, халқаро хавфсизлик, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашда чинакам иттифоқчи бўлган бу кучлар ўртасидаги якдилликни яна ҳам кучайтириш ниятидамиз, деб баралла айтмоқдалар.

Афғонистон иттифоқчи давлатлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар билан дўстлик муносабатларини тараққий эттириш ва мустаҳкамлаш учун чин дилдан ҳаракат қилмоқда. У амалда қуролланиш пойгасини жиловлаш, қуролсизланишга эришиш йўлини қизғин ёқлаб чиқмоқда.

Афғонистон раҳбарлари Совет Иттифоқи билан ўз мамлакатлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Давлатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкам тарихий анъаналарга эгадир. Бу эзгу ишнинг бошида доҳиймиз В. И. Ленин турган эди. Эндиликда буюк доҳийнинг Россия ҳамиша Афғон давлатининг биринчи дўсти бўлиб қолади, деган сўзлари тарихий ҳақиқатга айланди.

«Пойдеворини улуғ Ленин қўйиб берган афғон-совет дўстлиги эндиликда принципиал янги юксакликка кўтарилди,— деди Революцион Кенгаш раиси ва демократик Афғонистон бош министри Бабрак Кармал совет журналистлари билан қилган суҳбатида.— Бу дўстлик — бизнинг умумий, улуғ муваффақиятимиздир, у афғон халқи Апрель революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилиши ва кўпайтириши учун гаровдир».

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда СССР ва АДР ўртасида бир қатор муҳим шартномалар тузилди. Уларда Афғонистонга Совет Иттифоқи кўрсатадиган ёрдамнинг ҳажми ва миқёси аниқ белгилаб берилган.

Ҳамкорлик қилаётганимиздан бери, Афғонистон тупроғида СССРнинг кўмаги билан 120 саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа соҳага тегишли объектлар қурилди ёки қурилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи битказилиб ишга туширилди. Афғонистондаги асфальт ва бетон йўлларнинг учдан икки қисми, металлни қайта ишловчи, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат саноатининг йирик корхоналари, тўрт халқаро аэродромнинг учтаси СССР ёрдами билан қурилган. Кобил политехника институти ва иккита техникум бир неча йиллардан буён ишлаб турибди. Совет-афғон савдо алоқалари муваффақиятли равишда ривожланмоқда.

Инқилобий Афғонистон билан ўз якдиллигини ифодалаб, совет кишилари афғон халқига Апрель революциясининг юксак идеалларини рўёбга чиқаришда янгидан-янги зафарлар тилайдилар.

Анвар ҚОСИМОВ,
тарих фанлари кандидати

Унутилмас сиймолар



ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТ

Усмон Юсуповнинг 80 йиллигига

Улкан истеъдод эгалари, улкан ташкилотчилар ҳаётдаги икир-чикирлар билан ўралашиб қолмайдилар. Улар ҳаётнинг ҳали қўл урилмаган чуқур қатламларини очадилар, истиқболнинг тик довонларига, долзарб меҳнат майдонларига етаклайдилар; халқни фаровонликка олиб борадиган буюк ишларни рўёбга чиқаришда бош бўладилар. Аммо бунинг эвазига ўзлари учун ҳеч нима тамаъ қилмайдилар, буни фарзанднинг халқ олдидаги, она-Ватан олдидаги бурчи деб биладилар, шу бурчни адо этиш йўлида дарёдек тошқин умр кечирадилар. Улардан қолган хотираларнинг янги-янги қирралари, кейинчалик, йиллар ўтган сари, одамлар назарида ёркинлашаверади.

Усмон Юсупов халқимизнинг ана шундай фарзандларидан, етакчиларидан, Ўзбекистонда социализм қурилишининг моҳир ташкилотчиларидан бири эди.

Ҳаётнинг ўзидан зўр мураббий йўқ. Усмон Юсупов кўз очиб, ўзи оламга келган кичкина қишлоқни, баланд тоғни кўрди, юпун бечорани эзувчи бойни таниди.

У саксон йил муқаддам ерсиз батрак Юсуфали оиласида — ҳозирги Фарғона областининг Каптархона қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ исмижисмига монанд эди: кўклам кириши билан эркаклар даромадли иш илинжида тентираб кетишар, қишлоқ кузгача ҳувиллаб қолар эди. Ўзининг айтишича, Усмон Юсупов етти ёшидан бошлаб отаси ёнига киради, бойлар эшигида қароллик қилади, тўртдан бирга бойнинг ерини экади. Қайси чоракор тўртдан бирга бойнинг ерини экиб, қаддини кўтарибди? Юсуфали мулла Абдураҳмондан ҳам, Халил аминдан ҳам қарздор бўлиб қолди. Юсуфали, Усмон ёнида, Муён бўлисига ўтиб, Мартиненко деган рус бойнинг боғида ҳам ишлади. Аммо муҳтожлик, қарзлар Юсуфали оиласига бу жойни ҳам тор қилиб қўйди. Хўш, энди қаёққа бош олиб кетади? Тошкентгами? Юсуфалининг хаёлига биринчи марта шу фикр келди: эҳтимол, болаларни очлик чангалидан шу чора асраб қолар? Устига устак, подшо чекка ўлкалардаги аҳолини мудофаа иншоотлари ва ҳарбий йўллар қуриш ишларига жалб қилиш тўғрисида фармон чиқарган, иложини топса — Халил амин уни мардикорга жўнатириб юборишдан ҳам тоймайди!

Юсуфали оиласи юртда мардикор олишга қарши ғалаёнлар бошланган вақтда Қовунчи қишлоғига — ҳозирги Янгийўл районининг марказига келиб ўрнашди. Усмон орадан кўп ўтмай қовунчилик йигитлар билан ўртоқ бўлиб кетди. У бўйбастда отасига тортган: суяклари йирик, яғриндор йигит бўлиб етишди. Пахта заводига ишга кирди: олдин юкчилик қилди, кейинчалик жин машинасини бошқарди. Ишчилар муҳити унинг дунёқарашини кенгайтирди: ишчи-большевиклар таъсирида инқилобчилар билан ўртоқлашиб кетди, заводда ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган етакчилардан бирига айланди.

Усмон Юсупов ҳаётида, ўз таъбири билан айтганда, буюк бурилиш 1924 йили юз берди. Ленин сафарбарлиги вақтида, синглиси Назира Юсупова билан бир кунда коммунистик партия сафига қабул қилиндилар. У Ленин ғояларининг тўла тантанаси учун умрининг охиригача ҳормай-толмай курашишга, Ленин партиясининг муносиб солдати бўлишга аҳд қилди.

Иш, кураш давомида тез ўсди: ишчилар уни дастлаб Бинокорлар союзи район комитети раиси, кейин округ комитети раиси қилиб сайладилар. У ишчилар билан ташкилотлар орасида рўй берган келишмовчиликни бевосита аралашиб бартараф қилар, масъулиятни ўз устига олиб, тўхтаб қолган ишни юргизиб юборар эди. Кўп ўтмай, уни Тошкент округ партия комитети ташкилий бўлим мудирлиги лавозимига кўтардилар.

Шу 1929 йили эса, Ўзбекистон Компартияси IV съезди Усмон Юсуповни Марказий Комитет секретарлигига сайлади. Унинг, бутун масъулиятни шахсан ўз зиммамга оламан, деган товуши энди баландроқ янгради, республика партия ташкилотларида унинг истеъдоди одамлар эътиборини ўзига торта бошлади. Кейинчалик, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб сайланганидан сўнг, унинг фазилатлари халқ оммаси эътиборини тортди.

Марказий Комитет ва унинг секретари ўша кезларда республикамизнинг иқтисодий тараққиёт жиҳатидан Иттифоқимизнинг пешқадам районларига тезроқ етиб олиши учун бошқаришнинг асосий ҳалқасини топиш устида бош қотирар эди. Асосий ҳалқа топилди: Ўзбекистон шароитида, бу, аввало, сув масаласини узил-кесил ҳал қилиш, демак, каналлар қазиш, чўлларга обиҳаёт етаклаш эди.

Ўша вақтларда Марказий Комитет биноси сув хўжалиги ходимлари ва мутахассисларнинг бош штабига айланган эди. Республика доирасида ва жаҳон миқёсида қазилган каналларнинг тарихи, қурилиш йўсини, лойиҳалари ўрганилар, муҳокама қилинар, кўпинча муҳокама кескин мунозарага айланиб кетар эди.

Мутахассисларнинг бир қисми олдин каналлар ўтадиган жойларнинг ер тузилишини пухта ўрганиб, бафуржа лойиҳалар тузиб, қурилиш ишларини кейин бошлашни таклиф этарди. Бу узоқ муддат талаб қиладиган қурилиш усули эди. Юсупов эса халқ қурилиш усулини таклиф қилди. «Масалан,— деди у,— Лоғон каналини йигирма кунга етказмай, Катта Фарғонани эса, цемент ва арматураларни жуда кам ишлатган ҳолда, бир ярим ойда қазиб битириш керак. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, халқнинг сув учун бошлаган ҳаракати битта-иккита канал билан тўхтаб қолмасин, каналлар ва сув ҳавзалари қуриш ҳамма областлар давом эттирадиган буюк ҳаракатга айлансин».

Мутахассислар ҳайрон бўлганларича: унга «Ҳаётнинг аччиқ тажрибаларидан ўзга дуруст мактаб

кўрмаган бу ёш секретарь нега ўз фикрида бунчалик қаттиқ турибди, қурилишнинг халқ усули зиддига айтилган ҳар бир фикрни ҳатто жаҳл билан бирин-кетин улоқтириб ташлайди? У нимага таянади?», деб тикилиб қолар эдилар.

1938 йили ва 1939 йилнинг дастлабки ойларида тажриба учун областларда 450 километрдан узунроқ 46 та канал қурилди. Халқ гўё кўчиб чиқди, шундай қувонч ва шиддат билан ишладики, халқ усули мухолифлари яна қарши сўз айтишга ожизлик қилиб қолдилар. Лоғон канали ўзанини аниқлаш, тупроқ шароитини ўрганиш ва лойиҳа тузиш ишлари талаб қилинганидек бир йилда эмас, йигирма кунда тугади, канал ўн етти кунда қазиб бўлинди. Аммо Катта Фарғона канали масаласида Юсупов:

— Канал ўзанини аниқлаш ва лойиҳа ишларига — икки ярим ой, канални қазишга эса — бир ярим ой!— деганида, мутахассислар, ҳатто айрим раҳбар ходимлар ҳам унга ғалати тикилдилар:

— Ахир Катта Фарғона канали тенги йўқ нодир қурилиш, қўйилган муддат эса, ақлга сиғмайди-ку!

— Ҳа, тенги йўқ нодир канални мислсиз қисқа муддатда қуриб битказишимиз керак. Вақтимиз жуда ҳисобли, азизлар, дақиқаси олтиндан қиммат. Америкаликлар каналларни шошмай, бешолти йил давомида қураверсин, улар социализм қураётганлари йўқ. Бизнинг Катта Фарғона канали қурилиши, фалсафа тилида айтганда, инқилобий сакрашдир. Бу инқилобий сакраш давомида барча соҳалардаги ишларимизни яхшилашга қаратилган бурилиш содир бўлади. Кечикишга бизнинг сира ҳаққимиз йўқ. Эсингиздами, Октябрь қуролли қўзғолони арафасида Владимир Ильич Ленин: «Кеча эрта эди, эртага кеч бўлади», деган эди.

Ҳақиқатан ҳам дунё нотинч эди. Фашизм қонли панжасини қўшниларига, кучсиз мамлакатларга чўза бошлаган эди. Мадрид хунтаси хоинлик қилиб, Испания тахтини генерал Франкога бўшатиб берди; Германия фашистлари Чехословакияни босиб олдилар, Польша чегарасини бузиб ўтдилар; Италия фашистлари Африкага кирдилар, кичик Албания уларнинг навбатдаги емишига айланди.

Уруш хавфи остонамизга келиб қолган эди.

Демак, ҳозирги осойишталикнинг ҳар куни ва ҳар соатидан тўла фойдаланиш зарур. Халқнинг жадал қуриш усули — бу ишда бирдан-бир тўғри йўл.

Катта Фарғона канали оқиб ўтадиган 270 километрли масофага вақтидан илгари келиб, ўз участкаларига ўрнашган 160 минг колхозчи, ишчи, зиёли иш бошлашга шай турарди. 1939 йилнинг 1 августи ирригация тарихига янги давр бошланган кун бўлиб кирди. Шу куни тонгда канал трассасининг бошидан охиригача карнай-сурнай садолари янгради. Ҳамма участкаларда районлар ва колхозларнинг ол байроқлари ҳилпиради. Қурувчилар буюк жасорат, ҳаяжон ва қувонч билан иш бошладилар. Чуқурлиги — тўрт метр, эни — ўттиз метр канал 45 кунда қазиб бўлинди.

Бу эркин меҳнат ғалабаси, ўзбек халқининг сув учун оммавий юриши, совет замонининг мўъжизаси эди. Халқ 270 километрли дарёни кетмон билан қазиди. Тупроқни замбил ғалтакларда, қопларда орқалаб ташиди. Меҳнатнинг бу каби ёркин тантанасини ҳали инсоният тарихи кўрмаган эди. Ўша кунларда «Правда» газетаси: «Совет Ўзбекистони колхозчилари бино қилган Катта Фарғона канали ҳақиқатга айланган ажойиб эртакдир», деб ёзди.

Усмон Юсупов қирқ беш кун давомида ана шу «ажойиб эртак»ни яратган халқ орасида бўлди: гоҳ у участкада, гоҳ бунисида юриб, дам олишда, хусусан, кечалари — бўш вақтларда қурувчилар билан соатлаб суҳбатлашар, юрт ободонлиги, халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган ишларни уларга сўзлаб берар эди.

— Биласизларми,— дер эди у бир маромдаги пастроқ товуш билан. Атрофини қуршаган каналчилар вужудлари қулоқ бўлиб, зичроқ ўтириб олар эдилар.— Ана шундай сокин тунда, ярим кечада лайлатулқадр ўтади, ялт этганини кўрган киши ниманики ушласа, олтинга айланади, дейдилар. Ҳа, ялт этиб сув ўтади, ўша куни қурувчиларнинг ҳаммаси қирғоқларда тизилиб турадилар: сув етган жой олтинга айланади!

Қурувчилар кулиб, жон қулоғи билан тинглайдилар, Юсупов эса сўзида давом этади:

— Сиз билан бизни шу кунларга олиб келган Совет давлатини бино қилган киши — улуғ Ленин. У кишини кўриш менга насиб бўлмаган, суратдаги жилмайиб туришларига, қолдириб кетган мактубларига қараб, комил ишонч билан айтаманки, у кишининг меҳригиёси ҳаммага етиб ортади: бизнинг бурчимиз, фарзандларнинг ота олдидаги муқаддас бурчи — шу давлатни кўз қорачиғидай асраш, уни тинмай бойитиш. Мамлакатимиз тақдири қил устида турган оғир вақтларда у давлатимиз истиқболига зўр ишонч билан қараб, совет халқини завод-фабрикаларни юргизишга, шаҳар ва қишлоқларда уруш вайронагарликларини йўқотиб, ҳаётни гуркиратишга даъват қилган, ўзи бош бўлиб, қизил шанбаликлар ўтказган, биз, ўзбекларни каналлар қуриб, чўлларга ҳаёт суви етаклашга чақирган эди. Ўша халқ ҳаракати самараларини умумлаштириб ёзган «Буюк почин» номли китобида бугун ўзбек халқи рўёбга чиқарган умумхалқ қаҳрамонлигини орзу қилган эди. Ҳа, дўстлар, биз, ўзбеклар бахтиёр халқмиз, улуғ Ленининг ворисларимиз!

Душман туйқусдан мамлакатимизга бало-қазодек ёпирилган дастлабки кунлардаёқ Ўзбекистон ўзининг зарбдор кучларини сафарбар қилди. Ҳамма соҳадаги иш ҳарбий изга солинди: бор нарса, бор куч фронт учун сафарбар этилди.

Ўша кунларда халқнинг куч-ҳаракатини бирлаштирувчи бош штаб — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети туну кун бедор эди. Усмон Юсуповнинг ўзига хос иш услуби мукаммаллаша борарди: ҳозиржавоблик ва собитлик, мардлик ва оғир масалаларда ҳеч иккиланмай масъулиятни ўз зиммасига олиш... Ўша кунларда Москва Юсуповни ярим тунда, тонг ҳали бўзармаган дамларда ҳам телефонга чақирар, ундан сўрар эди:

— Саноат корхоналарининг қайси хилларини кўпроқ юборайлик?

Юсупов ўзбек халқи номидан жавоб берарди:

— Оғир саноат корхоналарини.

Табиий савол туғилади: нимага енгил саноатни эмас, ўрнатишга қўшимча жой талаб қилмайдиган илмий ташкилотларни эмас-у, оғир саноат корхоналарини? Эҳтимол, Юсупов ўша ола-тўполон кунларда бундай саволлар туғилишини хаёлига келтирмаган, ҳатто буни ўйламагандир, аммо у бир нарсани билар эди: бу заводлар қаерларга, ҳатто очиқ жойларга ўрнатилса ҳам, барибир, бир ярим ой ичида фронтга ўз маҳсулотларини жўната бошлашлари керак, вассалом, бошқа важ-карсон кетмайди!

Заводлар эса бирин-кетин, гоҳо қўша-қўша келарди. Ўқ дори ишлаб чиқариши зарур бўлган Ленинград Тўқимачилик машинасозлиги заводининг монтажи ҳали тугамасдан Ростсельмаш заводи кўчириб келинди. Буниси гитлерчиларни даҳшатга солган машҳур «Катюша» снарядларини ва 120 миллиметрли минометларнинг снарядларини ишлаб чиқаришга мосланган эди. Кольчугин Кабель заводи ҳам Ўзбекистонга кўчирилди. Десант самолётлари ишлаб чиқарадиган завод ҳам шулар жумласидан эди. Заводлар қисман ўз ишчилари ва мутахассислари билан кўчиб келарди. Республикага келган, келаётган заводлар юзга яқин эди. «Бу заводлар ортиғи билан бир ярим ойда фронтга маҳсулот жўнатишлари керак. Ўзбекистон фронт орқаси эмас, Ўзбекистон — олдинги позиция!», деб уқтирарди Юсупов.

Усмон Юсупов раҳбар ходимлардан уруш вақтига хос абжирлик, чаққонлик, мустақилликни талаб қиларди: «Имкониятларни ўзингиз қидириб топинг, фронтдагидек, йўқдан бор қилинг,— дерди у.— Сиз командирсиз, ташаббус кўрсатинг, йиқилсангиз яна дарҳол туриб, жангга кираверинг!»

Ўзбекистоннинг ўз завод-фабрикалари: металлни қайта ишловчи, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат корхоналаригача ҳаммаси ҳарбий изга солинган, эшелон-эшелон поездлар тўппа-тўғри фронтга жўнар эди.

Республика сал кунда Совет Иттифоқининг кучли ҳарбий саноат марказларидан бирига айланди.

Машиналарни юргизиб турган қувват етишмай қола бошлади. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети шошилинч чоралар кўрди: «Электр қувватини, кўмирни бошқа жойдан олиб келолмаймиз, ўзимиздан топишимиз, ўзимиз ҳосил қилишимиз лозим», деди Усмон Юсупов. Чирчиқ гидростанцияларини тез битказишга, Оҳангарон кўмир конини очиш йўлида уруш олдида бошланган ишни жадаллаштириш, қурилишларни битказиш, Шарғун кўмир конини очишни тезлатишга киришдилар. Қурилишлар абжир, топқир кадрлар билан мустаҳкамланди. Марказий Комитетнинг уруш вақтидаги энг долзарб ишларига бағишланган пленумида Юсупов: «Тинчлик вақтида, йигитларимизнинг қаймоғи қўлтиғимиздан суяб турганларида, техникамизнинг яхшилари уруш эҳтиёжларига юборилмасдан олдин, бу ишларни бажариб олмаган эканмиз, энди ё аёллар, кексалар ва ёшланг кучи билан бу қурилишларни жадал битказиб, симларда электр қувватини муқим оқизиб, саноат корхоналарини бетиним ҳаракатга соламиз, ё ҳалок бўламиз. Уруш қонуни — шу», деган эди.

Тошкентдан Москвага — тўппа-тўғри фронтларга қараб кетаётган қурол-аслаҳа, ўқ-дори, аскарларга иссиқ кийим, совға-салом ва озиқ-овқат ортилган эшелонларнинг кети узилмасди. У ёқдан эса, одам тўла поездлар келарди: хонадонларини, юртларини фашистлар вайрон қилган минг-минглаб бола-чақа, хотин-халаж, майиб-мажруҳларни ўзбек халқи қучоқ очиб кутиб олар эди. Кўчирилганларни жойлаштириш комиссиялари тузилди,— Усмон Юсупов республика комиссиясининг аъзоси эди,— кўчиб келганларни, аввало, бўш уйлар ва жамоат жойларига, оилаларга жойлаш, ишга ўрнаштириш бошланди. Уруш туфайли ота-онаси ва яқинларидан ажраб, етим қолган гўдаклар, ўспиринлар болалар уйларига, фарзанд қилиб олувчи меҳрибон кишилар бағрига берилди. Халқ топганини кўнгли ярим қардошлари билан баҳам кўраётган, ўзбек аёллари бомбалар даҳшатидан юраксада бўлиб қолган гўдакларни кўксига босиб алла айтаётган ўша кунларда забардаст шоиримиз Ғафур Ғулом:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдек меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш — мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор!—

деб ҳайқирди.

Шоирнинг бу нидоси — бутун ўзбек халқининг овози эди.

...Усмон Юсупов улуғ ёшида Мирзачўлдаги 4-«Боёвут» совхозида директор бўлиб ишлади. Одам яшагулик бирон дуруст бино, йўл, кўприк йўқ; бўлимларда одамлар ертўлаларда турадилар, қаққайган бир туп дарахт кўринмайди, охирини кўз илғамас бийдай саҳро ястаниб ётибди.

Юсупов қараб турди-да, ўзининг бу чўлга келиб қолишини партия иродаси, ҳаёт тақозоси деб билди. Катта пенсия тайинлаб, машина бериб, «Мана энди дам олинг, ҳузур қилинг», деганларида Юсупов учун бундан оғир жазо бўлмас эди. Бу совхоз миқёси кичик бўлса-да, жиддий ҳара-

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Социалистик қурилиш халқ ижодий кучларининг тараққиётига ғоят қулай шароит яратишини тарих исботлади. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топгани ва республика халқ хўжалиги ва маданиятининг юксалиш йўли бунга ёркин мисолдир. Ўзбекистон партия ташкилоти бу тараққиёт жараёнини моҳирона бошқара оладиган кўплаб юксак истеъдодли раҳбарларни вояга етказди. Улардан бири совет халқи ва Ленин партиясининг содиқ фарзанди Усмон Юсуповдир.

Болалик пайтидан ҳаётнинг азоб-уқубатларини чекиб чиниққан Усмон Юсупов ўзини ва халқини ҳурлик, саодат йўлига бошловчи бирдан-бир тўғри, ҳаққоний йўл улуғ доҳий Ленин кўрсатган йўл эканлигини идрок эта олган эди. Шунинг учун у онгли равишда Ленин изидан кетди ва ҳаётининг охирги дақиқасигача бу адолатли йўлдан садоқат билан борди. У қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ҳамиша партия йўлини маҳкам тутиши барчага аён эди. Бу кишининг ҳар бир сўзи ва ишида партиявий руҳ, Ленин партиясининг олий даҳоси, халққа чексиз муҳаббат, одамларга фидокорона ғамхўрлик, коммунистик қатъият ва принципиаллик равшан намоён бўлиб турар эди. Усмон Юсуповнинг юксак раҳбарлик таланти Коммунистик партия парваришида тобланди. Шунинг учун ҳам унинг битмас-туганмас ғайрат ва шижоати, моҳирона раҳбарлигини барча эътироф этарди, бу муҳтарам раҳнамони эъзозлаб Усмон ота деб атардилар.

Усмон ота санъат ва адабиётни жуда севар, ижод аҳлини ғоят қадрлар эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги Мусиқали драма ва комедия театри муҳташам биноларининг қад кўтаришида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсуповнинг хизматлари катта бўлди. Бу театрларнинг қурилиши рамзий аҳамиятга ҳам эга эди: коммунистик партия ва совет халқининг



Атоқли партия ва давлат арбоби Усмон Юсупов (биринчи қатор, чапдан бешинчи) машҳур совет саркардалари — Совет Иттифоқи Маршали Иван Степанович Конев (чапдан учинчи), Совет Иттифоқи Маршали Георгий Константинович Жуков (чапдан тўртинчи), Артиллерия бош маршали Николай Николаевич Воронов (чапдан олтинчи), академик адиб Ойбек (иккинчи қатор, чапдан иккинчи) ва Иккинчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясида иштирок этган ўзбекистонлик депутатлар билан. Москва. Кремль. 1946 йил.

кат, фаолият майдони; бу ерда ҳали шакли йўқ нарсага ранг-рўй бериш, йўқдан бор қилиш керак. Демак, яна бетиним кураш, ҳувиллаб ётган бу чўли азимни ҳусн-тароват одамларни ўзига тортадиган жойга айлантириш керак.

Усмон Юсупов ҳаракат, иш билан тирик арбоб эди. «Бу ерга синовдан яна бир бор ўтишга келдим,— дерди ўзига,— қарилик чоғи, кучдан қолай деганда, соғлик билан мақтанишга тил бормайдиган вақтда, ўзим бирор хўжалик вужудга келтириб, унга шакл-шамойил бериб, одамларга: «Ана кўринглар!», дея оламанми?»

Юсупов одамлар, айниқса меҳнаткаш шофёрлар кўнглига йўл топа олди, бу унинг янги жойдаги биринчи катта ғалабаси эди. Тўғри-да, йўлсиз жойда, на уй қуриб, на ер очиб бўлади. Бир неча кун ичида беш километрдан мўл тош йўл солдилар. Ҳашар усулида станциядан совхоз марказигача тор изли темир йўл ётқизилди. Бу кунларда Юсупов ана шу ишларга шўнғиб кетган эди. Уй-жой қуриш, ер ўзлаштириш бошлаб юборилди. Фарғона водийси, Жиззах ва Самарқанд томонлардан совхозга одамлар кўчиб кела бошладилар. Орадан кўп ўтмай, Юсупов атрофида яхшигина коллектив уюшди. Худди муз кўчгандай, иш ўрнидан жилиб кетди. Юсуповнинг вақти хуш, ўзини енгил сезар эди.

У ўй-хаёл билан яшайдиган, кунда янгилик яратиб, орзуларини амалга оширадиган, ҳаракатлари самара бергунча тинмай курашадиган асл пахтакор эди. Пахтачиликнинг тарихи кекса: нечанеча ўзгартишларга дучор бўлди, бу йўлда қанча усуллар келиб кетди, бу усулларнинг қанчаси йўргагидан чиқмади! Бу изланиш, узун йўл босиб келган изланиш бизнинг совет давримизда айниқса кучайди. Бир кун келиб икки усул: тор қаторлаб ва кенг қаторлаб экиш усуллари ёнма-ён туриб қолди.

Юсупов кенг қаторни ёқларди, айни вақтда тор қаторнинг афзалликларига мункир эмас, бунда кўчат кўп, демак, кўсак кўп бўлади. Аммо бу афзалликнинг умри узунми? Кенг қаторда техника кўсаклар етилгунча бемалол юраверади, ғўзалар орасидан шабада ўтиб туради, экин қуёш нуридан кўп баҳра олади, ғўзаларнинг авжи яхши, кўсаклар катта, тўқ бўлади. Демак, бунинг афзалликлари ортиқ. У «Боёвут»да буни яна текшириб кўрди: дастлабки йилиёқ Насиб Бекиров бошлиқ хўжалик ҳисобидаги механизмлашган бригада энг кам меҳнат ва харажат сарфлаган ҳолда Мирзачўлда пахтадан энг юқори ҳосил олди. Юсуповнинг кўнгли таскин топди.

У ўзининг хато ва гуноҳлардан тамом холи авлиё эмаслигини биларди, бошқаларнинг юраги дов бермайдиган ишларни бошлаганда қўрқмаганидек, хатоларини эти сесканмай тан оларди. Аммо ҳамма масалада у ўзини қайта-қайта текширарди.

Совхозда етти йил ишлади. Бирга ишлаган кишилар уни ҳаяжонланиб эслайдилар. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Виктор Алексеевич Хайдуров ўша вақтда совхознинг бош агрономи эди. «Бир куни,— дейди Виктор Алексеевич,— райком бюросида бригадирларни сиқувга олишди: пахтага аталган ерга шоли эктирибсизлар, деб, менга ҳам ҳайфсан эълон қилдилар. Усмон Юсупович қовоғини уйиб, секин гапирди: «Икки йил шоли экилса, шўри ювилади, тупроқда ғоз, шира пайдо бўлади, кейин пахта экилса, ўттиз центнердан кам бермайди. Ҳа, шоли, беда экиш керак олдин». Бюродан кейин қайтиб келаётганимизда хийла вақт тебраниб жим борди-да: «Биласанми, Виктор,— деди,— бизнинг катта хатомиз шундаки, ёшларни ишга қўямизу мустақил иш ўрганишларига имкон бермаймиз. Ўз гапимизни, ўз услубимизни бошига тақиллатиб тушираверамиз. Бошқача айтсам, болани чўмилишга олиб борамизу ўз билгича қулоч отиб сузишига йўл қўймаймиз. Ҳали иш ўрганмасидан ғўрлигида чақиб қўямиз».

Юсупов: «Мирзачўлни Фарғона водийсидек обод қиламиз», дерди. Ўзи беш-олти йил ичида чўлда энг катта боғ яратди. Унда барча мевалардан бор эди. Сарҳовузлар олдида анвойи гуллар очилиб, мажнунтоллар сочларини сув бетига ташлаб турарди. «Авжи пишиқчилик эди,— деб эслайди боғбон Рашид Абдусатторов.— Машиналарга анжир, анор, олхўри, олма, узум ва беҳилардан тонна-тонна ортилган, дашт йўлида турна қатор тизилиб кетаётибди. «Тошкентга олиб боради, «Оч дала» мевалари», дедилар Усмон ота. Биласанми, Абдурашид, бу қанақа бахт!» Қарасам, кўзлари жиққа ёш — юзларига юмалаб тушаётибди».

Умрининг сўнгги йилларида у Янгийўл районидаги Аграр-саноат бирлашмасида ишлади. «Юрак панд бериб қўймаса, буни республикада энг катта боғ қиламиз; коммунизмнинг Шарқдаги жаннати бўлади», дер эди у.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов Халқободдаги боғда Усмон ота хотирасига бағишланган митингда бундай деган эди:

— Биз Усмон Юсупович ўз қўли билан яратган боғда ўтирибмиз. Бу ажойиб бир мўъжиза. Усмон Юсупович қадам босган, у қўл урган жойларнинг ҳаммасида боғлар, яшил далалар, гулзорлар, ҳаёт пайдо бўларди. У боғбон эди. У партиянинг жангчиси эди. Партия уни қаерга юбормасин, у ғалаба билан қайтарди.

Ҳаммамиз бунинг шоҳидимиз.

Усмон Юсупов ана шундай матонатли ленинчи коммунист, эл-юртнинг юксак ҳурматини қозонган буюк инсон эди.

Йўлдош ШАМШАРОВ

Улуғ Ватан урушида шубҳасиз ғалаба қозонишига ишончнинг ёркин намойиши эди.

Партиявий иш билан қанчалик банд бўлмасин, Усмон ота шоирларнинг янги шеърлари, драматургларнинг янги асарлари, санъаткорлар ижодидаги янгиликлар билан муттасил танишиб бориш учун вақт топарди. Хизматдан сал қўли бўшаб вақт топди дегунча ижод аҳли билан учрашарди. Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Тўхтасин Жалилов, Яшин, Ҳалима Носирова, Мамажон Раҳмонов, Чархий, Бокий, Ҳабибий каби ижодкорлар, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов сингари халқ ҳофизлари билан суҳбат қуриб, уларнинг турмуши ва ижодига кўмаклашарди. Усмон ота ўзбек халқи санъати ва адабиётининг юксалишини чин юракдан тилар, бу ишда тинмай ғамхўрлик кўрсатар эди. СССР халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ артистлари Саттор Ярашев, Гулнора Маваева каби кўпгина санъаткорлар Усмон отанинг шахсан оталарча ғамхўрлиги ва парвариши билан камол топганлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Усмон Юсуповнинг шарафли хотирасини абадийлаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширди. Катта Фарғона каналига, Янгийўл районидаги Аграр-саноат бирлашмасига, Фарғонадаги боғдорчилик совхозига, Қашқадарё областидаги янги ташкил топган бир районга Усмон Юсупов номи берилди. Республикамиздаги кўп колхоз, совхоз, маориф ва маданият муассасалари Усмон Юсупов номи билан аталади. Янгийўл шаҳрида, Каптархона қишлоғида, Усмон Юсупов номидаги Аграр-саноат бирлашмасида бу атоқли партия арбобининг мемориал музейлари ташкил этилган. Унинг ҳаёт йўлини тасвирловчи ҳужжатли фильмлар яратилган. «Ажойиб инсонлар ҳаёти» серияси да Усмон Юсупов ҳақида махсус асар ёзиб нашр этилди. Усмон Юсуповнинг образи ўзбек совет адабиётининг кўпгина машҳур асарларида ўз бадиий ифодасини топди.

Усмон Юсуповнинг сермазмун ҳаёт йўли социализм, Ленин таълимотининг бунёдкорлик моҳиятини намойиш этувчи ёркин бир мисолдир.

Бундай улуғ зотлар ҳаёти ва фаолияти ёш авлод учун таълим-тарбия мактабидир.

Партия ва халқнинг асл фарзанди Усмон Юсуповнинг номи ибратли тимсол сифатида кишилар қалбида мудом яшаяжак.

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори

Оқилжон ҲУСАНОВ

СОВҒА

Қисса

Уста Сафарнинг уйида

ЭШИК очилиб, хонага ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги бола дастурхонда нон олиб кирди. Бу уста Сафарнинг ўғли Сатторжон эди. Бекмурод нон ушатди.

— Олинглар, еб ўтиринглар,— деди Сатторжон катталардек муомала қилишга тиришиб. Кейин самовардан чой дамлади.

— Қалай, яхши ўтирибсизларми?— дея уста Сафар кириб келди.— Хўш, Сафожон эрталабгача дарддан фориғ бўлади. Бўрсиқ мойи ичирдим. Дори бўлганидан кейин кўнгил тортмаса ҳам ичиш керак-да. Ижирғана-ижирғана ичди. Зора кор қилиб, шифо топиб кетса.

Уста Сафар гапиратуриб чой қуйиб узатарди. У ниҳоятда дилкаш, гапга чечан одам эди. Меҳмонлар билан тезда иноқлашиб, эл-юртнинг аҳволидан, нарх-наводан суҳбатлашиб ўтирди. Гап меҳмонларни бу ерга эргаштириб келган йигитга келиб тақалди.

— Ўзининг асл оти Ҳожисафо,— деди уста Сафар.— Мен уни Сафожон дейман. Ўғлим Сатторжоннинг отига уйқаш қилиб. Тутинган ўғлим бўлганидан кейин иккови ака-укадек. Ўзи доно йигит. Кўп азият чеккан, кўп жойларда бўлган. Одамни бир кўргандаёқ билади, яхши билан ёмонни ажратади. Юрт кўрган, устоз кўрган-да. Устозлари эл-юртни ўйлайди, жумла жаҳонни ўйлайди, олам тинч бўлсин, дейди.

— Бир устози сиз бўлсангиз, ахир, ёмон одамни шогирдим дермидингиз?— деди Меливой ака.— Бутун Жиззахга яхшилик билан ном чиқаргансиз. Ҳамиша яхшиликни ўйлайсиз.

— Ҳе, қизиқ гапни гапирдингиз, Меливой,— дея кулиб қўйди уста Сафар.— Сафожоннинг устозлари олдида мен ким эканман! Мен бир оми одам бўлсам... Сафожоннинг устозлари — аҳли дониш. Кейинроқ ўзингиз ҳам билиб оларсиз. Улар биров бировга муте бўлмасин, ҳамма ўзини одам санасин, дейишади. Қани энди ўша кунлар тезроқ кела қолса. Бу очарчилик, хунрезликлар тугаса. Бизнинг қишлоққа-ку шумқадамлар ҳали йўлагани йўқ. Бир хил қишлоқларни босмачи босибди, деган гапларни эшитяпмиз. Ўз элини, ўз қавмини талаганларни нима деса бўлади? Ҳатто бўрилар ҳам бундай қилмайди.

— Тўғри айтасиз, уста бобо,— деди Меливой ака.

Уста Сафар гапираркан тўрқовоқдаги каклик ҳар замонда сайраб қўяр, гурунг давом этар эди.

* * *

Эрталаб уй эгаси меҳмонхонага кириб келганда Меливой ака билан Бекмурод аллақачон туриб юз-қўлини ювган, ўринларини ҳам йиғиб қўйган эдилар. Уста Сафар самоварни чайқаб сув қуйди-да, олов ташлади. Сўнгра меҳмонларни ташқарига эргаштириб чиқди. Сойнинг икки тарафида жойлашган қишлоқ уйлари, қўй қўралари, орқароқда паст-баланд қир-адирлар, узоқ-узоқларда тоғлар силсиласи кўзга ташланарди.

— Қирларга ранг кириб қолди,— деди уста Сафар.— Ўтган куни ҳаммаёқ сарғайиб ётувди. Кечаги ёмғир жон киргизди-да. Қўйнинг оғзи ҳали кўкка теккани йўқ, бултурги пичан билан боқяпмиз. Ҳе, йил оғир келди-да.

— Қишлоғингиз жуда кўркам экан, уста бобо,— деди Меливой ака.— Яқингинада яшасак ҳам йўлимиз тушмаган экан бу ёқларга. Тўғрими, Бекмурод?

— Тўғри, ака. Бизнинг қишлоқларда ҳаммаёқ текислик. Бу ерда эса сой-қир, пастлик-баландлик... Чиройли кўринар экан.

Қишлоқ ҳақидаги яхши гаплар уста Сафарга хуш ёқди.

— Киндик қони тўкилган жойимиз. Ўзимизнинг кўзимизга ҳам ўтдек бўлиб кўринади,— деб қўйди оқсоқол.

Шу пайт икки йигит сой тарафдан чиқиб келиб, уларга салом берди.

— Келинглар, йигитлар,— деди уста Сафар қўл узатиб улар билан кўришаркан.— Меҳмонлар билан танишинглар. Жиззахдан келишган. Сафожон бўлса ҳали ухлаб ётибди.— Оқсоқол йигитларни ҳам бир-бир таништирди:— Мана бу йигитни Эргаш Илдам деймиз. Ёш бўлса ҳам кўпга бош бўлса арзийди. Буниси Янгибой полвон, укамиз. Қайроқчибулоқнинг полвони. Жиззах ўрдасида ҳам кураш тушган. Сизларнинг қишлоқдаги Қодир полвон билан итйиқилиш бўлган, эшитгандирсизлар? Қани, ичкарига марҳамат...

Ҳаммалари меҳмонхонага кирдилар. Улардан кейин қишлоқнинг кўзга кўринган йигитларидан Умматқул, Бутунбой, Абдураимлар бирин-кетин кириб келдилар. Қишлоқ оқсоқоли уларни меҳмонларга, меҳмонларни уларга таништираркан, ўртага дастурхон ёзди, у ер бу ерга иккитадан нон қўйди. Кейин қўш чойнакда чой дамлади. Кўп ўтмай ола-чипор тўнга ўранган, бошига телпакни бостириб кийган Ҳожисафо ҳам чиқиб ўтирди. Ёшроқ бўлса ҳам уни юқорига ўтқаздилар, узоқ хол-аҳвол сўрадилар. Сатторжон билан Ҳайдаржон косаларда шўрва олиб кирдилар. Дастурхон устида суҳбат бошланди.

Меҳмонхонадаги суҳбат

— МЕН СИЗЛАРГА бошимдан ўтган бир гапни айтиб берай,— дея сўз бошлади Уста Сафар.— Бу воқеани эшитганлар ҳам бор бу ерда, эшитмаганлар ҳам... Тўрт-беш ой бўлиб қолди бунга, далв ойи эди чамаси. Манави Эргаш Илдам Бахмал қишлоғидан арава топди. От бўлса — ўзимизда бор. Ғалла ортиб икковимиз Самарқандга жўнадик. Булунғурда бир кеча тунаб, эртаси тушга яқин Самарқанд бозорига кириб бордик. Биласизлар, ғалланинг бозори чаққон. Ўзи-ку уни Жиззахдами, Оқтепа бозоридами сотсак ҳам бўларди-я, шу баҳонада шаҳри азим —

Расмларни Н. ИБРОҲИМОВ чизган



Охири. Боши журналнинг 3-сонида.

Самарқандни бир кўриб келайлик, дедик-да. Шундайми, Эргаш?

— Ҳа, ҳам саёҳат, ҳам тижорат.

— Шундай қилиб, Самарқанд бозорида доннинг нархи ўйлаганимиздай экан. Ана-мана дегунча беш-олти қоп бўшади. Уч-тўрт қопни оёқ остига ётқизиб қўйганмиз. Ҳаво совуқ. Ҳаммаёқ қор. Эргаш Илдам менга қарашиб турибди. Бир маҳал олдимга телпакли йигит келди. Миршаб бўлиб миршаб эмас, бойвачча бўлиб бойвачча. Бошидаги телпагими, нимасидир Жиззахдаги темирйўлчи ўрисларга ўхшайди. Лекин ўзи ўзбек йигит. «Ота, сизга бир гапим бор», деди менга. «Майли, болам, гапинг бўлса айтақол», дедим. «Чеккага чиқайлик», деб мени нарироққа бошлади...

Уста Сафар сўзларкан, воқеадан хабардор бўлганлардан Ҳожисафо, Эргаш Илдам сингарилар жилмайиб ўтиришарди. Бошқаларнинг нигоҳи оқсоқолнинг оғзида.

— Мени нарироққа бошлаб борди-да: «Ота, юз-кўзингиз айтиб турибди, маъқул одамга ўхшайсиз. Менга бир яхшилик қилинг», деди. Мен унинг гапларига эриб кетдим. «Майли, болам, қўлимдан келадиган иш бўлса, бажонидил», дедим. Ўзимча: «Бу мендан пул сўрайди шекилли», деб ўйладим. Йўқ, тахминим тўғри чиқмади. «Менга пул ҳам, дон ҳам керак эмас,— деди у кўнглимдан кечганини сезгандек.— Ҳозир мана шу Бибихоним мачити тагида катта йиғин бўлади. Қози Исахон йиғилган халойиққа ваъз айтади. У жуда лўттибоз одам. Ўша эски оқпошшони қўмсаб юрибди. Чоржўйдан келган қозоқ ўрисларни қучоқ очиб кутиб олди. Бугун: «Ҳамма ёқда мусулмонобод бўлди!», деб жар солади. Мен панароқда туриб унга қарши сўз айтмоқчиман. Миршаблар, қозоқ ўрислар албатта изимга тушади. Мен бўлсам бозорга, каппонга ўтиб, ёнингизга келсам деб ўйловдим. Манави қопларингиздан бирини тайёрлаб турсангиз. Қопга кираману сиз оғзини танғиб қўясиз...» Гапнинг очиғи, юрагим дов бермади. Бироқ йигитга ваъда бериб қўйганман. Нима бўлса бўлар, дедим-да: «Майли, болам», деб розилик бердим. Мендан ваъдани олиб у кетди. Катта бир қопни танлаб бир чеккага олиб қўйдим. Одам лафзи билан қадрли. Бир бандаи мўмин сенга ишонса-ю, сен унга панд берсанг — инсонлигинг бир чақа... Бир пайт, ҳалиги йигит айтганидай, Бибихонимнинг атрофи одамга тўлиб кетди. Мен Эргашга ҳалиги йигитнинг гапларини айтиб бердим. Эргаш қизиқиб қолди-да, мени ташлаб Бибихоним томон югурди. Қани, у ерда бўлган гапни ўзинг айт, Илдам.

Даврадагилар пойгакроқда ўтирган Эргашга кўз ташладилар. Эргаш уларни кўп кутдирмай гап бошлади:

— Бибихонимнинг олдига тахтадан тизза баравар сўри ясалган экан. Ким билади, қози Исахон ўзини пошшо билиб, ўша тахтани тахт деб ўйлаганми? Мовут чакмон кийиб, бошига ироқи салла ўраган қози Исахон ҳам, Ҳодихон эшон, Баҳриддин оқсоқол деганлари ҳам бор экан. Бари ўша ерда. Қозининг бир ёнида қозоқ-ўрисларнинг каттаси Зайсип ҳам кекканиб, савлат тўкиб турибди.

— Зайсип эмас, Зайцев, оқ гвардиячи полковник,— дея тузатган бўлди Ҳожисафо.

— Ҳа, ўшанақа, гўрсўхтанинг отини айтишга тил ҳам келишмайди,— деб сўзида давом этди Эргаш Илдам.— Оломоннинг атрофида от минган қозоқ ўрислар ҳам юрибди. Бир маҳал қози Исахон йўталган киши бўлиб томоғини қириб олди-да: «Халойиқ! Аҳли мусулмон!— деб ваъз бошлади.— Яратган оллоҳнинг инояти билан мусулмонларга омад боз яна кулиб боқди. Зайсип тўра раҳнамолигида қозоқўрислар бизга мададга келдилар. Барчага маълум бўлғайки, Шўройи исломчилар яна ҳокимиятга келдилар. «Иттифоқ»чилар ҳокимияти тарқатиб юборилди. «Шўройи ислом»га ҳомийлик қилиб, мадад қўлини чўзган саркарда Зайсип тўра ҳамиша соғ-саломат бўлсинлар! Омин!..» Бировлар қози Исахонга қўшилиб «Омин», деди, бировлар серрайиб тураверди. Менинг ёнимдагилардан бири: «Ҳокимият ҳам отўйин бўп кетди, чархпалакдек айланади-я», деди. Яна биров: «Қози Исахоннинг ҳам бурди қолмади. Илгари Киринскага дуо қиларди. Энди битта зобитга шунча тилёғламалик», деди. Қози Исахон ваъзхонлик қилиб: «Энди «Шўройи ислом» халифаликдан то Чинмочингача бўлган ерларни ўз тасарруфига олғай», деб турган пайтда уста бобом билан каппонда гаплашган ҳалиги йигит одамлар орасидан чиқиб, баландроққа кўтарилди-да: «Ҳой, фирибгар қози! Бас қил! Аввалги марта бизни қул қилиб сотувдинг, энди яна кимларга сотмоқчисан?! Русияда ҳокимият Ленин бошлиқ большевиклар қўлига ўтган. Энди ҳамма жойда ҳокимият ишчи-деҳқонларники!», деди қичқириб. Шу сўзларни айтиб пастга тушдию оломоннинг орасига шўнғиб кетди. Миршаблар, от минган қозоқўрислар уни қидириб қолишди. Энди қолганини ўзингиз айтинг, уста бобо.

— Айтганини қилиб, келиб қолди ҳалиги йигит,— дея ҳикояни давом эттирди уста Сафар.— Катта қанор қопни очиб турдим. Келдию ўзини қопга урди. Қопнинг оғзини боғладим-да, очилмаган қоплар устига ётқиздим. Кейин оғзи очиқ қопдаги буғдойни қўлим билан шопириб-шопириб тураверди. Миршаблар ўша заҳоти из қувиб келишди. Ўнтачаси каппонни тити-пити қилиб юборди. «Ерга кирдими, осмонга учдими?», дейди миршаблар бир-бирига. Қозоқўрислар бўлса: «Интирисно! Интирисно!», деб қўяди. Ноилож қайтиб кетди ҳаммаси. Шундан кейин қози Исахоннинг йиғини ҳам патарат топди-ёв. Одамлар тезда тарқалиб кетишди. Хайрият, ёнимдаги бозорчилар сездириб қўйишмади. Энди ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Миршаблар кетди, бозор ҳам саявурлашди. Эргаш Илдам икковимиз донни сотиб бўлиб, қопларни бўшатдик. Энди нима қилишга ҳайронмиз. Қопларни тахлаган киши бўлиб энкайдимда: «Ҳой болам, сени қопдан чиқариб юборайми ё аравага ортиб Жиззахга олиб кетаверайми?», дедим. «Жиззахга эмас, Жомбойгача олиб боринг, ота», деди қоп ичидан йигит. «Майли, сен нима десанг — шу», дедим. Эргаш Илдам иккаламиз йигит тушган қопни бир амаллаб аравага ортдик. Сўнгра бўш қопларни ҳам аравага ташладик-да, йўлга тушдик... Хашдалага етай деганда қопнинг оғзини ечиб қўйдим. Йигит ўрнидан туриб, қаторимизга қўшилиб олди. Чойхонага тушиб, чойхўрлик қилдик, бир-биримиз билан танишиб, суҳбатлашдик. Эргаш икковимиз Булунғурга етиб олиш учун йўлга тушдик. Йигит кўпдан-кўп раҳматлар айтиб, биз билан хайрлашди. «Жомбойга пиёда ўтиб, шунақаси поезд билан кетаман. Тез орада учрашиб қолармиз», деди. «Шунчаки айтди-қўйди-да», деб ўйлаган эдик ўзимизча. Тағин бир кеча Булунғурда тунадик. Эртасига қишлоққа қайтаётсак, аҳвол бутунлай бошқача. Манави Илонўтди тепалигининг устида иккита соқчи турибди. Ҳайрон бўлдик. Яқинроқ келиб, Илонўтди йўлида юрган яна уч-тўрт одамга кўзимиз тушди. Ҳаммасининг елкасида милтиқ. Чап томонга қарасак, дарёнинг нариги бетида — Супатахт устида ўттиз-қирқ одам тик суҳбатлашиб турибди. Улардан орқароқда — разъездда тўхтаб турган поезд атрофида ҳам одамлар айланишиб юрибди. «Эргаш, қара-чи, сенинг кўзинг ўткирроқ, ҳаммасида қурол борми?», дедим. «Ҳа, ҳаммасида қурол бор», дейди Эргаш. «Нима гап, тинчликмикан?», деб сўрайман Эргашдан. «Мен қаёқдан билай?», дейди. «Яхши одамлармикан, ё..», деб сўрайман ундан. «Билмасам, ака», дейди у яна қадамини секинлатган отнинг сағрисига астагина қамчи уриб. Илонўтди тепалигига яқинлашиб, энди қишлоғимизга бурилаётганимизда иккита милтиқли киши қаршимиздан чиқиб, йўлдан тўхтатди. Биттаси ўрис, биттаси нўғай экан. «Кимсизлар, қаёқдан келяпсизлар?», деб сўради нўғай. «Самарқанддан», дедик. Бир-бирига қараб қўйди. «Ҳужжатингиз борми?», деди, «Йўқ», дедик. Бизда ҳужжат нима қилсин? Ана у ёққа борамиз, дегандай, разъезд тарафни кўрсатишди. Биз бўлсак, мана қишлоқ, деб ўзимизнинг сойни кўрсатдик. Улар кўнмагандек бўлиб турувди, нарироқда юрган икки йигит бизга яқинлашиб келаверди. «Оббо, худо урди энди, от-аравамиз билан разъездга судрайди, суриштираверіб энка-тинкамизни қуритади», деб ўйладим. Йўқ, хайрият, иш бошқача бўлди. Кейин келган иккита милтиқлининг бири кечагина мен қопга яширган йигит бўлиб чиқди, қаранг! Илжайиб келиб мен билан сўрашди. «Ҳа, ота, биз тарафларда нима қилиб юрибсиз?», дейди. «Бу жойлар сиз тараф эмас, биз тараф, ўғлим,— дедим дадилланиб. Агар танишим бўлмаса бундай гапни гўрда айтаманми!— Мана, бизнинг қишлоқ. Юринглар, меҳмон қилай. Шу ерга келар экансиз, бирга келаверсак ҳам бўларди-ку, ўғлим». «Шерикларимиз билан келишиб қўювдик, ота, улардан қолсам бўлмасди-да. Бу ерга кечаги поездда келдик». Кейин ёнидаги шерикларига ўгирилиб, ғужир-ғужир қилиб гаплашди. «Булардан хавотир олманглар, ўзимизнинг одамлар», деган бўлса керакда. Шерикларнинг ҳам чиройи очилди. Ҳалиги бизнинг таниш шерикларига яна бир нималар деди. Улар елкасини учириб: «Биз билмаймиз, ихтиёр ўзингда», дегандай бўлишди. Кейин танишимиз: «Ота, ҳозир сизникига бораман, уйингизни, қишлоғингизни кўриб келаман», деди. «Бош устига, ўғлим, сендай одам меникига борса, мен борма дейманми?» Аравага чиқди. Шериклари жилмайиб қўл силкиб қолишди... Мана шу меҳмонхонага кириб келдик. Қўни-қўшни чиқди. Ошнон, чой-сув дегандек. Дастурхон устида яна тузукроқ танишдик. «Хўш, болам, биз томонда нима қилиб юрибсизлар?— деб сўрадим ундан.— Ҳаммаёқни одам босиб кетибди-ку?» «Ота, кўзингизга шундай кўринган-дирмиз-да, аслида унчалик кўп эмасмиз. Ўша — кеча сиз кўрган қозоқ-ўрислару қози Исахонлар дастидан шу томонларда юрибмиз. Ўзингиз ҳам эшитгандирсиз, Самарқандда Шўролар юрт сўраётганига икки ойдан ошган. Қози Исахону бошқа шўройи исломчилар ин-инига кириб кетувди.. Қаёқдан ҳам манави оқ аскарлар келдию ишни чаппараста қилиб юборди. Шўрога қарши бўлганларга жон кириб қолди. Шўройи исломчилар билан қозоқўрислар тил бириктириб, аввал Жиззахни олмоқчи, кейин Қўқон тарафга ўтмоқчи экан. Буни биз ўз хабарчиларимиздан эшитдик», деди у. Ростдан ҳам улар жуда кўпчилик эмас, Самарқандда тузилган қизил отрядчилар бор-йўғи бир юз қирқ киши экан. Йигит ҳам шу қизил отрядда экан. Улар оз бўлсалар ҳам бу ерга қозоқ ўрисларнинг йўлини тўсишга чиқишган экан. Йигит жўралари билан яна бир-икки марта уйимизга келди, бақадри имкон кутиб олдик.— Уста Сафар бир оз индамай қолди. Ҳаммага бир-бир қараб чиқди.


— Ҳа, сўзлайверинг, ота, нега тўхтаб қолдингиз?— деди Ҳожисафо жилмайиб.

— Бўлди энди, қолганини удда қилолмайман,— деди кулиб уста Сафар.— Мулла Меливой, қопга яширинган ўша йигитнинг кимлигини сиз билан шеригингиздан бўлак ҳамма билади. Ўша йигит мана шу — сизни бу ерга эргаштириб келган Сафожон бўлади. Энди Сафожон менга шунчаки таниш эмас, тутинган ўғлим бўлиб қолди.

Меливой ака хиёл кулиб луқма ташлади:

— Ўзим ҳам шунақа бўлиб чиқса керак, деб тахмин қилувдим. Сизларга ҳавас қилса арзийди, уста бобо.

Даврадагиларнинг нигоҳи қишлоқча тўн кийиб, камтаргина бўлиб ўтирган Ҳожисафода эди.



— Энди, болам, қолган гапни ўзинг айтиб берақол. Ўшанда нима гаплар бўлувди?

Ҳожисафо бир муддат сукут сақлаб ўтирди. Сўнгра:

— Жабр-зулм ҳеч қачон ўрнини адолатга осонликча бўшатиб берган эмас,— деб сўз бошлади.— Хизматкорни ишлатиб бойиган хўжайин ҳеч маҳал, тенглик бўлсин, демайди. Бундай хайрли ишлар кураш билан, жанг билан бўлади. Адолат учун, тенглик учун қон тўкилади, қурбонлар берилади... Эрон фронтидан қайтаётган оқгвардиячи казаклар йўл-йўлакай Чоржўйга, Когонга қўниб, Советларга қарши иш кўриб келди. Охири бир қисми Самарқандга ҳам кириб келди. Улар икки ярим мингдан кўп эди. Бизнинг қизил отрядимизда эса — бир юз қирқ киши. Тошкентга шошилинч хабар юбордик. Йўл-йўриқ келди. Шунга биноан мана шу Темурланг қопқасига чекиндик. Казакларни Жиззах тарафга ўтказмаслигимиз керак эди. Мабодо улар Жиззахга ўтиб олса, у ёғи Қўқонга интиларди, мухториятчилар билан қўшилиб оларди... Казаклар ўшанда бизнинг изимиздан тушиб, Ростовцево[1] станциясигача келди. Кучимизни аниқлаш учун айғоқчилар юборди. Бари бир ишлари ўнгидан келмади. Мана шу ердан чиқиб Самарқандга юришда Қоронғул деган бир қишлоқ борми?

— Ҳа бор, Сангзорнинг нариги тарафида.

— Янглишмабман. Ўша қишлоқ атрофига эҳтиётдан пистирма қўювдик. Казаклар оқшомда жўнатган айғоқчиларни пистирмадагилар атайин ўтказиб юбориб, бизга хабар қилдилар. Айғоқчилар разъездга яқинлашганда кимдир устма-уст ўқ отади. Айғоқчилар қочиб қолади. Лекин пистирмадагилар бир ҳийла ишлатишган экан. Қоронғулнинг рўпарасидаги тоққа одам қўйиб, узун арқон тортишибди. Арқоннинг бир учини пастдаги толга боғлашибди. Казак айғоқчилари қочиб келаётганида тоғдагилар арқонни қаттиқ силтаб юборишади. Айғоқчиларнинг ҳаммаси отдан ағдарилади. Уч солдат, бир офицер ўлади — от устидан тошга қулаш ҳазил эмас-да. Тирик қолган бир солдатнинг гаплари бизникиларга жуда иш берди. Аслида казак солдатларнинг жанг қилишга унча хушлари йўқ экан. Жанг қилавериш жонларига тегибди. Ёнимизда қуролимиз турса-ю, юртимизга қайтсак яхши бўларди, деб ўзаро гаплашар эканлар.

— Ўша бояқишлар ҳам одам-ку ахир, уй-жойини соғинган-да,— деб луқма ташлади уста Сафар.— Ҳамма ҳам ота-онам, бола-чақам деб яшайди дунёда. Тўғрими, Сафожон?

— Албатта. Фақат казак офицерлари солдатларни жангга мажбур қилар эканлар. Буни билганимиз бизга кўп яхши бўлди. Катта-катта қоғозларга варақалар ёздик. Сўзлари аниқ эсимда: «Солдатлар! Ҳадеб жанг қилавериш жонингизга тегмадими? Офицерларингиз сизларни мажбуран ўлимга жўнатяпти-ку. Қуролларингизни топшириб, уй-уйларингизга тарқалиб кетсаларингиз бўлмайдими?» Варақаларни қандай тарқатиш ҳақида бош қотирдик. Охири бунинг ҳам йўли топилди. Ҳар бирига тўрттадан патир нон ўрадик-да, ўнта варақани отда, эшакда Оқтепа бозорига кетаётган қариялардан жўнатдик. «Албатта Булунғурдаги солдатларга етказинглар», дедик. Бу хизмат учун қарияларга олдиндан пул ҳам бермоқчи бўлдик. Лекин ҳеч ким пул олмади. Эшитишимизга кўра, варақаларимизнинг ҳаммаси казак солдатлари қўлига теккан.

— Шундан кейин қозоқ ўрислар қайтиб кетишдими?— деб сўради Меливой ака.

— Йўқ, бари бир жанг бўлди,— дея сўзида давом этди Ҳожисафо.— Казак офицерлар бизнинг: «Қуролларингизни ташлаб, уй-уйларингизга тарқалиб кетаверинглар», деган таклифимизни узлуксиз рад этаверишди. Ҳужумга ўтишдан икки-уч кун олдин бу ерда озгина одам қолдириб, Жиззах станциясига кетдик. Ҳаммамиз отишни, тактика машғулотларини ўргандик. Отрядимиз яқинда тузилган эди-да, отишни ҳам яхши билмайдиганлар бор эди орамизда. Иккинчи куни Тошкентдан Жиззахга ўртоқ Колесов келди. Йўлга чиқишимиздан олдин Жиззах станцияси ишчилари иштирокида катта митинг бўлди. Фёдор Колесов ўлкадаги аҳволни гапириб берди. Биз инқилоб учун ҳар қандай жангга тайёр эканлигимизни айтдик... Митингдан кейин отрядларимиз қайтадан тузилди. Батамом жанговар тартибда темир йўл бўйлаб Самарқандга йўл олдик. Разведкамиз Ростовцево станциясидан беш чақирим нарида душман разведкаси билан тўқнашди. Казакларнинг ҳали ҳам ўша станцияда эканини улардан билиб олдик. Ёйилиб олдинга силжишга буйруқ берилди. Узундан-узоқ ҳалқа бўлиб боравердик. Станцияга уч чақиримча қолганда казаклар тўплардан ўт очди. Мен ўртадаги отрядда — той пахта билан пана қилинган зирҳли поездда эдим. Станцияга яқинлашиб қолганимизда эса, пулемётлардан ўқ ёғдиришди. Душман турган жой жуда қулай эди. Улар баланд черковнинг энг устки қавати — қўнғироқхонасига пулемёт ўрнатган экан. Иван Дудкин деган ҳамроҳимиз ўша пулемётчини нишонга олди. Черков тепасидаги пулемётнинг овози ўчди. Дудкинни ҳаммамиз паровоз машинисти деб билардик. У ўткир мерган экан. Душман чекина бошлади. Шу пайт черков ичидан бир киши чиқиб, икки қўлини кўтарганча бизга қараб келаверди. Ҳамроҳларимиз ёнини тинтиб кўришди. Қуроли йўқ экан. Саволжавоб бўлди. Ўзи казаклар эшелонининг кондуктори экан, «Фамилиям Воробьев», деди. Айтишига қараганда, офицерлар казак солдатларни зўрлик билан ҳужумга солмоқчи бўлибди. Солдатлар эса вагондан чиқишмабди. Казак офицерлар: «Сизларни ҳарбий судга берамиз», деб уларга дағдаға қилибди. Солдатлар ҳам бўш келишмабди. «Ҳарбий судингиздан қўрқмаймиз, агар жуда зарур бўлса, ўзларингиз урушаверинглар», дейишибди. Шундан кейин бир юз йигирма офицер отларга миниб тоғларга қочиб кетибди. Рожков деган командиримиз ҳалиги Воробьевнинг гапини тинглаб турди-да: «Демак, нон ўраб берган варақаларимиз ҳам иш берибди», деди. Эшелонлар орқаси билан юриб, Самарқандга йўл олди. Биз бу ёқда қолдик. Михайлов, Суровцев, Петропольский деган учта ҳамроҳимиздан ажралган эдик. Казак солдатларидан ўнтача одам ўлган экан... Казаклар тушган эшелон кечқурун Самарқандга кириб борибди. Бу орада шошилинч чоралар кўрган Самарқанд ревкоми казакларни қуролсизлантирибди. Шундай қилиб, Самарқанд яна бир марта қози Исахон қўлидан озод бўлди...

Даврадагилар Ҳожисафонинг сўзларини диққат билан тинглардилар.

— Ота, фақат икковимиз гапиравериб буларни зериктириб қўймадикмикан?

— Йўғ-э, зерикканимиз йўқ. Бунақа гапларни сиздан эшитмасак, кимдан эшитамиз?

— Юрт учун шунча иш қилибсизлар, раҳмат сизларга!..

Меҳмонхонага кириб-чиқиб, хизмат қилиб турган Сатторжон:

— Ош тайёр бўлди, ота,— деди уста Сафарга.— Сузиб берсинларми?

Уста Сафар ўрнидан қўзғаларкан:

— Онангга айт, ҳозир кираман. Унгача сен дастшўй келтириб амакингларнинг қўлларини ювдир,— деди.

Меливой ака йигитга мурожаат қилди:

— Бағишлайсиз, Ҳожисафо, мен билмасдан сизни Ҳожимурод деб юрган эканман кечадан бери.

— Зарари йўқ, Меливой ака, Ҳожи десангиз ҳам, Сафо десангиз ҳам бўлаверади.

— Раҳмат, сиз билан танишганимиздан хурсандмиз. Бир нарса сўрасам, майлими?

— Майли, Меливой ака, сўранг.

— Сиз ҳозир Самарқандда турасизми?

— Ҳа.

— Нима иш қиласиз?

Ҳожисафо мийиғида кулиб қўйди:

— Жуда нозик савол бердингиз. Майли, айтай, ака, бу ерда бизга душман одам йўқ. Ўзим асли темир йўлчиман,— дея батафсилроқ сўзлади Ҳожисафо.— Бизнинг «Иттифоқ» ташкилотимиз бултур ёзда Самарқандда тузилувди. «Заҳматкашлар иттифоқи», дейиларди. Мусулмон меҳнаткашлар иттифоқи бўлиб қайта тузилди. Мен ҳам шу «Иттифоқ»нинг аъзосиман. Октябрь инқилобидан кейин кўп ўтмай бизнинг «Иттифоқ» ҳам большевиклар билан бирлашиб, Самарқандда ҳамма ишни ўз қўлига олди. Инқилобга қарши бўлган казакларга қарши жанг тафсилотини ҳозир эшитдиларинг... Бундан икки ойча аввал мени ўша «Иттифоқ»қа раис қилиб сайладилар. Эндиликда бизнинг «Иттифоқ» Самарқанд ишчидеҳқон Шўролари билан бутунлай бирикиб кетди.

Меливой ака ёнидаги ҳамроҳига секин қараб қўйди-да:

— Кўряпсизми, Бекмурод, худо бизни шундай мўътабар одам билан учраштирган экан,— деди.

— Жуда ошириб юборманг, Меливой ака,— деб кулди Ҳожисафо.— Агар кеча сизнинг чакмонингиз бўлмаганда, балки ҳозир ёнларингизда ўтирмасмидим...

Сатторжон бир қўлида дастшўй, иккинчи қўлида обтоба билан меҳмонларнинг қўлини ювдира бошлади. Уста Сафар иккита сопол лаганда ош олиб кирди.

Совға

ОШДАН кейин суҳбат давом этди.

— Хўш, Сафожон ўғлим, Тошкентга нима иш билан борувдинг? Бизга қандай хабарлар олиб келдинг?

— Хушхабар олиб келдим, ота.

— Хайрият. Қани, эшитайлик.

Даврада жонланиш сезилди. Кимдир ўрнидан қўзғалиб қўйди, кимдир томоқ қириб, Ҳожисафога кўз тикди.

— Ишларимиз жуда кўпайиб кетди, ота. Хушхабарни айтиш учун гапни бошидан бошлашим керак. Бундан йигирма кунча аввал —10 апрелда Самарқандда Шўроларнинг вилоят қурултойи бўлган эди. Қурултой деганимиз — катта мажлис. Туркистон ўлка Шўроларининг Тошкентда бўладиган бешинчи қурултойига вакиллар сайладик. Тўққиз киши сайланди. Мен ҳам вакиллар рўйхатига кирдим. Сулаймонқул Остонбоев, Мирза Назирқул Каримбоевлар ҳам бор.

— Худо омадларингни берсин, ўғлим,— деб қўйди уста Сафар.

— Шундай қилиб, қурултой очилишидан икки кун аввал Тошкентга етиб бордик. Меҳмонхонага тушдик. Туркистон ўлка Шўроларининг бешинчи қурултойи Тошкентдаги Ҳурият уйида бўлди. Қурултойни ўртоқ Кобозев очди. Пётр Алексеевич Кобозевни ўртоқ Ленин юборган. Россия Шўролар ҳукуматининг Туркистон ишлари бўйича фавқулодда комиссари бўлиб келган. Москвадан яна иккита мўътабар киши келган экан. Бири — Йўлчи Иброҳимов, иккинчиси — Аҳмаджон Клеблеев.

— Масковдан дейсанми, ўғлим?

— Ҳа, Москвадан. Миллатлар халқ комиссарлигининг вакиллари.

— Отига қараганда мусулмонга ўхшайди-ку?

— Большевиклар дин, миллат ажратмайдилар, ота. Йўлчи Иброҳимов ўзимизнинг юртдан. Аҳмаджон Клеблеев асли татар бўлса керак. Салобатли, босиқ одамлар экан.

— Албатта-да, ўғлим, фазилати бўлмаса Москвагача борармиди?

— Шундай қилиб, десангиз, Кобозев ўртоқ Ленинниинг Россиядаги бошқа миллатларнинг тақдири ҳақидаги таълимотини гапириб берди.

— Ленин нима деган экан, ўғлим?

— Ҳар бир халқ ўз тилида ўқисин, авлод-аждодларини қадрласин, ўз тарихини яратсин, деган ўртоқ Ленин.

— Инсонларнинг инсони экан-да ўзи ҳам! Бундан ҳам зукко гап бўладими? Яна нима гаплар бўлди қурултойда, ўғлим?

— Э, ҳали гап кўп, ота. Қурултойимиз ўн кун давом этди.

— Шунақа дегин?

— Ҳа, ўн кун! Ўртоқ Кобозевдан кейин шу ерли миллатлар номидан Собиржон Юсупов гапирди. Қурултойни табриклади. У Москвадан келган вакилларга, рус ишчиларига қараб: «Биз сизлардан ўрганаверамиз, сизлар кўрсатган йўлдан борамиз. Рус пролетариати мусулмон пролетариатининг асл дўсти эканини эндиликда мусулмонлар тушуниб олдилар», деди.

— Ўзбекчалаб айтдими?

— Ҳа, ўзбекча гапирди. Лекин қурултойнинг йўлига қарши гапирувчилар ҳам бўлди.

— Ия нима деди улар?

— Туркистон Россиядан ажралиб чиқсин, ўзи алоҳида бўлсин, дейдида ғаламислар. Айрилиб, кичкина давлат бўлиб яшаш осон дейсизми?

— Тўғри айтасан, ўғлим, айрилганни бўри ер, дейдилар.

— Қурултойнинг учинчи куни Лениндан табрик телеграммаси келди...— Ҳожисафо кўкрак чўнтагидан букланган бир қоғоз олди.— Ўзбекчасини кўчириб олувдим, сизларга ўқиб берсам.

— Ўқи, ўғлим. Яхшини кўрмоқ — савоб, дейдилар. Яхшининг сўзини тингламоқ ҳам савоб-да.

Ҳожисафо телеграммани ўқиб берди:

— «Ўртоқлар, Халқ Комиссарлари Совети ўлкангизнинг Шўролар асосида мухторият бўлишини қўллаб-қувватлайди, бунга шубҳаланмасаларингиз ҳам бўлади. Сизларнинг ташаббусингизни табриклаймиз ва шунга қаттиқ ишонамизки, сизлар бутун ўлкада Шўроларнинг кенг тармоғини вужудга келтирасизлар, мавжуд бўлган Шўролар билан баҳамжиҳатликда иш тутасизлар... Қурултойингизни табриклаш билан биз шунга ишонамизки, сизлар тарих томонидан қурултойга юкланган вазифаларни шараф билан амалга оширасизлар». Мана шу телеграмма ўқиб берилганда,— деди Ҳожисафо қўлидаги қоғозни буклаб ёнига соларкан,— залда чапак бўлиб кетди. Шундан кейин қурултойимизнинг йўлига қарши чиқадиганлар ҳам камайиб қолди... Ҳаммаёқдан келган делегацияларнинг вакиллари сўзладилар. Мен ҳам Самарқанд вилояти меҳнаткашларининг кайфиятини гапириб бердим.


— Кўп яхши бўлибди-да, ўғлим.

— Ўттизинчи апрель куни, яъни, аввалги куни РСФСР составида Туркистон Мухтор Шўролар Жумҳурияти тузилгани эълон қилинди. Бу билан ўртоқ Лениннинг кўрсатмалари амалга оширилди. Бухоро билан Хевадан бошқа ҳамма жойлар жумҳуриятга қарайдиган бўлди. Ўша куни Йўлчи Иброҳимов билан Аҳмаджон Клеблеев яна навбатма-навбат сўзга чиқдилар. Улар Москвада туриб ҳам юртимиздаги аҳволни кафтдагидек

[1] Красногвардейск станциясининг илгариги номи.

АЗИЗ СИЙМО

КИНО



В. Никандров «Октябрь» фильмида В. И. Ленин ролида.
(Архив материалларидан.)

1927 йилнинг эрта кўклами. Москвадаги гавжум кўчаларнинг биридан Сократдек кенг пешанасига нимдошгина кепкасини бостириб, қўлларини енгил қора пальтосининг чўнтагига суққанча ўрта бўйли бир киши ўйчан ўтиб борарди. Одамлар у билан беихтиёр саломлашар, бир оз юргач, орқаларига қайрилиб, ҳайратомуз қараб қўяр эдилар. Баъзи синчковроқ йўловчилар эса унга яқинроқ бориб, диққат билан разм солар эдилар. Чунки бу одам доҳий Ленинга шу қадар ўхшардики, ҳамма ҳайрон қоларди. Маълум бўлишича, бу киши уралик оддий ишчи Василий Николаевич Никандров экан. Бўй-басти, нуроний қиёфаси ҳаммага таниш ва қадрдон улуғ доҳийга ғоят монанд В. Никандров бадиий кинематографияда Владимир Ильич Ленин образининг биринчи ижрочиси қилиб танланган эди. Саҳна ва экран санъати «сир»ларидан бехабар оддий бир ишчининг бундай шарафли ва масъулиятли ижодий ишга жалб этилишининг ўзига хос тарихи бор.

1927 йилнинг январь ойида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 10 йиллиги байрами арафасида Михаил Иванович Калинин атоқли кинорежиссёрлар — Сергей Михайлович Эйзенштейн ва Григорий Васильевич Александровга юбилей муносабати билан жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳақида фильм яратишни таклиф қилади. Фильмда доҳийнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунларидаги жўшқин инқилобий фаолияти бадиий ифодаланиши лозим эди. Совет киносининг бу икки арбоби таклифни мамнуният билан қабул этадилар.

Шу тариқа 1927 йилнинг бошидан фильмни суратга олишга қизғин тайёргарлик бошлаб юборилади. Жаҳон кинематографияси тарихида биринчи марта эрксевар инсониятнинг буюк доҳийси В. И. Ленинниинг бадиий образини яратишга киришилган эди. Шу муносабат билан бу азиз сиймони экранда талқин этиш борасида қизғин мунозаралар, турли-туман таклиф ва фикрлар пайдо бўлди. Овозли кино санъати ҳали шаклланмаган, кучли, мураккаб ва улуғвор инсоний характерларни яратиш борасида муайян тажриба орттирилмаган бир шароитда Ленин сиймосини экранда бадиий акс эттириш санъаткорлардан катта ижодий жасорат ва новаторликни талаб этарди. Фильм ижодкорлари вазифага зўр масъулият билан ёндашдилар. Минглаб архив материаллари, тарихий ҳужжатлар, Октябрь кунларидаги сиёсий вазият, доҳий ҳаётлигида суратга олинган хроника кадрлари, фотоҳужжатлар синчиклаб ўрганилди. Ленин билан бирга ишлаш бахтига мушарраф бўлган доҳий сафдошларининг ҳаяжонли хотиралари, қариндош-уруғларининг эсдаликлари фильм ижодкорлари учун айниқса қўл келди.

Вазифанинг мушкул жиҳатларидан бири доҳий сиймосини экранда моҳирона акс эттира оладиган истеъдод соҳибини топиш муаммоси эди. Ўша йилларда санъатнинг навқирон тури — кинематография ишига фаол қатнашган, унга катта қизиқиш ва умид билан қараган машҳур шоир, рассом, сценарийнавис ва киноактёр Владимир Маяковский бу буюк образни қандайдир бир актёрнинг тақлидона ижро этишига қарши эди. Ана шунда доҳийнинг умр йўлдоши ва яқин сафдоши Надежда Константиновна Крупская ва синглиси Мария Ильинична Ульянова фильм ижодкорларига қимматли маслаҳатлар бердилар. Улар бўй-басти, ташқи қиёфаси Ленинга монанд бир кишини топиб роль ижросига таклиф қилишни тавсия этдилар. Улуғ йўлбошчининг оддий меҳнаткашларга ғоят яқинлигини назарда тутган Надежда Константиновна: «Бундай киши мабодо ишчилар орасидан топилса, яна ҳам яхши бўларди», деган эди. Бундай йўл тутилганда Ильич ҳаётлигида суратга олинган хроник лавҳаларни кинокартинанинг умумий сюжет чизиғига боғланган ҳолда монтаж қилиш, доҳий образини воқеалар оқимига сингдириб юбориш мумкин бўлар эди.

Фильмни суратга олиш учун тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилган, оммавий саҳналар учун тарихий жойлар танланиб бўлинган бир пайтда ташқи қиёфаси ва қадди-қомати Ленинга ўхшаб кетадиган ишчини қаердан излаб топиш мумкин? Фильм авторлари бир қанча йирик корхоналарда бўлиб, минглаб ишчилар билан учрашдилар.

Ана шундай кунларнинг бирида Новороссийск шаҳрида «Оқлар қўлида асирликда туриб» янги тарихий-революцион бадиий фильмини суратга олаётган кинорежиссёр Б. Чайковскийдан «Дарҳол етиб келинглар, Ленин роли учун ишчи Никандровни топдим», деган мазмунда телеграмма келиб қолади. Шу тариқа бадиий кинематография тарихида биринчи марта доҳий ролига муносиб ижрочи топилган эди.

В. И. Ленинниинг ўзига хос феълатвори, хатти-ҳаракатлари, мураккаб, айни пайтда содда характерини ижодий талқин этиш оддий ишчи учун осон эмас эди, албатта. Кейинчалик Никандров Ленинградда чиқадиган «Металлист» журналида босилган мақоласида бу мушкул вазифани адо этиш йўлидаги қийинчиликларни қандай бартараф этганини эслаб қуйидагича ёзган эди: «Менинг асосий вазифам — Ильичга бўлган туғма ўхшашлигимни муайян даражада ижрочилик билан тўлдиришдан иборат эди. Аммо мен буни қандай қилиб эплай оламан? Мендек оддий бир ишчига бу вазифани уддалай олиш жуда қийин эди. Аммо ўзимнинг артист эмас, балки ишчи синфининг вакили эканлигим кўнглимга бирмунча тасалли берар, меҳнаткашларга яқин ва қадрдон бўлган доҳий сиймосида кўринишга ундар эди».

Вақт зиқ, кунлар эса ўтиб борар эди. Никандров доҳий образини гавдалантириш учун сабр-чидам билан тайёрланди, архив материаллари, эсдаликларни ўрганди, Ленинниинг сафдошлари билан қайта-қайта суҳбатлашди. У Москвада биринчи Пролеткульт ишчи театрининг артисти бўлган ўғли Павел Никандровнинг уйида истиқомат қилар, кундузлар Ленин номи билан боғлиқ тарихий жойларда, Кремлдаги доҳий кабинетида бўлар, кечқурунлар эса алламаҳалгача ўғли Павел билан актёрлик маҳоратининг сирлари тўғрисида суҳбатлашиб, йўл-йўриқлар олар эди. Надежда Константиновна Крупская унга айниқса қимматли маслаҳатлар берарди. Ниҳоят, режиссёрлар Василий Никандровнинг тайёргарлигидан бир қадар қаноат ҳосил этгач, 1927 йилнинг апрель ойида Ленинград шаҳрида «Октябрь» бадиий фильмининг Владимир Ильич Ленин билан боғлиқ бўлган эпизодларини суратга олиш бошланди. Фильм ижодкорлари сафида кейинчалик совет киноленинномасининг беназир вакилларидан бири бўлиб етишган Максим Максимович Штраух ҳам бор эди. Шу фильмда режиссёр ассистенти бўлган Штраух актёрлар билан, айниқса, Никандров билан бевосита ишлаш жараёнида доҳий характерини гавдалантириш борасидаги дастлабки ижодий кўникмаларни ҳосил қилган эди. «Октябрь» бадиий фильми гримсиз ва декорациясиз, В. И. Ленин яшаган ва ишлаган тарихий жойларда суратга олинди. Совет киносининг атоқли арбоби Эйзенштейн революция кунлари жўшқин лавҳаларининг жонли ва жозибали руҳини тиклаш учун оддий бўлиб кўринган деталларни ҳам назардан четда қолдирмади. Фильмни суратга олиш тўрт ой мобайнида тугалланди.

Картинани томошабинлар қизғин кутиб олдилар. Фильмда 1917 йилнинг буюк революцион воқеалари — Петроград ва фронтдаги кучли намойишлар, июль намойиши қатнашчиларининг ўққа тутилиши, қуролли қўзғолонга тайёргарлик, Советларнинг II съезди, Қишки саройга ҳужум каби жанговар кинолавҳалар санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Фильмда Ленин ролида Никандров пайдо бўлганда минглаб томошабинлар ўринларидан туриб қизғин қарсак чалар эдилар.

Шу тариқа Эйзенштейннинг «Октябрь» бадиий фильми билан совет киноленинномасига пойдевор қўйилди. Бу фильм совет кино санъатининг ноёб дурдонаси сифатида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги муносабати билан 1967 йили атоқли композитор Дмитрий Шостакович басталаган музика ёрдамида овозлаштирилиб, қайтадан экранларга йўл олди. Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, фильм мамлакатимиздагина эмас, жаҳон экранларида ҳам муваффақиятли намойиш қилиниб, совет киноленинномасига катта шуҳрат келтирди.

Эндиликда кўп миллатли совет кинематография ва театр санъати В. И. Ленин образини яратиш соҳасида бой тажрибага эгадир. Борис Шчукин, Максим Штраух, Павел Молчанов, Николай Плотников, Борис Смирнов, Михаил Кондратьев, Владимир Честноков, Юрий Каюров, Михаил Кузнецов, Кирилл Лавров, Михаил Ульянов, Родион Нахапетов сингари ажойиб санъаткорлар улуғ йўлбошчимизнинг бой ва беқиёс образини гавдалантириб бериш борасида зўр маҳорат кўрсатдилар. Ана шу улкан актёрларнинг ҳаётбахш таъсиридан илҳомланган Шукур Бурҳонов, Саъди Табибуллаев, Зикир Муҳаммаджонов, Обид Толипов сингари атоқли санъаткорларимиз ҳам республикамиз театрлари саҳнасида доҳий образини яратиб, бу муқаддас мавзу тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

Кинематографияда илк бор улуғ Владимир Ильич Ленинниинг табаррук қиёфасида намоён бўлган Василий Никандров асли Ярославлда туғилган бўлиб, кейинчалик Петрограддаги Путилов заводида ишлаган, сўнгра оиласи билан Уралга кўчиб бориб, у ерда революцион комитетнинг ташкилотчиларидан бири сифатида инқилобий ҳаракатларда фаол иштирок этган оддий меҳнаткаш эди. «Октябрь» фильмидаги ролидан сўнг у режиссёр И. Платонов томонидан Малий театрда саҳналаштирилган «1917 йил» спектаклида уч ой давомида узлуксиз В. И. Ленин тимсолида намоён бўлади. У ҳар сафар саҳнага чиққанида томошабинлар гулдурос қарсаклар билан қарши олар эдилар. Василий Никандров, шунингдек, «Улуғ йўл», «Москва Октябрь кунларида» бадиий фильмларида ҳам В. И. Ленин образини гавдалантириб, улуғ доҳийга бўлган чексиз меҳр ва эътиқоди туфайли совет киноленинномасининг вужудга келишига муносиб ҳисса қўшди.

Саид ХЎЖАЕВ,
санъатшунослик кандидати

кўриб турар эканлар. Қаерда нималар бўлаётганини айтиб бердилар. Мухтор жумҳурият вазифаларини ҳам тушунтирдилар. «Жумҳурият тузилди. Асосий ишларимиз энди бошланади. Аламзада душман ҳам жим ётмайди. Ҳаммамиз ҳушёр бўлайлик!», деди Йўлчи Иброҳимов. Яхши нотиқ экан. Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бирдай сўзлайди, ишонсаларингиз.

— Не-не ажойиб одамлар бор-а дунёда,— деди уста Сафар.— Кўп яхши иш бўлибди-да. Меҳнаткашга нима керак? Тинчлик керак, бетаҳлика, бедағдаға кун керак. Меҳнат қилишга ер билан сув керак. Тўғрими, мулла Меливой?

— Тўғри айтдингиз, уста бобо.

— Қурултой тамом бўлган куни туш пайти Йўлчи Иброҳимов билан Аҳмаджон Клеблеев айрим кишиларни бир хонага чақирдилар. Шулар ичида мен ҳам бор эдим. Иброҳимов билан Клеблеев улуғ Ленинниинг салом-табригига қўшиб яхши бир совға ҳам олиб келган эканлар.

— Қанақа совға экан, ўғлим?

— Ҳозир кўрасизлар.

— Ия, сенга ҳам бердими совғадан?

— Ҳа, ота. Фақат менга эмас, ҳаммамизга беришди. Бебаҳо совға. Сатторжон!

— Лаббай!

— Ҳовлига кириб хуржунимни олиб чиқинг. Отамнинг хоналарида турибди.

Даврада ҳамма жим эди. Уста Сафарнинг ўғли хуржунни олиб келгунига қадар уч-тўрт дақиқа кечди. Шунгача ҳеч ким чурқ этмади. Ҳожисафо хуржунни олдига олиб, ичидан бир қути чиқарди. Қути ингичка-йўғон иплар билан танғиб боғланган эди. Ҳожисафо уни ечиб қутини очаркан, даврадагилар ундан кўз олмай турар эдилар. Йигит айтган совға ҳақида ҳар ким ҳар хил ўйларди. Биров ўзича: «Ҳожисафо олтин-кумуш олиб келган чоғи», деса, бошқа биров: «Қимматбаҳо шоҳи-шолпар келтиргандир», деб хаёл қиларди. «Янги чиққан пулдан бир қути олиб келган бўлса-я», деган гап учинчи бир кимсанинг фикридан кечарди.

Ҳожисафо ипларни бир чеккага йиғиштириб қўйди-да, қути ичидан кийимларини оларкан:

— Хайрият ёмғир ўтмабди,— деди.— Олиб келаётган совғам намиқиб қолмадимикан, деб кечадан бери хавотирда эдим...— Йигит гапиратуриб қутига тахлаб қўйилган қалин қоғозлардан бирини чиқарди-да, баланд кўтарди:— Мана, мен келтирган совға, ўртоқ Ленининг сурати!

Даврадагилар «Донолар доноси» деб ном чиқарган инсоннинг сиймоси акс эттирилган қоғозга ҳайрат билан тикилдилар, сўнгра бир-бирларига караб олдилар. Зум ўтмай, чеҳраларга табассум югурди.

— Қани, бу ёққа бер-чи, ўғлим,— дея қўл узатди уста Сафар.— Барака топ-э, болам, кўп яша. Сени менга йўлиқтирган худодан айланай.— Уста Сафар суратга — бошини хиёл эгиб, нимтабассум билан турган сиймога узоқ тикилди, кулимсиради.

— ...Хайрият, ўзини кўрмасак ҳам суратини кўрдик. Мана, сизлар ҳам кўринглар.

Сурат даврада қўлма-қўл ўтди. Ҳар бир киши уни авайлаб қўлига олар, улуғ инсон чеҳраси тасвирига меҳр билан боқар, аллақандай қониқиш билан ёнида ўтирган кишига узатар эди. Сурат яна Ҳожисафога қайтиб келди.

— Уч-тўрт нусхасини Чинозда қолдирдим,— деди Ҳожисафо.— Идораларга қўйилади. Ўнтача нусхани Самарқандга олиб кетяпман. Мана бу битта суратни, ота, совға сифатида сизга топшираман. Ўзингиз устасиз, ром ясайсиз шунга яраша. Ромга ойна солиб, кейин суратни жойлаб қўясиз. Сўнг деворга осиб қўйсангиз, келган-кетганлар кўриб баҳраманд бўлади.

— Бунисидан хотиржам бўл, ўғлим. Бу ишни айтганингдай қилиб бажарамиз. Раҳмат сенга! Мени, қишлоғимиздаги мана шу қора кўзларни эслаб кирдинг, бу совғани топширдинг — бошимиз осмонга етди. Айтганинг рост экан, бебаҳо совға олиб келибсан бизга. Олтину зарга кўмиб юборганингда ҳам бунчалик қувонмасдик. Тўғрими, мулла Меливой?

— Тўғри айтасиз, уста бобо. Кеча: «Отамга совға олиб кетяпман», деганларида, бунақа совғалиги хаёлимга ҳам келмаган экан. Хўш, Ҳожисафо ука, бир кўрган — билиш, икки кўрган — таниш, деган гап бор,— дея гапини давом эттирди Меливой ака.— Биз энди бир марта кўришдик. Лекин мен сизни ўзимнинг қадрдонимдай билиб ўтирибман. Аввало, у ёқ-бу ёққа ўтган-қайтганингизда бизнинг қишлоқларга ҳам тушиб, кулбамизга қўниб ўтсангиз. Кейин, хўш, шу, нима десам экан... Уста бобомга берганингиз суратдан бирортасини бизга ҳам совға қилсангиз бўлмасмикан, Ҳожисафо?

— Жуда нозик жойдан тутдингиз, Меливой ака,— дея Ҳожисафо кулиб қўйди.— Жиззах — кичкина жой эмас, Самарқанднинг укаси. Сиз — Жиззахнинг вакилисиз, меҳнаткаш одамсиз. Устозимизнинг суратларидан сизга ҳам бир нусха совға қиламиз.— Ҳожисафо қутидаги суратдан яна биттасини олди.— Лекин ҳозирча буни ҳам отамга топширсак. Буни ҳам ромга солиб, ойналаб қўйсалар. Янаги келишингиздами ёки алоҳида келибми, олиб кетсангиз. Бўладими?

— Бўлади. Раҳмат, барака топинг, ука.

— Баҳонада отам билан, мана булар билан яна ҳам яқиндан танишасизлар. Шоядки, қадрдон, қимматдон бўлиб кетарсизлар.

— Раҳмат, барака топинг, Ҳожисафо. Бу суратни фақат Бекмурод билан икковимиз эмас, бутун Равонлик, Тоқчилиқ қишлоқлари, бутун Жиззах кўзига суртади... Ҳали ўзингиз айтганингиздай, уста бобом буни ҳам ромга солиб берсалар...

— Жоним билан. Шу бугун киришаман бу ишга.

— Энди менга жавоб берсаларингиз, азизлар. Тезроқ йўлга тушай. Қиладиган ишларимиз кўп... Ҳа, дарвоқе, сизга яна бир гап бор эди, ота. Фақат сизга эмас, бу ердагиларнинг ҳаммасига. Мен Меливой акам билан Бекмурод акамни илтимос қилиб бу ергача олиб келдим. Менга ҳамроҳ бўлиб келишди. Энди бир ўтинчим бор. Булар дон қидириб Гавранкага боришган экан. У ерда ишлари барор олмабди. Қуруқ қайтаётганларини авзойларидан пайқадим. Ўзларингиздан қолар гап йўқ. Бу ердан ҳам қуруқ қайтсалар чатоқ бўлар.

Уста Сафар ҳамқишлоқларига кўз қирини ташлади. Қишлоқ оқсоқоли уларнинг чеҳраларидан «Сиз нима десангиз шу-да», деган маънони уқди.

— Ҳукумат ҳам қараб турмайди, Меливой ака,— деди Ҳожисафо ишонч билан.— Имкони борича чорасини кўради. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ишига ўртоқ Ленининг ўзи киришган...

— Сизларни ҳам хижолатга қўйдик-да, уста бобо,— деди шу пайтгача сўз қотмай ўтирган Бекмурод.

— Йўғ-э, иним, шундай пайтда бир-биримизга қўл чўзмасак бўладими? Ахир одаммиз деб бош кўтариб юрибмиз-ку!

Ҳаммалари ташқарига чиқдилар. Қишлоқ устида қуёш чарақлаб турар, қир ва адирларни майингина яшиллик қоплаган эди. Бўғотларда фотмачумчуқлар учиб-қўниб юрар, Каттақир тарафдан қўй-қўзиларнинг маъраши, юқоридан сўфитўрғайларнинг чўлдирагани эшитилар эди.

* * *

Қайроқчибулоқ қишлоғидан йўлга чиққан Меливой ака билан Бекмурод от устида индамай боришарди. Иккаласи ҳам хушнуд кайфиятда. Илонўтди тепалигидан ошиб, кичик қирга кўтарилаётганларида:

— Сафаримиз қизиқ бўлди, а, Меливой ака?— деди Бекмурод.

— Ҳа, қизиқ бўлди,— деди Меливой ака. Сўнгра яна анчагача индамай кетдилар. Кичикқирдан ошиб, пастга энаётганларида Меливой ака сўзини давом эттирди:— Дунёда нене одамлар бор-а, Бекмурод. Шундай одамларни кўрганингда фақат ўзингни ўйлаб кун кечираётганингдан уялиб кетасан. Дунёни яхшилайман, деб, одамларнинг ғамини еб яшаётган одамлар-да булар. Жонини гаровга қўйиб яшаяпти... Биз бўлсак, анавиниси унақамикан, манавиниси бунақамикан, деб ҳалигача бир тўхтамга келолмай гарангмиз.

— Мен бир тўхтамга келдим,— дея шошиб жавоб берди Бекмурод.

— Сезиб келяпман, ука.

— Йигитда ҳикмат кўп экан, ака. Сирли одам бўлиб кўринувди. Ростдан ҳам сир кўп экан унда.

— Дарвешнамо бўлиб юриши ҳалиги бебаҳо суратни асраш учун экан-да, сездингизми?

— Ҳа, ҳа. Бу қишлоққа яна қачон келамиз, ака?

— Сиз ҳам келасизми, Бекмурод?

— Қарзимизни узмаймизми? Ғаллани қайтармаймизми?

— Қарзимизни узамиз. Унгача ҳали анча вақт бор. Лекин мен эрта ё индин бир келиб кетаман.

— Нима учун?

— Суратни олиб кетаман,— деди Меливой ака аллақандай ғурур билан.— Лениннинг суратини! Уста Сафар ромга солиб қўяди.

— Мен ҳам сиз билан бирга келаман, ака. Айтдингиз-ку, сурат бутун қишлоқники бўлади, деб. Мени ҳам ҳамроҳ қилиб оласиз, хўпми?

— Хўп,— деди Меливой ака.

Ҳамроҳлар Жиззахни ўраб олган қирга кўтарила бошладилар. Баҳор қуёши елкаларини қиздирарди.

Тошкент — Жиззах
1979 йил



ФАРҲОД ойисининг қатта шол рўмолига ўранганча дераза рафида кўчани томоша қилиб ўтирибди. Ташқарида ёмғир ёғмоқда. Бекатдаги зонтик тутган одамлар троллейбус кутиб туришибди. Яланғоч дарахтларнинг шохлари ёмғирдан ғамгин силкинади.

Фарҳод хўрсиниб қўйди. Томоғи шамоллаб қолиб, бир ҳафтадан бери ўқишга боролмаётибди. Кеча яна врач кўрди-да, душанбадан мактабга боришига рухсат берди. Унга ҳали анча бор — бугун ҳали жума, холос. У пастга тушиб, рафдан тахта қути билан каттакон қўнғир айиқчасини олди-да, диванга бориб чўзилди. Бу пахмоқ айиқполвонни ойиси икки йил аввал, туғилган кунида совға қилган эди. Шундан бир ҳафта ўтмай ойиси оғриб қолди-да, уни касалхонага олиб кетишди, ўша-ўша қайтмади.

Бола айиқчасини бир четга қўйиб, қутини олдига сурди. Унда онасининг тўғноғичлари, сирғалари, атирдан бўшаган шишаларини сақларди. Қизил қоғоз ёпиштирилган япасқи шиша — «Қизил Москва», сал қалинроғи — «Лолақизғалдоқ». Фарҳод буларни аҳён-аҳёнда ҳидлаб қўяр, улардан онасининг ҳиди келар эди. Мана бу қизғиш кўзли тўғноғични ойиси меҳмондорчиликка борадиган бўлса очик кулранг кўйлагига тақарди. Мана бу кумуш сирғани эса ишга тақиб борарди.

Ойисининг вафотидан кейин дадаси ўзгариб қолди. Кўзлари киртайиб, озиб кетди, тишининг оқини кўрсатмайди, гапиргиси келмайди. Гоҳо Фарҳоднинг ёнига келиб ўтиради-да, шуларга ўйчан тикилиб, унинг бошини силаб, шивирлайди: «Шундай ойингдан ажралиб қолдинг-а, ўғлим... У бизни қандай ардоқлардики...»

Дам олиш кунлари дадаси: «Юр, ўғлим, ойингни йўқлаб келайлик. У гулни яхши кўрарди», дейди-да, Фарҳодни етаклаб чиқиб кетади.

Ойиси гулни чиндан ҳам яхши кўрар, яхши кўрганда ҳам антиқа яхши кўрар эди. Дадаси гулдаста олиб келгудек бўлса, юзига босарди-да, ўйин тушгандек хонани айланарди. Кейин креслога ўтириб, жилмайганча маҳлиё бўлиб гапирарди: «Чиройлилигини қара, чиройлилигини!..» Шундан кейин ойиси гулдастани столдаги биллур гулдонга солиб қўяр, хонани гул атри тутиб кетар эди.

Бола нарсаларини қутига сола бошлади. Бирдан таниш ҳуштак эшитилди. Фарҳод дивандан сакраб тушиб, айвонга югурди. Ҳовлидаги қўни-қўшни амакилар домино ўйнайдиган шийпончада синфдоши Наримон турарди.

— Яхшимисан, Фарҳод?

— Салом.

— Мактабга қачон борасан?

— Душанба куни... Бу ёққа кирмайсанми?

— Вақтим зиқ, уйга эртароқ боришим керак. Ойим тайинлаган эди.

Фарҳод бош ирғаб қўйди.

— Ҳа, эсимдан чиқай дебди, бизга янги муаллима келди.

— Нима учун?

— Хадича Шокировна касал бўлиб қолди... Қари-да... Хўп, мен кетдим.

Фарҳод қайтиб кириб яна диванга чўзилди-да, айиқчасини бағрига босганча ухлаб қолди. У бир маромда нафас олар, лаблари учиб-учиб қўяр, жилмаяр, чамаси, ойисини туш кўрмоқда эди.

* * *

Фарҳод йўлкада ошиққанча мактабга кетмоқда. Унинг ўқишлари чакки эмас, расмдан бошқа барча дарслардан баҳолари яхши эди. Шунча кундан бери синфи билан ўртоқларини жуда соғиниб қолди. Қолаверса, мулойим, меҳрибон Хадича Шокировнанинг ўрнига келган янги муаллимани тезроқ кўргиси келарди.

У ойнаванд эшикни очиб, зинапоядан иккинчи қаватга югуриб чиқди. Мана — қадрдон синфи. Уни синфбошилари — шўх, хушчақчақ Гавҳар билан синфдошлари ўраб олишди. Улардан ҳар бири муаллима ҳақида билганларини гапириб берарди. Ўртоқларининг айтишларига қараганда, муаллима ёш, сочини турмаклаган, калта кўйлак кийиб юрар экан, оти Раъно Исмоиловна экан.

— Биласанми,— деб шивирлади ёнида турган Наримон,— акам уни кўриши билан бошини сарак-сарак қилиб қўйди... «Антиқа-ку», дейди... Билмадим, нега унақа дейди...

Қўнғироқ чалинди. Синфга бўйдор, сочи бошига турмакланган чиройли жувон кириб келди.

— Янги муаллимамиз шу,— деди Наримон Фарҳодни туртиб.

— Салом, болалар, ўтиринглар!— Раъно Исмоиловна йўқлама дафтарни столга қўйиб, жимжит бўлиб қолган синфни кўздан кечираркан, оҳиста сўради:— Ҳамма борми, синфбоши?

Гавҳар дик этиб ўрнидан турди:

— Ҳамма бор, Раъно Исмоиловна. Фарҳод Усмонов ҳам келди.

— Дуруст. Усмонов, қалай, тузалиб қолдингми?

— Раҳмат. Ҳа, тузалиб қолдим.

Раъно Исмоиловна ундан яна нималарнидир сўради-ю, лекин саволлари қулоғига кирмасди. Юқори лабини қимтиганча, беихтиёр бош ирғар, ҳаяжон билан муаллимани кўздан кечирар эди. Бола унга тикилган сари онасининг қиёфаси кўз ўнгида яққолроқ гавдаланарди. Кўзлари ҳам ойисининг кўзларидек қуралай, жилмайишлари ҳам худди ўзи... Тавба, одам ҳам бир-бирига шунча ўхшайдими?.. Бирдан гурр кулги кўтарилганини эшитди. Сапчиб тушиб, атрофига аланглади — синфдошлари кулиб туришарди. Раъно Исмоиловна ҳам кулаётибди. Нима бўлди? Булар нега кулишади? Э, ҳа. У ҳали ҳам тикка турган экан. Бари бир, қизиқ. Ё муаллима бир нима сўрадимикан?

— Ўтирсанг-чи!..— деб этагидан тортиб қўйди Наримон.— Нега анграйиб қолдинг?

Фарҳод аста-секин партага ўтирди. Бирдан томоғи қақраб, сув ичгиси келди.

Муаллима нега бунчалик ойисига ўхшайди? Ё назарида шундай туюлаётганмикан? Йўқ, йўқ!.. Ана, ҳатто сочларини силаб қўйишлари ҳам ойисиникига ўхшайди.

Фарҳоднинг ўпкаси тўлиб, йиғлаб юбормаслик учун лабларини қаттиқ қимтиди. Муаллимага тикилиб турарканки, ойисининг энди сира ҳам қайтиб келмаслигига амин бўлди. Оналар ўлмасликлари керак, фарзандларини эркалаб, ардоқлашлари керак... Қариб-қартайганда йўриғи бошқадир... Аммо ойинг яшаши керак... Ахир она қандай ғамхўр, меҳрибон кимса!.. Сени алла айтиб, эртак айтиб ухлатади, манглайингни силаб уйғотади.

— Усмонов, тобинг келишмай қолдими?— деган мулойим овозни эшитди у. Қараса, Раъно Исмоиловна ёнида турибди. Фарҳод ўрнидан қўзғолди. Димоғига синашта атир ҳиди урилди. Ялт этиб муаллимага қаради: чиндан ҳам у ойисига жуда-жуда

Суҳроб МУҲАМЕДОВ

ЯНГИ МУАЛЛИМА

Ҳикоя

ўхшаркан. Бошида хаёллари чарх уриб, кўзларида ғилт-ғилт ёш кўринди. Юзи ойисига ўхшаган шу жувонга қўлларини чўзиб, унинг бағрига отилгиси, ўқтин-ўқтин тушига кирадиган шу кўзларга тикилиб: «Ойимни нечоғли соғинганимни билсангиз эди!..» дегиси келди.

Боланинг рангпар юзидан ёш думалаётганини кўрган Раъно Исмоиловна гарангсиб қолди:

— Бора қол, Усмонов, уйингга бора қол... Ҳали ёта туришинг керак экан.

...Фарҳод паришон ҳолда борарди. Ўткинчиларга урилиб кетар, кечирим сўрар, яна хаёл суриб йўлида давом этар эди. Бир вақт қараса, таниш хиёбондаги бўёқлари кўчган скамейкада ўтирибди. Ўзини суянчиққа ташлаб, тепага қаради: осмон бўйлаб вазмин қора булутлар сузиб ўтмоқда. Улар шу қадар пастлаб келганки, чинорларнинг учларига илиниб қолгандек... Бирдан совуқ шамол келди. Бола жунжикиб, бошини пальтосининг мўйна ёқаси ичига тортди — қулоқчинини партасида қолдириб келибди.

Бирдан ойисини кўмган кунлари эсига тушиб кетди. Тумонат одам йиғилган, қанчадан-қанча машиналар келган, тобутнинг олдида қора тутилган гулчамбарлар... Ойисини қабрга қўяётганларида кимдир уни бағрига босиб, нарига ўтказмади. Халил тоғаси майиб қўлини пешанасига уриб ўкраб йиғлади, кейин йиқилиб қолаёзди. Дадасини ўртоқлари суяб турарди.

...Курант садолари янграб, Фарҳод сапчиб тушди. Соат ўн бўлибди.

Ёмғир томчилади. Аввал севалаб турган эди, шаррос қуйиб юборди. Бола ёмғир ёқасидан сизиб туша бошлаганини, оёқлари остида ҳалқоб пайдо бўлганини ҳам пайқамади. У шалаббо скамейкада ўтирганча уни муштлари билан урар, ҳиқ-ҳиқ йиғлар, беихтиёр шивирлар эди:

— Ойижон, у сизга ўхшайди... Жуда ҳам ўхшайди... Аммо кўнглингизга келмасин... Дадам икковимиз сизни жонимиздан ҳам яхши кўрамиз.

* * *

Бола икки ҳафтадан буён касал бўлиб ётарди. Дадаси ишидан рухсат олиб, бошида ўтирди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғлари ҳам хабар олиб туришди. Айниқса, ойисининг дугонаси — ён қўшнилари Эътибор опа уни кўп парвариш қилди.

Бир куни кечқурун у Раъно Исмоиловнани бошлаб кирди. Муаллима боланинг ёнига келиб ўтирди. Ундан яна таниш атир ҳиди келарди. Фарҳод жилмайди, юзларига қизиллик югурди. Гоҳ муаллимасига, гоҳ Эътибор опага қараб қўярди. Муаллимага синчиклаб разм солиб турган Эътибор опа иши бор эканлигини айтиб, узр сўраб, чиқиб кетди.

Раъно Исмоиловна ҳол-аҳвол сўраб, Фарҳодга синфдаги янгиликлардан гапириб бераётганида айвонда ниманидир тузатаётган дадаси кириб келди. Назарида, дадаси Раъно Исмоиловнани кўриши билан ранги ўзгариб кетгандек бўлди.

— Салом,— деди дадаси бўғиқ оҳангда.

— Салом,— деди ўрнидан турган Раъно Исмоиловна худди ойисига ўхшаб сочларини тузатаркан.— Мен ўғлингизнинг муаллимаси бўламан. Бир хабар олиб кетай деб келдим.

— Хуш келибсиз... Раҳмат. Йигитчамиз бўштоброқ чиқиб қолди. Мурттаги эндигина тузалган эди, ўпкаси шамоллабди.

Фарҳод дадасини ҳеч қачон бундай саросимада кўрмаган эди. Аммо шунисини пайқадики, дадаси ҳам Фарҳоднинг ҳолига тушаётибди. Аммо дадаси босиқ одам, ҳаяжонини сездиргиси келмайди.

Раъно Исмоиловна кетганидан кейин дадаси ўйга чўмганча хонани узоқ айланиб юрди.

— Дада,— деб чақирди Фарҳод.

— Ҳа, ўғлим?

— Ҳозир кимни ўйлаётганингизни биламан.

— Кимни ўйлаётган эканман?

— Кимни бўларди, муаллимамизни-да.

— Ана холос... Уни нима деб ўйлар эканман?

— Нега бунчалик ойимга ўхшашини-да... Тўғрими?

Дадаси ёнига ўтириб, елкасига қоқиб қўйди:

— Топган гапингни қара-я... Айтмоқчи, мен сенга янги китоб олиб келган эдим.

— Ростданми? Нима китоб экан?

— «Ўзбек халқ эртаклари».

— Озгина ўқиб бермайсизми?

— Бўпти. Қани, эшит.

...Орадан яна бир ҳафта ўтди. Олтинчи март куни тушдан кейин врач келди. Ўпкасига қулоқ солиб, у ёқбу ёғини яхшилаб кўргач, бошини силай туриб шундай деди:

— Энди ўрнингдан турсанг ҳам бўлади. Бундан кейин шамоллай кўрма. Тўққизинчидан ўқишингга боришинг мумкин.

— Тузалиб қолдимми? Ура-а!..

Саккизинчи куни эрталаб Фарҳод уйғониши билан ювиниб, кийинди. Дадаси кечқурун олиб келган чинни гулларни дасталамоқда эди.

— Ойимга бориб келамизми?

— Ҳа, ўғлим. Аммо аввал нонушта қилгин.

...Фарҳод гулдастани ушлаганча машинада дадасининг ёнига чиқиб ўтирди. «Жигули» аста ўрнидан қўзғолди. У ўй суриб борарди. Ойиси ҳаётлигида 8 Март байрамини охирги марта қандай ўтказганликларини хотирларди. Фарҳод кўзларини юмиб ойисини эслаб кетди. Кўз ўнгида худди тумандан чиқиб келгандек онасининг қиёфаси гавдаланди... Унинг ўрнини Раъно Исмоиловна эгаллади... Гоҳ ойиси, гоҳ муаллимаси пайдо бўларди. У бошини силкитди. «Муаллимамиз ҳозир уйида бўлса керак,— деб ўйлади у,— ахир байрам-ку. Синфдошларим аллақачон табриклашган бўлса керак. Мен табриклаёлмадим. Аттанг».

Фарҳод ялт этиб дадасига қаради.

— Мен сени ухлаб қолдинг деб ўйлабман,— деди дадаси.

— Йўқ... Ўзим шунчаки, ўйлаб келаётган эдим,— деди, хаёлини қандай бўлмасин Раъно Исмоиловнанинг адресини топиш фикри чулғаб олган Фарҳод.

— Дада, ҳой, дада!

— Ҳа, ўғлим?

— Мен Гавҳарга учрашиб чиқсам майлими?

— У ким?

— Синфбошимиз-да.

— Жуда ҳам зарурми?

— Ҳа.

— Майли. Уйлари қаерда?

— Чорраҳадаги китоб магазиннинг тепасида.

Машина салдан кейин ўнгга бурилиб, тўққиз қаватли бино олдида тўхтади. Бола гулдан биттасини олиб, ғизиллаганча югуриб кетди. Зум ўтмай қўлида бир парча қоғоз билан қайтиб келди.

— Энди қаёққа борамиз, ўғлим?

— Дадажон, энди мана шу жойга борсак,— деб у қоғоздаги адресни кўрсатди.

Машина бир неча минут катта-кичик кўчалардан айланиб ўтиб, икки томонида ҳашаматли бинолар қад кўтарган проспектга чиқиб борди.

— Мана келдик, ўғлим. Квартирасини ўзинг қидириб топасан-да.

Фарҳод дадасига қараб қўйиб, ийманган кўйи гулдан иккитасини суғуриб олди-да, «Ҳозир келаман», деганча уй томон қараб чопди. Осиб қўйилган лавҳаларни кўздан кечириб, қидирган квартираси қайси подъезддаги нечанчи қаватда эканлигини аниқлаб, лифтда чиқиб борди. Эшикни топгач, бўй чўзиб қўнғироқ тугмасини эҳтиёт билан босди. Остонада гулдор халат кийиб, дурра танғиган Раъно Исмоиловна кўринди.

— Ия, Фарҳоджон!— деди у таажжуб билан.

— Салом... Мен, мен...— дея олди бирдан боши айланиб кетган бола. У каловланганча эшик кесакисига суяниб қолди.

— Вой, нега ўрнингдан турдинг?— деб Фарҳодни қўллари билан тутиб қолган Раъно Исмоиловна уни бағрига босди.— Ҳали ётишинг керак эди-я.

Бола ғужанак бўлиб қолди, унинг лаблари учар, беихтиёр илжаяр эди. У муаллимасига тикиларкан, худди ойисининг меҳрибон қуралай кўзларини кўргандек бўлди. Бу ойисининг кўзлари, уларда ташвиш акс этиб турар эди. Жажжи юлдузлардек чарақлаган ана шу кўзларнинг қорачиқларида у ёниб турган шуъла кўрди. Фарҳод бирдан ана шу оловли шуъланинг тафтини сезди. Ундан вужудига иссиқ югурди. Ёноқларигача ёниб, қулоқлари қизиди. Кейин дафъатан қандайдир ички бир туйғу кучи билан Раъно Исмоиловнанинг бағрига отилди-да, тутила-тутила шивирлади:

— Сиз... Сиз мендан хафа бўлмайсиз-а?..Хафа бўлмайсиз-а?.. Мен... Мен... Ҳалиги... Дадам икковимиз сизни байрам билан табрикламоқчи эдик.

...Яна дадасининг ёнига келиб ўтирган Фарҳод тутқични маҳкам ушлаганча унга юзланди:

— Бўлди. Энди ойимга борамиз.

Расмни А. КАРА-КОНСТАНТИН чизган



Адабий танқид

БОҚИЙ МАВЗУ

ДОҲИЙ Ленин образи ижод аҳлини муттасил мафтун этиб, илҳомлантириб келмоқда. 63 йил мобайнида янги-янги асарлар билан тобора бойиб бораётган бадиий ленинном кўп миллатли совет адабиёти ва санъатининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Доҳийнинг етук бадиий образи социалистик реализм адабиёти ва санъатининг юксак эстетик идеалини ифодалаб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Совет бадиий ленинномасининг ибтидосида М. Горький ва В. Маяковскийнинг улуғ доҳийга бағишланган машҳур асарлари туради. Ленин образини яратишда бу улуғ санъаткорларнинг тажрибаси, уларнинг асарларида шаклланган ижодий-эстетик принциплар адабиёт ва санъатимизнинг кейинги авлодлари учун намуна бўлиб қолди.

Бу асарларнинг новаторлик моҳияти нимада? Шу жиҳатдан В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» достонини олиб кўрайлик.

Достоннинг сўнмас ҳақиқати шундаки, унда Лениннинг даҳоси тарихий зарурат сифатида, ўз таълимотида инсоният орзу-интилишларини, фикрини ифодалаган буюк йўлбошчи, метин иродали революционер сифатида, шу билан бирга, «энг инсоний инсон» сифатида ҳам ёрқин гавдаланди. Атоқли ўзбек совет адиблари Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, К. Яшин, М. Шайхзода ва улардан кейинги авлод ижодида М. Горький ва В. Маяковский асарларининг анъаналари ривожлантирилди. Ленин мавзуи, айни пайтда, уларнинг ижодида «Ленин ва Шарқ» аспектида бадиий ўзлаштирилди.

Жамиятимиз ўз тараққиётининг янги босқичи сари бораётган, ҳар жиҳатдан етук инсонни вояга етказиш давримиз рўзномасидаги жиддий масалалардан бўлиб қолган ҳозирги шароитда доҳий ва «энг инсоний инсон»— Лениннинг қутлуғ номи адабиётимизнинг ёш авлоди учун ҳам туганмас илҳом манбаи бўлиши табиий ҳолдир. Янги авлод Ленин образини давримизнинг ўткир масалалари, актуал ғоялари нуқтаи назаридан, адабиёт олдига қўйилаётган янгича вазифалар позициясидан идрок этаётир.

Доҳий вафотидан сўнг орадан бир неча ўн йиллар ўтди. Инсоният тараққиёти мислсиз қадамлар билан олға силжиди. Аммо Ильичнинг порлоқ инсоний сиймоси янги авлодлар кўз ўнгида барҳаёт, унинг мислсиз тарихий моҳияти вақт ўтган сари кенгроқ очилмоқда. Ленин таълимоти инсониятнинг қалбида, виждонида яшаб, ёрқин келажак сари курашга чорлаб, илҳомлантириб турибди. Шу сабабдан ҳозирги шеъриятни қизиқтираётган, ҳаяжонлантираётган масалалардан бири Ленин абадияти масаласидир. Чунончи, шоир Абдулла Орипов «Ленин» шеърида доҳийнинг абадийлигига жавоб излаб, инсоният тарихининг кечмиши ҳақида ўйлаб кетади. Мураккаб тарихий замонларнинг, машҳур тарихий шахсларнинг сифатларини таҳлил этади, аммо «севгидай абадий ва суюкли» бўлиб мангулик узра абадий қоладиган шахсни топиб кўрсатиш осонмас. Шоирнинг ўйлари Ленин даҳосига ва шахсиятига келиб аниқ тўхтам топади. Ленин, шоирнинг эътиқодича, шунинг учун абадий барҳаётки, у инсониятга ёруғ ҳаёт йўлини топиб берган. Шу сабабдан у инсоният учун энг азиз ном бўлиб қолажак.

Ленин даҳосини улуғловчи бу шеър айни пайтда инсон ҳаётининг маъноси ҳақидаги теран фалсафий поэтик асардир.

Янги авлод ижодкорлари Ленин мавзуини бадиий ўзлаштиришда чинакам, ҳақиқий эстетик тажрибалардан ибратланиб, реалистик поэтик принципларни ижодий давом эттирмоқдалар. Ленинга бағишланган асарларда реаллик ва ҳужжатлилик характери, фалсафий руҳ чуқурлашмоқда.

Шоир Эркин Воҳидов ижодида Ленин мавзуи муҳим ўрин тутади. У «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг шеъриятда Ленин мавзуининг ишланишига доир анкетасига (1968) берган жавобида бу борадаги умумий мадҳиябозлик ва зўраки кўтаринкиликни қаттиқ қоралайди ва атоқли шоирларимиздан Миртемирнинг конкрет лавҳалар, тарихий фактлар асосида яратилган кичик достонларини ҳурмат билан тилга олади.

Э. Воҳидов ўз ижодида устозлар ижодидаги ана шундай диққатга сазовор хусусиятлардан ибрат олади. Шоир Ленин ҳаётининг конкрет лавҳаларига, доҳий фаолиятига дахлдор тарихий фактларга асосланиб достонлар ёзди. «Буюк ҳаёт тонги»да Лениннинг сермазмун, қизғин ва оловли болалик йиллари ҳаяжонли тасвирлаб берилди. «Чароғбонлар» достони эса конкрет тарихий факт — Лениннинг машҳур инглиз ёзувчиси Герберт Уэллс билан учрашувига бағишланади. Шоир Уэллсни ҳайратга солган хусусиятларни — Лениннинг келажакка оташин ишончини, унинг башарият истиқболи билан боғлиқ улуғвор ва гўзал хаёллари дунёсини қаламга олади.

Э. Воҳидовнинг илк шеърларидан бири «Ёшлигим» деб аталарди. Ниҳоят, ўн йиллар ўтиб, шоир ҳам ёш жиҳатидан, ҳам ижодий жиҳатдан балоғатга эришгач, «Ҳозирги ёшлар» деган янги шеърини ёзди. Бу факт шоир ижодий индивидуаллиги билан боғлиқ бир ҳолатдан далолат беради. Кўп йиллар давомида инсон ёшлиги, ёшлик билан боғлиқ ҳис-туйғулар Э. Воҳидов поэзиясининг лейтмотиви бўлиб келди. Шоирнинг Ленинга бағишланган достонларида ана шу мотивлар теран ўрин олган. Уларнинг бирида Лениннинг ўспиринлиги ҳозирги ёшларга ибрат тарзида талқин этилса, иккинчисида доҳий образининг ёшлар учун сабоқ бўладиган айрича маънавий сифатлари поэтик ифодаланади.

Э. Воҳидов юқорида эслатилган анкетага жавобида яна шундай дейди: «Ёшлар ичида Ҳусниддин Шарипов Ленин мавзуида кўзга кўринарли ишлар қилди. Унинг «Изма-из» деб аталган достони Ленин сиймосига янги давр — космик давр кишисининг янгича кўзи билан қарашига ёрқин мисол бўла олади. Достонда муаллиф Ленин тимсолини фазогир олим хаёлида жонлантиради ва уни олимнинг ташвишу орзуларига шерик қилади».

Дарҳақиқат, Ҳ. Шарипов ижодида Ленин мавзуи салмоқли ўрин эгаллайди. Бу мавзуда у кўпгина шеърлар, балладалар, бир неча достонлар ёзди. Улар шоирнинг «Ильични ўйлайман» китобида жамланди. Албатта, бу китобдаги асарларнинг ҳаммаси бирдай бадиий савияда эмас. Лекин, бундан қатъий назар, яхши асарларга бой «Ильични ўйлайман» китоби ўзбек бадиий ленинномасига сезиларли улуш бўлиб қўшилди ва, ҳақли равишда, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди.

«Ҳисор ҳикояти» балладасида Ленин шарқлик оддий меҳнаткаш йигит нуқтаи назари орқали, «Ҳақиқат» балладасида доҳий ўзининг сафдошларидан бири, ҳаёт йўлдоши Надежда Константиновна Крупскаянинг хаёллари орқали, «Гулчамбар» балладасида Ленин вафоти сибирлик шахтёрларнинг чуқур қайғули қалблари орқали кўрсатилади.

Э. Воҳидов достонларида Ленин сиймоси, унинг ҳаётидан олинган конкрет лавҳалар ва тарихий фактлар ёшлик нуқтаи назаридан ҳамда шоирнинг шахсий ҳис-туйғулари орқали инъикос топса, Ҳ. Шарипов асарларида доҳий образи, юқорида кўрганимиздек, эпик усулда — холис нуқтаи назардан: халқ вакилларининг калби, онг дунёси орқали объектив ифодаланади. Унинг ижодида Ленин ғоят халқчил, ҳатто турмушнинг оддий маиший масалаларига муносабатда очилади ва доҳий образининг ўзи ҳам «темирчилар каби елкадор, миқти» бир тарзда, оддий қиёфада гавдаланади.

Умуман, Ҳ. Шариповнинг Ленин мавзуига ёндашишида эпик характер яққол кўзга ташланади. Масалан, нега шоир Лениннн турли касбдаги кишилар нуқтаи назаридан тасвирламоқда? Шунинг учунки, у доҳий образининг бойлигини атрофлича, турли томонлардан очмоқни мақсад қилиб олган. Ленин оддий меҳнаткаш деҳқонни эрк, ер ва ўз бахт-саодати учун меҳнат қилиш ҳуқуқи билан таъминлаган бўлса, доҳий сафдошлари энг мураккаб дақиқаларда, энг қийин масалаларга дуч келганларида ҳамиша унинг ўлмас тажрибаларидан сабоқ оладилар. Замонамиз олими эса хаёлида доҳийни жонлантириб, у билан жамиятда шахснинг ўрни, инсон ҳаётининг маъноси, инсон ва келажак, авлодларнинг ўзаро муносабати, ватанга муҳаббат каби фалсафий масалаларда суҳбат қуради, замонамизнинг бу жиддий муаммоларига Ленин кўмагида жавоб излайди.

«Ильични ўйлайман» туркуми ўзининг бутун моҳияти, пафоси билан улуғ доҳий ва инсон — Лениннинг номи, иши, таълимоти яшаётганлигини, курашаётганлигини, Ленин ҳамма даврлар учун доимо зарур бўлиб қолажагини тасдиқлайди.

Ёшлар шеъриятида Ленинга бағишланган яна бир салмоқли асар Муҳаммад Алининг «Йигирма етти ёшим» достонидир.

Ёшлик — изланиш даври: инсон ёшлигида ўз-ўзини, ҳаётдаги ўрнини, йўлини излайди. Бинобарин, у ўзига ибрат бўладиган одамларни, тақдирларни қидиради. Муҳаммад Алининг «Йигирма етти ёшим» достони даврimизнинг худди шундай эҳтиёжларига жавобан яратилган. Э. Воҳидовнинг «Буюк ҳаёт тонги» ва Муҳаммад Али достонлари бир-бирини тўлдиради. Муҳаммад Алини доҳийнинг айни йигитлик йиллари қизиқтиради. Достон ҳозирги ёшларга қатъий маънавий талабчанлик пафоси билан суғорилган ва шу жиҳатдан қимматлидир. Йигирма етти ёшли Лениннинг қизғин революцион фаолияти, Сибирнинг оғир шароитида букилмас матонат билан яшаб, курашгани ёшлар учун чиндан ҳам ибратлидир.

Достонда Лениннинг чоризм амалдорларидек кимсалардан фавқулодда устунлиги, унинг узоқни кўра олиш қудрати, оғир шароитда ҳам юксак инсон бўлиб қолганлиги, доҳийнинг халқ билан мулоқотида кишини мафтун этадиган самимийлик, хушчақчақлик, чоризм устидан муқаррар ғалабага ишонч ҳис-туйғуси ҳаётий ифодаланган. Аммо шоир ижодининг ютуқларидан бўлган бу асар айрим камчиликлардан ҳам холи эмас.

Асарнинг жиддий бир камчилиги шоирнинг замонавий ёшларга муносабатидаги бир ёқламалигида кўринади. Достонда шундай сатрларни учратамиз:

...Сизда на нафрат бор,
На оловли дил,
На дилда севгию
На хаёл — бошда...

Ҳолбуки, ёшларимизнинг ҳал қилувчи асосий қисмини ленинча яшаб, ўзининг куч-қобилиятини, ҳаётини, меҳнатини доҳий таълимотининг тантанасига бағишлаётганлар ташкил этади.

Ленин мавзуига чуқур меҳр қўйиб меҳнат қилаётган шоирларимиздан яна бири Анвар Эшоновдир. Анвар Эшоновнинг қалами сиёсий-публицистик лирикага мойил. Унинг «Нон иси» тўпламидаги шеърлар замонамизнинг долзарб сиёсий масалаларига доир ҳаяжонли поэтик мушоҳадалар билан суғорилган. Лекин унинг шеърлари сиёсат мавзуига доир ўйлардангина иборат бўлса, улар тўла маънодаги поэзия асарлари бўлмас эди. Гап шундаки, бу ўйларнинг манбаида эзгуликка муҳаббат ётади. Шоир нонни эъзозлайди, тинчликни эъзозлайди, халқлар дўстлигини, шонли тарихимизни, меҳнат яратган бойликларни эъзозлайди.

Миллионларнинг қалб эҳтиромини қозонган улуғ сиймолардан энг биринчиси Лениндир. Ленин образи шоирнинг деярли барча шеърларида ўзига хос тасвирларда гавдаланади. Нон ҳақида сўзларкан, шеърга Ленининг «Очларга нон берилсин!» деган тарихий сўзлари ёрқин мисра бўлиб кириб келади. Гражданлар уруши йилларида Ленининг очарчилик балосини даф этиш учун қилган мислсиз хатти-ҳаракатлари тилга олинади. Дунё ҳаётида юз берган бахтли ўзгаришлар «Ленин чизиб берган йўл» шарофати эканини айтади. Шоир ўз шеърларида доҳийнинг олижаноб сиймосини конкрет поэтик деталлар орқали очади. «Дунё билан сўзлашар Ленин» саккизлиги А. Эшоновнинг энг яхши шеърларидан биридир. Шоир Ленин мавзолейига зиёратга келган одамлар тимсолида доҳий ҳузурига маслаҳатга келган қитъаларни кўради. Бу ёрқин муболағадор образ Ленининг ўлмаслигига эзгу ишончни ифодалаганлиги билан қимматлидир.

А. Эшоновнинг «Дунёни қолдирди Ленин иноиб» публицистик достони янги авлоднинг Ленин олдидаги масъулиятига бағишланган. Шоир пахта учун курашни, фашизм устидан қозонилган ғалабани Ленин ишониб қолдирган тузум ва тараққиёт тантанаси учун курашнинг давоми сифатида талқин этади. Унинг эътиқодича, кейинги насллар ҳам шу муқаддас кураш майдонининг жангчиларидир. Чунки:

Дунё келажагин, дунё курашин,
Бизларга қолдирди Ленин иноиб.

Ёшлар Ленин даҳосининг улуғвор моҳиятини англаб етиш ва поэтик ифодалашга ҳаракат қилмоқдалар. А. Эшонов «Октябрь шаънига уч нутқ» деган яна бир шеърида Ленин даҳоси революцион тарихий тараққиётнинг табиий натижаси эканлигини, у «Прометей аламларида, римлик қулларнинг зулмига тикка боқишида, сарбадорларнинг зиндондаги ашуласида, «Интернационал» оҳангларида» яшаганлигини, Ленин коммунистик дунё чароғбони сифатида оламга келиб, дунёда «дунёдек қолган»лигини куйлайди.

Ёш шоирлардан Абдулла Шер ва Эргаш Муҳаммаднинг Ленин мавзуидаги изланишлари ҳам диққатга сазовор. А. Шер тенгқурлари қатори Ленин даҳосининг улуғворлиги ва олижаноб моҳияти устида ўйлайди.

Эргаш Муҳаммаднинг «Ленинград», «Ленин», «Фахрий қоровул» каби шеърлари сиёсий мавзуларга ихлос кўйган ёш шоирнинг яхши асарларидан ҳисобланади. «Фахрий қоровул» шеърида ҳозирги ёшларнинг Ленинга садоқатини «Виждоним руҳига фахрий қоровул» деган ёрқин образли мисра билан ифодалайди. «Ленинград» шеърида эса улуғ доҳий номидаги муқаддас революцион шаҳарга чуқур эҳтиром туйғулари ифодаланган.

Поэзиямиздаги янги авлоднинг Ленин мавзуидаги асарлари улар ижодида гражданлик пафоси активлашиб, изланишлари даврнинг илғор ғояларига ҳамнафас ҳолда ҳақиқий йўлдан ривожланаётганлигидан далолат беради. Тўғри, ёшлар шеъриятида айрим мотивларни такрорлаш, умумийликка берилиш, баъзан баёнчилик, таъриф-тавсифларга йўл қўйиш ҳоллари учраб туради. Биз бу ижодий камчиликларни изланиш йўлидаги ҳолатлар бўлиб қолади, деб ишонамиз.

Энг муҳими — ютуқлар. Улар ёшлар ижодини безаб турибди. Энг муҳими — ёшлар актив ва ҳаётбахш ижод йўлидан бормоқдалар. Бундай ижод йўлини англаб етишда уларга Ленининг буюк сиймоси, революцион таълимоти гражданлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Михли САФАРОВ



ЙИРИК ТАДҚИҚОТЧИ, ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИ

Бу ИККИ фазилатнинг бир кишида мужассамлашиши камёб ҳодисадир. Одам етук олим бўлиши мумкин-у, аммо фан ютуқларини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб этишда етарли уқуви бўлмаслиги ёки яхшигина нотиқ, тарғиботчи бўлгани ҳолда, жиддий, мустақил илмий тадқиқотчилик даражасига эришолмаслиги мумкин. Бу табиий. Лекин ҳозирги замон олимдан ўз шахсиятида бу икки фазилатни — теран тадқиқотчилик ва моҳир тарғиботчиликни бирлаштиришни тақозо қилади. Бу, айниқса, ўткир мафкуравий қуроллардан бири — адабий танқидчилик ва адабиётшунослик фани вакилларига тааллуқлидир. Лазиз Қаюмовда ана шу икки йўналиш уйғун шаклланган, кенг адабий жамоатчилик унинг мазкур фазилатларини яқдиллик билан эътироф этади. Бунинг заминида икки омил бор. Биринчидан, Лазиз Қаюмов актив жамоатчи олим сифатида, Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, ҳамиша адабий жараённинг ўпқонида туради. У қарийб йигирма йилдан буён «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори, кўп йиллардан бери Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Танқидчилик секциясига бошчилик қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи секретариати ва СССР Ёзувчилар союзи правлениеси ҳамда Адабий танқидчиларнинг халқаро ассоциацияси аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан маданий ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон комитети раисининг ўринбосари сифатида ҳам серқирра фаолият кўрсатиб, республикамиз, Иттифоқимиз ва ундан ташқаридаги адабий ҳаётда актив иштирок этади. Москвадаги ижодий анжуманларда, қардош республикалардаги адабиёт ўн кунликларида, Ўзбекистон ёзувчиларининг съездлари, пленумларда ўз докладлари, нутқлари билан мунтазам равишда қатнашиб туради. Л. Қаюмов ўзбек адабиёти ютуқларини кўп миллатли мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам тарғиб-ташвиқ этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У АҚШ, Шри Ланка, Австрия, Ливан, Ироқ, ГДР, Болгария, Польша, Югославия, Венгрия ва бошқа мамлакатларда ўзбек совет адабиёти равнақининг, кўп миллатли совет адабиёти гуллаб-яшнашининг бош омили социалистик тузум, ленинча миллий сиёсат эканлигини ифтихор билан сўзлаб келади. Унинг инглиз, француз, немис, испан, болгар, араб, вьетнам, сингал ва бошқа чет тилларда эълон қилинган мақолаларида ҳам совет адабиёти ютуқлари тарғиб этилади. Шу фактнинг ўзиёқ фақат Лазиз Қаюмовнинг эмас, балки умуман ўзбек танқидчилигининг камолотидан далолатдир.

Л. Қаюмовнинг йирик тадқиқотчи ва фаол тарғиботчи сифатида тан олинишига яна бир сабаб шундан иборатки, унинг асарларида чуқур илмийлик билан ўткир публицистик руҳ қўшилиб кетган. Бу таъсирчан публицистик руҳ унинг образли фикрлаши ёки олим шахсиятининг активлигидагина эмас, балки, айни чоқда, адабиётнинг чинакам жонкуяри сифатида фикрлашидан ҳам туғилади. У адабий ижод, адабий асар ва адабий жараёнга ижтимоий-сиёсий ҳамда эстетик жиҳатдан баҳо беришга интилади. «Санъаткор ижтимоий-сиёсий кучнинг моҳиятини ўзида мужассамлаштирувчи ёрқин ва индивидуал характер яратиши зарур», деган фикри унинг ижодий принципидир. Шунинг учун ҳам у адабиётда ленинча партиявийлик, халқчиллик, ғоявийлик ҳамда юксак бадиийлик масалаларига алоҳида диққат қилади. Тадқиқотчи «Ленинча партиявийлик», «Ижод эркинлиги», «Маданий мерос», «Партия ва адабиёт» каби мақолаларида адабий ижод ҳақидаги ленинча таълимотнинг ҳаётбахш кучини намойиш қилади.

Танқидчининг адабий жараёнга ленинча партиявийлик принципи асосида ёндашиши уни ҳозир жаҳонда авж олган мафкуравий кураш жабҳасига ҳам актив аралашишига олиб келди. «Бутун дунёга ёйилган ўткир ва аёвсиз мафкуравий кураш шароитида бизнинг зиммамизда улкан ва масъулиятли вазифалар туради,— деб ёзади Лазиз Қаюмов «Ғоявий кураш майдони» мақоласида.— Биз, ленинча эстетик таълимотга суянган ҳолда, социализм дунёси ва унинг маданиятини обрўсизлантириб, уни қоралаш йўлида ҳар қандай найранг-бозликлардан қайтмаётган буржуа адабиётшуносларининг реакцион ва душманлик моҳиятини очиб ташлашимиз ва фош этишимиз лозим. Ўзбек адабиётшунослиги бу курашда таркибан кўп миллатли, руҳан интернационал совет адабиётшунослигининг отрядларидан бири сифатида иш кўрди. Биз совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг партиявийлик байроғини қанчалик баланд кўтарсак, буржуа сиёсати, мафкураси ва эстетикасини фош этишда шунчалар кўп ғалабага эришамиз ва бу билан жаҳон узра социалистик маданият байроғини тобора баланд кўтарган бўламиз».

Л. Қаюмов сафдошларини адабий танқидчилик ва адабиётшунослигимизнинг партиявийлиги учун актив курашга чорлаб, ўзи амалий фаоллик кўрсатди. У ўзбек танқидчилигида биринчилардан бўлиб чет эллардаги ғоявий мухолифларимизга қарши жиддий, принципиал мақолалар ёзди ва ҳозир бу соҳанинг пешқадами бўлиб келмоқда. Ғоявий мухолифларимиз ғоятда уста ва муғомбир туҳматчилардир. Улар билан баҳслашадиган тадқиқотчи совет адабиёти, жумладан, ўзбек совет адабиётининг тараққиёт йўлларини, қонуниятларини, етакчи тенденцияларини, ютуқларини, ўзига хос томонларини аъло даражада билиши зарур. Л. Қаюмовнинг Ҳамзадан тортиб то бугунги ёш ижодкорларимизгача ҳаммасининг ижодий йўлини чуқур ўрганганлиги ва адабиётимизнинг тараққиёт йўлларини пухта билиши ўша сохталаштирувчиларга кескин зарба беришда жуда қўл келади. Олимнинг чет эллардаги кўпгина мамлакатларда бўлиши, атоқли адиб ва адабиётчилар билан мулоқоти унинг илмий-эстетик тасаввурининг кенгайишига сабаб бўлди. «Аср ва наср» китобига кирган «Ғоявий кураш майдони» мақоласи, айниқса «Меридианлардаги учрашувлар» китобининг «Ҳақиқат, фақат ҳақиқат» деб номланган катта боби ғоявий душманларимизга қарши ёзилган принципиал ва чуқур партиявий мақолалардир. Жиддий илмий таҳлил билан жанговар публицистик руҳда яратилган бу мақолаларда империализмнинг мафкура соҳасидаги найранглари, разиллиги фош қилинади. ўзбек совет адабиётининг партиявийлиги, халқчиллиги, инсонпарварлиги, интернационализми, шунингдек, Ҳамза, А. Қодирий, Ойбек, Ҳ. Олимжон ижодининг ғоявий-эстетик фазилатлари очиб берилади, ҳимоя қилинади.

Л. Қаюмов ўзбек адабиёти борасида халқаро миқёсда фикр юритиш даражасига кўтарилиш учун самарали ижодий йўлни босиб ўтди. Олим бу давргача йигирма бешга яқин катта-кичик китоб нашр эттириб, китобхонларга танилди. Адабиётда типиклик масаласи, адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, роман жанри хусусида жиддий илмий ишлар эълон қилди. Адабий алоқалар, айниқса қардош халқлар адабиётлари хусусидаги кузатишлари («Қардошлар» китоби) ўзбек танқидчилигининг қамрови ўсаётганини тасдиқлайди.

Л. Қаюмовнинг Ҳамза ҳақидаги «Инқилоб куйчиси», «Инқилоб ва ижод», «Инқилобий драма», «Ҳамза» китоблари (ўзбек ва рус тилидаги брошюраларини ҳисобга олмаганда ҳам) ҳамзашуносликка қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Учала асар Ҳамзанинг уч муҳим жиҳатини — таржимаи ҳолини, ижтимоий фаолиятини, лирикаси ва драматургиясини атроф-

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

ҲАҚИҚАТ СИНГАРИ СОДДА

Тошкентлик рассом Виктор Будаев ижодида В. И. Ленинниинг барҳаёт образи, Улуғ Октябрь революциясининг бунёдкорлари, шавкатли Қуролли кучларимиз қаҳрамонлиги сингари тарихий-ижтимоий мавзулар етакчи ўрин тутади. Рассом кўп йиллардан буён жаҳон меҳнаткашларининг доно ва меҳрибон доҳийси — Владимир Ильич Ленинниинг фидойи ҳаёти, фавқулодда тафаккур ва улкан инсонпарвар қалб моҳиятини мўйқалам воситасида бадиий акс эттириш мақсадида изланиб келмоқда. Бу қутлуғ мавзуда яратган асарларида рассомнинг доҳийга теран меҳри, ички ифтихор туйғуси чинакам санъаткорлик маҳорати билан уйғунлик касб этган. Будаев бунга Ленинниинг ўлмас меросини қайта-қайта мутолаа қилиш, социалистик жамиятимизда рўй берган буюк ижтимоий ўзгаришларга ҳақиқий дахлдорлик туйғуси, санъаткорнинг гражданлик бурчини ҳар томонлама чуқур англаш туфайли муяссар бўлмоқда. У рус ва ўзбек тасвирий санъати усталарининг ижодини синчиклаб ўрганди, тематик расмлар яратиш борасида донг таратган машҳур санъаткорларнинг услуб ва маҳоратини ўзлаштиришга интилди. Кўплаб тарихий ҳужжатлар, эсдаликлар, ўша алангали йиллар иштирокчилари бевосита ҳикоя қилиб берган ҳаяжонли воқеалар... Рассом қалбида чуқур ўйлар туғдирган бу омилларнинг барчаси унинг шуури ва тасаввурида мавзунинг ғоявий-бадиий концепциясини топиш, композицион жиҳатларини мукаммаллаштириш учун асос бўлди.

Будаев кейинги йилларда доҳий сиймосини бадиий акс эттирувчи бир туркум расмлар яратди. Улардаги кўтаринки таъсирчанлик, қаҳрамон характерини янада яққолроқ кўрсатувчи, муайян даражада қуюқлаштирилган бадиийлик каби хусусиятлар айниқса диққатга сазовор. Мазкур мавзудаги дастлабки асарларидан бири — «Петроградда. В. И. Ленин» деган картинасидаёқ рассом танлаган ижодий йўлининг тўғри ва самарали эканини синаб кўрган эди.

Революцион тарихимизнинг унутилмас воқеаси — 1917 йил, 7 октябрда В. И. Ленинниинг Петроградга қайтиши — рассом мўйқаламининг жозибали, ҳаяжонли бўёқлари орқали кўз ўнгимизда қайтадан жонланади. Расмдаги кўтаринки руҳ, жанговор кайфият доҳий ва халқ оммасининг улуғ тарихий воқеалар арафасидаги ички ҳолатини яққол ифодалайди. Ленинниинг нигоҳи узоқ-узоқларда, вужудида ҳаётбахш шиддат акс этади.

Мазкур асарида бўлганидек, Будаев бошқа ишларида ҳам, мавзуга улуғ ҳурмат ва масъулият билан ёндашиб ижод қилади, доҳийнинг теран тафаккури, серқирра фаолиятини акс эттиришда муҳим аҳамиятга эга кичик деталлардан ҳам оқилона фойдаланишга, уларни бош бадиий мақсадга бўйсундиришга интилади.

Рассом ленинномa мавзуидаги изланишларини давом эттириб, 1979 йили «Ильич» деб номланган янги расмлар туркумини яратди. Бу асарларда доҳий шахсиятининг бизга таниш ажойиб фазилатлари янгича бадиий руҳ билан талқин қилинган. Рассомнинг барча асарларида В. И. Ленинниинг қадрдон, М. Горький таъкидлаганидек, ҳақиқат сингари содда буюк сиймосида зуҳур этган нуроний ақл, камтарин инсонийлик ифодаси шуурimизни тўлқинлантиради, умрини башарият истиқболи учун бағишлаган доҳий ҳаётининг улуғвор мазмуни бизни инсон ҳаётининг мазмуни — ўз ҳаётимизни теранроқ мушоҳада этишга даъват этади.

Р. СИДДИҚОВ

лича ва яхлит ёритиб бериши билан қимматлидир. Автор бу уч асарида Ҳамзанинг ижодий оламига уч томондан ёндашади ва улуғ новатор ижодкорнинг ҳассос қалбини тўла тасвирлаб беради.

«Инқилоб куйчиси» китоби Ҳамза таржимаи ҳолини акс эттиришга бағишланган. Шуни айтиш керакки, мазкур китобгача ўзбек адабиётшунослигида бирор ёзувчининг таржимаи ҳолига бағишланган махсус асар камдан-кам эди. Бунинг устига, аввалги кўп адабий-танқидий ишларимизда ёзувчиларнинг асарларини, уларнинг мазмуни, мавзуи, қаҳрамонлар прототипларини мазкур ижодкорнинг таржимаи ҳоли билан узвий боғлаб талқин қилиш етишмасди. Ваҳоланки, ижодкор асарларининг ғоявий-эстетик қиммати, унинг ўзига хос услуби ўша ёзувчининг босиб ўтган ҳаёт йўли, турмуш тарзига, ҳаётий тажрибасига ва яна қанчадан-қанча омилларига боғлиқдир. Буюк ёзувчилар сиймосида у яшаган давр ва шу даврдаги илғор одамларнинг фазилатлари, орзу-идеаллари мужассамланади. Бундай улуғ шахсларнинг ҳаёти бадиий асарлар учун материал бўлишининг сабаби ҳам шунда. Ҳамза жанговар инқилобий ижодининг бош омили унинг қайноқ, мардона, курашчан фаолиятига, ҳаётни қайта қуришга қаратилган революцион фаолиятига бориб туташади. Л. Қаюмов Ҳамзанинг таржимаи ҳолини ўша даврдаги халқ биографияси билан яхлит тарзда талқин қилади. «Ёзувчилар биографияси,— дейди у ҳақли равишда,— фақат улар ижодини ўрганиш учун қўшимча материал бўлмай, ўз ҳолича ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир машҳур ёзувчи айни вақтда она Ватаннинг содиқ граждани ва ўз даврининг илғор фикрли интеллигентидир. Совет ёзувчиларининг биографияси совет адабиётини ўрганишда энг муҳим тарихий-адабий ҳужжатлардан ҳисобланади».

Автор монографияда Ҳамзанинг ёшлигидан то Совет ҳокимияти душманлари томонидан ҳалок этилишига қадар бўлган шонли йўлини — сиёсий онгининг шаклланиши ва эстетик дидининг етилишигача, маърифатпарварликдан жанговар революционер, ёш Совет ҳокимиятининг актив қурувчиси ва ҳимоячиси — солдати даражасигача кўтарилишини йилма-йил, ойма-ой, иложи бўлса кунма-кун конкрет далиллар асосида кўрсатиб беради. У Ҳамза яшаган давр матбуотидан, архив материалларидан, санъаткорнинг дўстлари ва замондошларининг хотираларидан мўл-кўл фойдаланиб, унинг илмий биографиясини яратади. Ҳамзанинг Тошкентда, Қўқонда, Хоразмда, Фарғонада, Қорақалпоғистонда ва Совет ҳокимияти душманларига қарши курашаётган жангчилар орасида ҳамда Шоҳимардонда оғир шароитларда фидокорона ишлаганининг туб илдизини унинг характеридаги принципиаллик, курашчанлик, янгиликка ва юксак идеалларга интилиш, революционликда кўради. Лазиз Қаюмовнинг Ҳамза ижодини барча тафсилотлари билан чуқур билиши ва граждан сифатидаги, ижодкор сифатидаги руҳий оламига, психологиясига теран кириб бора олганлиги кейинчалик уни «Ажойиб кишилар» сериясида Ҳамза ҳақида янги асар яратишига имкон туғдирди. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, ўзбек адабиётида «Ажойиб кишилар» серияси Л. Қаюмовнинг «Ҳамза» асари билан бошланди. Ўзбек классик адабиёти вакиллари ўз таржимаи ҳоллари борасида кам гапирганлар, таржимаи ҳолни ёзиб қолдириш, кундалик тутиш, ён дафтарча сақлаш одат бўлмаган. Шу туфайли Шарқнинг машҳур кишилари тўғрисида қалам тебратувчилар биографик фактларни заргарлик заҳмати ва алоҳида синчковлик билан тўплайдилар. Ҳамза ҳаётига доир маълумотлар ҳам ғоят кам ва сочилган эди, олим уларни кўп йиллар давомида системага солди. «Инқилоб куйчиси» китоби улуғ революцион шоиримизнинг ҳозирча ягона илмий биографиясидир.

«Инқилоб ва ижод» монографияси ҳам фактик далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳамза поэзиясини, унинг публицистикаси ва сатирик меросини таҳлил этувчи бу асар шоир ижодининг ижтимоий-сиёсий қудратини очиб бериш жиҳатидан эътиборга лойиқ. Автор Ҳамзанинг давр билан, халқ билан бирга ўсиб, улғайиб, маърифатпарвар шоир даражасидан Октябрь жарчиси, социалистик ҳаёт куйчиси босқичига кўтарилиш жараёнини таҳлил этиб беради.

Л. Қаюмов ижодкорнинг вояга етишида зарур роль ўйнаган муҳим омилларга — ҳаёт, муҳит таъсирига, классик адабиёт, қардош халқлар адабиёти, жумладан, рус адабиёти таъсирига диққатимизни тортади. Мазкур монографиясида ҳам Ҳамзанинг устозлари (Навоий, Фурқат, Муқимий, шунингдек, Фузулий, Пушкин, Гоголь, Абай, Тўқай ва бошқалар) ижодига махсус тўхталади. Айни чоқда бутун диққатини Ҳамзанинг новаторлигини ёритишга қаратади. Шу маънода Ҳамзанинг бадиий публицистика, реалистик проза, қўшиқ, революцион марш, сатирани ривожлантиришдаги улкан хизматларини кўрсатиб беради. Тадқиқотчи Ҳамзани янги ўзбек шеъриятининг, революцион поэзиянинг ижодкори, ўзбек адабиётида социалистик реализм методини бошлаб берган янги типдаги ижодкор сифатида намойиш қилади.

Л. Қаюмовнинг «Инқилобий драма» китобининг қиммати китобхонлар учун, айниқса ҳамзашунослар учун аввалги икки монографиядан кам эмас. Гап авторнинг учала асарида ҳам ягона илмий-ғоявий тезисни — Ҳамзанинг революцион ижодкорлигини исботлашидагина эмас. «Инқилобий драма» китобининг икки фазилати унга алоҳида мазмун бағишлайди. Биринчидан, бунда автор ҳамзашунослик тарихига махсус тўхталиб, асосий диққатини Ҳамза адабий меросининг кўламини белгилашга қаратади. Матбуотдаги узуқ-юлуқ хабарлар, Ҳамза замондошларининг хотиралари ва шоирнинг ўз қайдларига суянган ҳолда, унинг «бугунгача биз аниқлашга муваффақ бўлган ижодий мероси ҳаммаси бўлиб саккиз минг мисра шеър, ўнта кичик прозаик асар, уч роман, тўрт педагогик дарслик ва олтмиш драматик асарни ташкил қилади», деган хулосага келади. Айни чоқда, Ҳамзанинг драматик асарлари ва бошқа жанрдаги баъзи асарларининг ҳали топилмаганини айтиб, тадқиқотчилар эътиборини ҳамзашуносликнинг ана шу томонларига, жумладан, унинг асарларини текстологик жиҳатдан қайта чуқур илмий ўрганиш ва Ҳамза асарларининг ғоявий-бадиий қимматини янада мукаммал ёритувчи илмий ишлар яратишга даъват этади.

Монографиянинг иккинчи фазилати шундаки, Л. Қаюмов унда Ҳамза драматик асарларининг ҳам мавжудлари, ҳам ҳали топилмаганларининг мазмуни, тематикаси, ғоявий йўналиши ва жанр қирраларини белгилайди. Автор Ҳамзанинг ҳали қўлимизга етиб келмаган пьесалари тўғрисида қандай маълумот мавжуд бўлса, барчасини бир жойга йиғади, улар асосида муайян асарнинг тахминий қиёфасини тиклайди. Бу иш Ҳамзанинг бой ва ранг-баранг драматик фаолиятини намойиш қилишда катта ёрдам беради.

Л. Қаюмов айни чоқда «Қалдирғоч» деган пьеса ёзиб, Ҳамзанинг бадиий образини яратишга ҳам маълум улуш қўшди. (Бир қанча илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмларнинг, чунончи, «Ғафур Ғулом», «Сениким, Ўзбекистон», «Гуллар байрами» каби лентaларнинг сценарийсини яратган Л. Қаюмов Ҳамза ҳақидаги документаль фильм учун ҳам текст ёзган.)

«Замондошлар» ва «Қардошлар» китобларида Л. Қаюмов портретчи-эссечи сифатида кўринади. Бу асарларида бирор ёзувчи тўғрисида сўзларкан, ихчам шаклда, кўпинча икки-уч саҳифада мазкур ижодкорга хос бош фазилатни белгилашга муяссар бўлади. Бунда кўпроқ ўша ёзувчи билан шахсий алоқаси, ижодий мулоқотини, хотираларини далил сифатида ишлатади. Бундай субъектив ҳолат — танқидчи «мен»ининг актив иштирок этиши унинг мақолаларида самимий, лирик кайфиятни келтириб чиқарган. Айтайлик, «Замондошлар» китобида йигирма етти ижодкор тўғрисида алоҳида-алоҳида фикр юритилади. 287 бетли китобда шунча ёзувчи тўғрисида чуқур ва атрофлича сўзлаш ҳамда уларнинг барча ижодий қирраларини қамраб олиш осон эмас. Шунинг учун ҳам автор ҳар бир портрет-мақолада ёзувчи ижодининг етакчи фазилатига урғу беради, холос. Бу китоблар Л. Қаюмовнинг ўзбек совет адабиётининг барча авлодлари ижоди билан яхши таниш, улар ҳақида ўз кузатишлари ва баҳосига эга эканлигини тасдиқлайди.

Лазиз Қаюмов ўзбек совет адабиёти тарихини ўрганишга ва адабиётимиз ютуқларини Иттифоқимиз бўйлаб ва ундан ташқарида ҳам тарғиб-ташвиқ қилиш ишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган заҳматкаш олим. Уни балоғат ёши — 50 ёшга киргани билан чин қалбимиздан қутларканмиз, адабиётимиз ҳақида, ёзувчиларимиз ҳақида янгидан-янги илмий асарлар ёзишига умидвор бўлиб қоламиз.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори



В. БУДАЕВ. ВОЛОДЯ УЛЬЯНОВ.



ВОЛОДЯ УЛЬЯНОВ — ГИМНАЗИСТ.

ВЛАДИМИР ВА АЛЕКСАНДР УЛЬЯНОВЛАР ВОЛГА БЎЙИДА.



В. И. ЛЕНИН ВА Н. К. КРУПСКАЯ ПИОНЕРЛАР ОРАСИДА.



РЕВОЛЮЦИЯ СОЛДАТЛАРИ.

ИСТИҚБОЛ УЙЛАРИ.

РСФСР ГЕРБИНИ ТАСДИҚЛАШ.



Нишона

Раҳима ИСОҚОВА

* * *

Умрим қисқа.
Буни биламан
Ва қушлардай титраб кетаман.
Аммо
Олмосдай ўткир қанотларим билан
Олдинга интиламан.
Осмон кенгликларига,
Қанотларимни қуйдирадиган қуёш ҳароратига
Минг хил ташвишлар билан,
Юксак мақсадлар билан,
Нигоҳлардай ширин орзулар билан
Талпинаман.
Мен
яшашим керак!

* * *

Одамлар қалбида,
Нигоҳларда,
Гуллар узра,
Мисраларда мен
Ёнаман.
Сен севсанг мени,
Тўймай
Боғлар ифорини ҳидлагин,
Нурлар оғушида,
Ҳаётни ардоқлаб,
Ҳар куни изла,
Севсанг...

Раҳима Исоқова Наманган областининг Норин районида туғилган. У 1979 йили Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхонашунослик факультетини тугатди. Ҳозир Алишер Навоий номидаги республика Давлат кутубхонасининг илмий-методика бўлимида ишламоқда.

Раҳима ўқувчилик давридан бошлаб шеър машқ қилади. Ҳажман ихчам шеърларида у нозик ҳис-туйғуларни поэтик образларда умумлаштиришга интилади.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

МОМАҚАЛДИРОҚ

Ҳикоя

Мажлис кеч тамом бўлди. Кўчада шариллаб ёмғир қуярди. Одам сийрак. Аҳён-аҳёнда ўтаётган машиналар халқоб сувларни икки тарафга сачратиб кетади.

Искандаров мажлисдан бўшашиброқ чиқди. Ҳеч қачон бунчалик изза бўлмаган эди. Аъзои бадани зирқираб қақшарди, ўзини бир замбил лойдек ҳис қилди.

Мармар зиналардан ҳафсаласизлик билан тушди. Йўл четида турган машинага етгунча уст-боши жиққа ҳўл бўлди. Лекин у буни сезмасди, хаёлидан ҳар хил фикрлар кечади: «Нега бундай бўлди? Бунчалик савалашмаса! Бюрода, ҳамманинг олдида...»

Раис машина эшигини очиб, орқа ўриндиққа ўзини ташлади. Уни бундай аҳволда кўрмаган Бўрибой ҳайрон эди:

— Қаёққа?

— Очиқ мозорга!

Бўрибой ялт этиб қаради:

— Нимага ўқраясан? Уйга ҳайда!

Фаралар қоронғиликни ханжардек тилиб боради. Раис миқ этмасди, фақат гоҳида уф тортиб қўяди, холос. Хаёлини тизгинлаб ололмаяпти чоғи. Мажлисдаги дашномларга ўзича сабаб қидирар, аммо бирон бир жўяли асос тополмай, дили баттар хуфтон бўлар эди. Йўқ, бу ерда бир гап бор. Кимдир ғаламислик қилган, олди-қочди гапларни етказган. Чигит экиш кечиккан бўлса, унда нима айб? Жўрттага орқага сургани йўқ-ку! Осмон тешилгандек, ёмғир бир кун тинмаса, унинг қўлидан нима келади? Табиий шароитни ҳисобга олиш керак ахир... Бунақа масалада Қодир Собирович мард эди. Тушунарди. Ҳа, энди у киши бошқа одам эди. Булар нимани билади? Деҳқончилик қилиб юрибдими? Академик бўлса ҳам деҳқончиликни билмаса қийин-да. Экиш уч-тўрт кун кечиккани билан осмон узилиб тушмайди-ку! Ё экилмай қолиб кетадими? Барорини берса бас, эртами-кечми экканига қарамайди. Эрта баҳордаёқ доварага дов солиб, «Экишни тугалладик!», деб рапорт берганларни у кўп кўрган. Чигитни қайта-қайта экади, қанча уруғлик исроф бўлади, ўзиникини тамомлаб, қўни-қўшнидан олади. Қанча меҳнат зое! Оворагарчилиги-чи! Ғалвир сувдан кўтарилганда эса илдизини қурт еган палакдек шалпайиб, дами ичига тушиб қолади. Қийғир урган беданадай бўйнини ичига тортиб, чор тарафга жавдирайди. Баҳонаси — чигит қайта экилган... Ҳа, жўжани кузда санайдилар!

Раис сигарета тутатди. Бир оз ҳовридан тушди.

— Менга қара, Бўрибой,— деб у гавдасини ўриндиққа ташлади.— Мана, неча йилдан бери бирга ишлаймиз. Сендан яширадиган сирим йўқ. Айт-чи, борди-ю, мен сени кўпчиликнинг ўртасида ноҳақ изза қилсам, нима дердинг?

Бўрибой раиснинг аҳволига тушуниб турибди: «Бюрода гап эшитган. Зўрдан зўр чиқибди-да. «Менинг сўзимни икки қиладиган одам ҳали туғилмаган», деб ҳаммани зор қақшатар эдингиз. Арзимаган нарсага одамларнинг дилини оғритардингиз. Сизнинг ҳам шохингизни қайирадиган топилибди-ку, хўжайин! Ҳа, одамнинг кўзи пешанаси тошга текканда очилади. Шу машинанинг тили бўлса айтсин, қанча сўккансиз мени! Қанча эрмак қилгансиз. Андишанинг оти қўрқоқ... Энди ўзингизга келибсиз, ака!»

Бўрибой бу гал ҳам андиша чегарасини бузиб ўтолмади: дилидагини тилига чиқармади: «Ўзи-ку бўлари бўлибди, мен ҳам ўлганнинг устига чиқиб тепмай. Марднинг иши эмас бу. Иззаи мўмин — куфр».

— Билмадим, раис бова.

Раис яна тутақиб кетди:

— Э, сен қанақа одамсан ўзи? Нимани сўрасам «Билмадим», деб турасан. Нимани биласан ўзи? Бирон нарса десанг-чи, ахир, мусулмон!

Искандаровнинг бу гапидан Бўрибойнинг жаҳли чиқмади, аксинча кулгиси қистади. Лекин кулмади. «Қаттиқ савалашибди», деб, ўйланиб қолди. Кўзлари фаралар ёритиб кетаётган ўйдим-чуқур йўлда. Ёмғир ҳамон шаррос қуяр, машина ғилдираклари тез-тез кўлмакларга тушиб чиқар эди.

— Тўғрисини айтсам майлими, раис бова?— деди бирдан Бўрибой.

— Хўш, гапир.

— Борди-ю, мени биров бекордан-бекор сўкса, юзимни шувит қилса, ўша одамнинг бетига қайтиб қарамасдим.

Раис сигарета қолдиғини ойнадан чертиб юборди-да, орқага суянди. «Бу ҳам бало. Гап нимадалигини тушунганга ўхшайди».

— Лекин, ука, дунёнинг ишлари сен ўйлаганчалик жўн эмас-да. Шунақа пайтлар бўладики, бегуноҳ эканингни билиб турсанг ҳам, сени мулзам қилган одамга қарши бирон нарса деёлмайсан, ҳақлигингни исботлаёлмай қоласан. Ғижинасан, асабийлашасан, ўша одамни ичингда сўкасан ҳам, аммо унинг кўзига тик қараб бир оғиз сўз қайтаролмайсан. Билдингми?

— Нимага шундай, раис бова?— дея ўсмоқчилади Бўрибой.

— Ким билади дейсан. Балки одам ўзидан қўрқар...

— Йўқ, раис бова. Одам ўзидан эмас, мансабини олиб қўйишларидан қўрқади. Лекин ҳамма ҳам шундай эмас. Масалан, мен кимдан қўрқаман? Менинг нимамни тортиб олади? Машинани оладими? Ҳа, бу машина бўлмаса бошқаси-да, бошқаси ҳам бўлмаса — кетмон. Кетмонни осонликча ололмайди.

— Кетмон билан қаёққа ҳам борардинг?..

Бўрибой кулди:

— Ҳе, раис бова, қаёққа бориш керак? Нима қилсак ҳам, ким бўлиб яшасак ҳам, бари бир кетмонга, кетмончига ишимиз тушади. Бусиз бўлмайди.

Шофёр ўзидан ақллироқ гап айтганига раиснинг ғаши келди. У Бўрибойни кўпдан бери биларди, аммо бунчалик гапдонлигини пайқамаган экан. Аслини олганда, раис шофёри билан ҳеч қачон бундай самимий гаплашмаган. У ҳозир буни биринчи марта кўнглидан ўтказди. Шунинг учун Бўрибойга миқ этмади. Қайтага гап бошлаганидан пушаймон эди.

— Дурустсан,— деди киноя билан.— Шунча гапни биларкансан-у, мендан яшириб юрибсан.

Бўрибой пичингни фаҳмлади:

— Тўғри гап туққанингга ёқмас...

— Тилинг анча узун бўлиб кетибди, Бўрибой? Билмаган эканман...

Бўрибой озғин, чайир қўллари билан рулни маҳкамроқ сиқиб ушлади. Ўрнидан бир қўзғалиб қўйди.

— Сизга осон: гапим ёқса, ёлғондан бўлса ҳам мақтаб қўясиз, ёқмаса — уришасиз. Менга ўхшаган бечоралар бўлса...

— Ўргилдим сиздақа «бечора»дан! Кийикдай машинанинг рулини тутқазиб қўйибман-а!

— Бир жойдан феълингиз айнаб чиқса, аламини мендан оласиз,— дея қизишди Бўрибой. Ўзини босмоқчи бўлар, аммо ички бир туғён бунга йўл қўймас, юрагида тош бўлиб ётган дардларини тўкиб солишга ундар эди.— Мавриди келганда айтиб қўяй, одамни кўп пастга урманг, раис бова!

Искандаров Бўрибойга тикилди: «Бу тирранча менга гап қайтарадиган бўлибдими? Тавба! Мени ким деб ўйлаяпти ўзи бу? Мажлисдаги гаплар етмагандек. Секретаримиз-ку гапирди-қўйди, ҳали янги, яхши билмайди мени. Аста-секин тушуниб олади. Яна шунақа оёқости қилса, нима деб жавоб қайтаришни ўзим биламан. Мен билан беллашган не-не одамларнинг попугини пасайтириб келганман».

— Сен бунақа баландпарвоз гапларингни бас қил, бола. Лайлак билан тенглашаман деб чумчуқнинг бути йирилганини эшитганмисан?

— Мен сиз билан тенг бўлмоқчи эмасман. Кимсан — Искандаровсиз, мен-чи... Лекин сизнинг етимингиз эмасман! Сиз ҳам шуни билиб қўйинг!

— Ўчир унингни!— деб бақирди Искандаров.— Гап қайтаришни ким ўргатди сенга?

Расмни Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ чизган



Бўрибой раиснинг гапини охиригача эшитмади. Чапдастлик билан моторни ўчирди-да, машина калитини суғуриб олиб раисга узатди.

— Олинг!— Унинг тим қора, думалоқ кўзлари яна ҳам йириклашди, рангпар юзи оқариб кетди. Аъзойи бадани титраб, гапиролмай қолди.— Бундай дағдағани бошқа одамга қ-қиласиз... Мен кўтармайман!

Бўрибой машинадан шартта тушиб, эшикни шарақлатиб ёпди. Шаррос қуяётган ёмғирга ҳам, кетма-кет гулдираётган момақалдироққа ҳам парво қилмай, йўлга тушди. Ўчирилмай қолган машина чироқлари ёруғида раис уни аниқ кўриб турарди. Бўрибой кўздан ғойиб бўлгунча икки марта кўлмакка тойиб кетди. Аммо у ҳеч қаёққа қарамай, жадал илгарилаб борарди.

Искандаров ҳанг-манг бўлиб қолди. Бўрибойнинг бу даражага бориши мумкинлиги етти ухлаб тушига кирмаган эди. Бўлмаса, бунақа ғиди-бидилар биринчи марта эмас. Ҳаммасида ҳам Бўрибой ранжиган, кўнглига олган-у, аммо елкасини қисиб ишини қилиб кетаверган экан-да. «Бугун унда қаёқдан пайдо бўлди бундай журъат? Ё биров ўргатдими? Ҳаммасини кўнглига тугиб, пайт пойлаб юрганмиди? Ҳа, тирмизак, роса пайтини топди лекин».

Раис босиб-босиб сигарета тортди. Ёмғир зўрайгандан зўрояр, машинанинг устида биров ўйинга тушаётгандек дупур-дупур қилар эди. Атрофга разм солди. Зимистон! Икки қадам наридаги нарсани кўз илғамайди. Ялт этиб чақмоқ чақди. Раис беихтиёр Ёмонжардаги Бургутқояга қаради. Болалигида Ёмонжар, Бургутқоя ҳақида кўп ваҳимали гаплар эшитарди. Ҳозир уларни эслашга ҳам юраги дов бермади. Назарида баҳайбат қоя момақалдироқ зарбидан қулаб тушаётгандек туюлди. «Падарингга лаънат! Келиб-келиб шу ерда қолдирасанми?» Раис жаҳл билан тишларини ғижирлатди. «Ҳах, тавба, сенга ким қўйибди тўнгбўйинликни! Ундан кўра, ака-ака, деб қўлтиғимга кирмайсанми, аҳмоқ! Ҳамма ишинг жойида бўлади-ку. Сенинг ор-номусинг кимга зарур кепти! Гўдак! Осмонда юрганга ўхшайсан. Шошмай тур, ўзим тушириб қўяман! Шунда очилади ўша кўр кўзларинг...»

Ёмғир тобора авжига чиқар, йўллар, ариқлар бўтана сувга тўлиб оқар эди. Раис дам-бадам Бургутқояга қараб қўяди. Ёмонжар томондан ниманингдир увиллагани эшитилади. Унинг эти увишиб, баданида чумоли ўрмалагандек бўлди. Бу қўрқувданми, совуқданми — билолмади. Бир мишиқи шу қора ёмғирли тунда нотавон қилиб кетгани алам қиларди унга. Бўрибойнинг орқасидан югурмоқчи, унга етиб олиб, роса калтакламоқчи ҳам бўлди. «Тўхта, Искандаров! Нималар деяпсан? Ўғлинг қатори бола билан ёқалашиб ўтирасанми? Қайтариб солса борми... Нима деган одам бўласан? Биров эшитса гап-сўз кўпаяди. Унга-ку бари бир, қайтага «Искандаровни урдим», деб мақтанади».

Раис ўрнидан қўзғалишга, машина эшигини очишга қуввати етмас, аниқроғи ботинолмас эди. Ёмғирпўшини елкасига ташлаганча қунишиб ўтирар, фараларнинг хира тортиб бораётган нурида чор тарафга олазарак термилар эди. Бургутқоянинг учинасида момақалдироқ гумбирлади, осмоннинг бир парчаси узилиб тушгандек бўлди.

Чақмоқ, момақалдироқ, кучли ёмғир Искандаров кўнглидаги ғулғулани оширар, у ўриндиқда ғужанак бўлиб олган эди. Раис энди ҳеч нарсани ўйламас, ўйлай олмас эди...

Машина чироқлари заифланиб, бора-бора батамом сўнди

Ёмғир челаклаб қуяди.

Яқин атрофда ялт этган учқун кўринмайди...

ЖАМОАТ ФИКРИ

Бу АЖОЙИБ спектакль Тошкентда, республика ёш ижодкорларининг «Илҳом» клуби қошидаги Ёш актёрлар тажриба студиясида, атоқли румин драматурги Аурел Баранга қаламига мансуб «Жамоатчилик фикри» пьесаси асосида яратилди. Пьесани рус тилидан Ваҳоб Рўзиматов таржима қилган. Шу тариқа, спектакль уч миллий социалистик маданият — румин, рус ва ўзбек санъатининг ўзаро уйғунлик касб этган ҳаётбахш заминида вужудга келганлиги айниқса қувончлидир.

Спектаклни таниқли режиссёр Эргаш Масафоев саҳнага қўйди. Бундан ўн икки йил муқаддам ҳали ёш ижодкор бўлган Масафоев Тошкентда номи катта умид уйғотувчи «Ёш гвардия» деган ўзига хос театр ташкил этиб, унга саккиз йил етакчилик қилган, кейинчалик Тожикистонда — Душанбе шаҳридаги ёшлар театрида ишлаган истеъдодли санъаткордир. Ҳозирги кунда у Тошкентдаги Йўлдош Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрида ишламоқда. Ёш актёрлар ҳамиша унга интиладилар, кўплари уни ўзига устоз деб биладилар. Табиатан тиниб-тинчимас, доимо беҳаловат режиссёр эса ҳеч вақт ўз ишлари, ижодидан қаноат ҳосил қилмайди, узлуксиз изланади. Ўтган йил ёз ойларининг жазирама кунларида у отпускага чиқади ва ўн иккита ёш актёрни тўплаб, «Илҳом» клубининг нимқоронғи, сокин залларида ғоят мураккаб ва ғоят зарур пьесани репетиция қила бошлайди.

Бу спектакль бизнинг бугунги ҳаётимиз, бизнинг ўз ҳақимизда, ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, ёвузлик ва эзгуликнинг азалий кураши, ҳалол меҳнаткашлар ва олғир хушомадгўйлар, эътиқод ва виждонга садоқат ҳақида ҳаяжонли лавҳаларда ҳикоя қилади. Спектаклда қатнашувчи ўн бир актёр кенг томошабинлар оммасига у қадар маълум эмас, аммо ўн иккинчи артист — Хайрулла Саъдиевни Ўзбекистонда деярли ҳамма танийди. У ўзбек театри, кино, радио ва телевидениесининг таниқли ва фаол комик санъаткорларидан бири, Ўзбекистонда уни ҳатто «Бизнинг Андрей Мироновимиз» ҳам дейишади. Х. Саъдиев — Республикада хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, доимо жиддий ижодий ишлар билан банд актёр. Кутилмаганда бирданига у кинода навбатдаги ролидан воз кечиб, Масафоев билан биргаликда жамоатчилик асосидаги спектакль устида иш бошлайди.

...Атиги етмиш томошабинга мўлжалланган мўъжазгина зал. Саҳнада парда йўқ. Биринчи қатордан икки қадамгина нарида пастак шоҳсупа. Режиссёрнинг фикрича бу ерда асосан ижобий қаҳрамонлар —«Машъал» газетаси бош редакторининг ўринбосари Китлару (Шуҳрат Зиёмуҳамедов), газета ходими Паскалиде (Баҳодир Нишонов), масъул секретарь Туркулец (Миршоҳид Раҳимов) бошқалардан кўра кўпроқ намоён бўладилар. Бу ерда, шунингдек, пьеса автори ва режиссёрга хайрихоҳ персонажлар — дарғазаб томошабин (Мақсуда Рўзибоева), жабрдийда граждан Чорей Георге ва Матбуот бошқармасининг бошлиғи Константин Брана (ҳар иккала ролни Абдусамат Жўрабоев ижро этган) ҳам вақтивақти билан кўринадилар.

Орқада, олис ва баланд девор олдида — шундоққина шифт остида ёвуз, маккор Кристиною —«Машъал» газетасининг бош редактори —«шеф»нинг қароргоҳи жойлашган. Навбатдаги ифво-можаро тўқилаётган қалтис вазиятларда «шеф»нинг қароргоҳи атрофида тўртта қора шарпа гирдикапалак бўлиб изғиб қолади. Булар Кристиноюнинг югурдаклари: бўлим мудири Бэженару (Жумадулла Раҳматов), газета ходимлари Ионице (Миртуроб Миркамолов), Манолеску (Амина Ибатуллина), Брахару (Ҳайитали Низомиддинов).

Шундай қилиб, ижобий қаҳрамонлар томошабин кўз ўнгида яққол гавдаланади; олисда, орқа планда эса ғира-шира зулмат қўйнида ғимирлаб юрган салбий шахслар кўринади. Пьеса автори сингари режиссёр ҳам қаҳрамонларга ўз муносабатини — ғазаб ва муҳаббатини аён ифодалайди. Спектакль қаҳрамонлари шароит тақозосига кўра баъзан ана шу икки қутб орасида қолганларида, қайси томонга қадам қўйишлари — эзгулик ва ёвузликка элтувчи йўлларнинг қайси бирини танлашларига қараб уларнинг шахсияти ҳамда табиати очила боради: Спектакль ижодкорлари томошабинга ақл ўргатишга, панд-насиҳат қилишга уринмайдилар, аксинча, ана шундай мушкул дамларда баъзан аниқ бир қарорга келиш нақадар оғир ва маҳоллигини кўрсатишга интиладилар. Аммо бу қарор айни дақиқада, томошабин кўз ўнгида амалга оширилиши шарт. Худди ана шу қарор қаҳрамоннинг бутун жамоат олдида ҳақиқий қиёфасини кўрсатади, уни чинакам инсон, муросасиз курашчи ёки амалпараст, мунофиқ бир кимсага айлантиради. Шу иккининг бири, учинчи йўл йўқ...

Мана, Китлару — у спектаклнинг бошқарувчиси ҳам. У нимаики иш қилмасин, давлат ва жамият манфаатларини, одамларга бирор наф етказишни ўйлайди. Бироқ, маълумки, эзгулик тантанасига осонликча эришиш мумкин эмас. Ижтимоий ҳаётдаги ўтмиш иллатлари ғоят яшовчан, улар зудлик билан ўз шаклини ўзгартириб, тинимсиз турланиб-товланиб туради. Шу сабабли бу иллатларни


Кейинги йилларда республикамизнинг ёш ижодкор зиёлилари замонамизнинг қайноқ нафасини, бугунги куннинг долзарб ижтимоий муаммоларини акс эттирувчи ғоявий-бадиий етук асарлар яратиш йўлида бир қанча қувончли ютуқларга эришдилар. Бу борада КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёш ижодкорларга ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш ҳақидаги кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Республикамиз санъатининг бошқа соҳаларида бўлганидек, театр санъатида ҳам ёшлар катта авлоднинг бой ижодий тажрибаларига таяниб, алоҳида ғайрат ва маҳорат кўрсатиб ижод қилмоқдалар. Профессионал театрлар билан бирга кўплаб халқ театрлари, тажриба студияларида яратилаётган энг яхши асарлар сердавқ томошабинларга манзур бўлмоқда.

Қуйида мухбиримиз, ёш санъатшунос Тўрамирза Жабборовнинг ана шундай ижодий коллективлардан бири — Ёш ижодкорларнинг республика «Илҳом» клуби қошида ташкил этилган Ёш актёрлар тажриба театр студиясининг режиссёри Эргаш Масафоев билан суҳбатини ўқийсиз.

ОРЗУ ВА ИСТИҚБОЛ

М у х б и р. Маълумки, театр — эзгулик минбари, санъаткор кечинмаларининг қудратли салтанати эса қилич билан ишғол қилиб бўлмайдиган мустаҳкам қалъа — инсон қалбини забт этишга қодир мўъжизакор кучдир. Ҳақиқий актёрнинг саҳнадаги иститроби бир зумда минглаб томошабиннинг дардига айланиб, уни ҳаётдаги ноҳақликларга лоқайд қарамасликка ундайди. Томошабин санъат сеҳри туфайли исёнкорга айланади.

Р е ж и с с ё р. Ҳақиқатан ҳам, санъатнинг бошқа турлари сингари, театр тарбия воситаси сифатида улкан ижтимоий қудратга эга. Театр тарихидан маълумки, баъзан бир спектаклнинг кучли таъсири туфайли зал тўла томошабин беихтиёр бутунлай бошқача фикрлайдиган одамларга айланиб қолишган. Масалан, революциянинг дастлабки йилларида Россия театрларида қайта-қайта намойиш этилган Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ қишлоғи» спектакли тугагач, залдаги томошабинлар тўғри фронтга қараб йўл олганлар. Ёки Улуғ Ватан урушининг шиддатли йилларида жангга отланган ўзбек йигитлари фронтга кетиш олдидан Ҳамза номидаги театр саҳнасида Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмасини кўргач, залдан босқинчи душманлардан аёвсиз қасос олишга қасамёд қилиб чиққанликларини эслайлик. Реакцион санъат жамият та-



Китлару — артист Шуҳрат Зиёмуҳамедов.



Кристиною — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хайрулла Саъдиев.



Марчика Тунсу — артист Малика Иброҳимова.

тараққиёт йўлидан супуриб ташлаш кишидан катта жасорат, муросасиз қалб, гражданлик шижоати ва инсоний ҳалоллик талаб этади.

Шуҳрат Зиямуҳамедов Китларунинг мураккаб образини муваффақиятли ярата олган. Актёр ўз қаҳрамонини бир оз тортинчоқ, соддадил, камсуқум киши сифатида, кундалик ҳаётимизда минглаб учрайдиган оддий меҳнаткаш замондошимиз сифатида талқин этади. Хусусан, Китлару томошабинларнинг кўзига тик қараб, тинч, ҳалол турмуш кечиришимизга халал бераётган иллатлар ҳақида юксак ҳаяжон билан тўлиб-тошиб сўзлайдиган саҳналарда Зиямуҳамедовнинг маҳорати айниқса яққол намоён бўлади. Бироқ комик вазиятларда артистнинг бир оз заифлиги сезилади, бу ҳолатларда унга табиийлик, хатти-ҳаракатларда эркинлик, самимий кулги ва шўх хушчақчақлик етишмаётгандек туюлади. Зикр этилган фазилатлардан маҳрумлиги туфайли Китлару образи ўз жозибаси, бадиий имкониятларини хиёл йўқотгандек таассурот қолдираракқиётига катта салбий таъсир кўрсаташи маълум. Баъзи бир буржуа фильмлари таъсирида ёшларнинг ўғрилик ёки безориликка «ҳавас» қўйиши ғоят ачинарлидир.

Шу сабабли ҳам ижод майдонига қадам қўйган санъаткор кимга ва қандай мақсадларга хизмат қилаётгани ҳақида умр бўйи ўзига ҳисоб бериб бориши лозим.

М у ҳ б и р. Эргаш ака, Сиз саҳналаштирган спектаклларни кўрганимда, Москванинг Таганкадаги драма ва комедия театри бош режиссёри Ю. Любимовнинг ижоди беихтиёр ёдимга тушади. Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун», Б. Брехтнинг «Сезуанлик хушкўнгил киши», В. Шекспирнинг «Гамлет», Б. Васильевнинг «Бу ернинг тонглари сокин», Ф. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», М. Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» асарлари асосида Любимов саҳнага қўйган спектакллар Иттифоқимиз бўйлаб катта шуҳрат қозонди. Ю. Любимовнинг режиссёрлик услуби шартли-маъжозий унсурларга, рамзий ифодаларга бойлиги билан ажралиб туради. «Бу ернинг тонглари сокин» спектаклида биргина машина кузови ҳам ҳаммом, ҳам дарахтзор, ҳам хона, ҳам кузов вазифасини ўтаса, «Гамлет»да пардаларнинг ўзи ягона декорация бўлиб, ҳар бир кўринишда унга улкан рамзий маъно юклатилади, «Жиноят ва жазо»да эса нурга кишан солинади.

Бу театрга йилда бир марта тушиш насиб этган москвалик томошабин учун шу кун катта байрамдир.

Р е ж и с с ё р. Любимов — мен ҳамиша ҳавас қиладиган ягона театр режиссёридир. Унинг ижодидаги сиз тилга олган фавқулодда рамзийлик, шартлилик фазилатлари менга айниқса ёқади. Маълумки, санъаткор томошабинни ўз кечинмаларига айланган қаҳрамоннинг ички кечинмалари орқали тарбиялайди.

Шунинг учун ҳам у, боя таъкидлаганимиздек, томошабинни ўз ички кечинмалари орқали қайси йўлга бошлашини ҳам аниқ билиши шарт.

М у ҳ б и р. Эргаш ака, Сиз тожик драматурги А. Сидқийнинг «Ёш гвардия» театрида саҳналаштирган «Нон, қон ва инсон» драмаси режиссёр кашфиётлари эвазига анча салмоқли спектаклга айланган. Айниқса, спектакль муқаддимасида ҳозирги баъзи ёшларнинг нон қадрига етмай увол қилишини яққол кўрсатувчи деталь — нон бўлакларининг хоккей тўпидек тепилиши асар руҳига жуда ҳам мос бўлган пантомима орқали ифодаланган. Спектаклдаги бир бурда нон сўраб чўзилган қўлларнинг хатти-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш зарур. Томошабин актёрни кўрмасада, унинг илтижо билан чўзилган қўлларини кўргач, асар моҳиятини чуқур идрок этади. Бу рамзий деталларда шахс ди. Назаримда, ана шу хусусиятлар таҳлили режиссёр ва актёр учун катта фаолият майдони бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

«Шеф»— Кристиноюга осон, маза қилиб яшайди, деб ўйлайдиган одам янглишади. Ахир, унинг турмуш тарзи жаҳаннам азоби билан баробар: бу қадар баланд, бу қадар юмшоқ, бу қадар қулай креслони ўнгу сўлдан бўладиган ҳужумлардан, тасодифий зарбалардан омон сақлаш учун у доимо жонсарак, доимо ҳадигу хавотирда яшашга маҳкум.

Бу образ талқинида Хайрулла Саъдиев трагикомедиянинг ҳақиқий чўққиларини забт эта олган.

Мана, қудратли, ҳукмфармо Кристиною салобат билан саҳнада пайдо бўлади. Ёнида ҳеч ким йўқ, шу сабабли ёлғизлигида у кичик, ювош, ҳатто беозор, аммо қаршисида қўл остидагилар кўриниши билан «шеф» бир лаҳзада буткул бошқа қиёфага киради — қадам босишларида кибр-ҳаво пайдо бўлади, қисиқ, бежо кўзларида телба ҳукмронлик истаги йилтирайди. Кристиною — Саъдиевнинг овози бир зумда минг хил оҳанг касб этади. Спектаклни томоша қилаётиб, бу турли-туман товушларнинг бир кишига мансуб эканига баъзан ақл бовар этмай қолади: эшитилар-эшитилмас шивир ва ваҳший қичқириқ, қўрғошиндек оғир ҳайқириқ ва барқутдек майин кулги — буларнинг барчаси Кристиноюнинг маккор, устомон табиатини, ёвузлик макони бўлган қалб моҳиятини очиш учун хизмат қилади.

Актёр Кристиною қўлларининг ҳаракатларига айниқса алоҳида эътибор беради, уларга катта маъно юклайди. Гоҳ бу қўллар тепага кўтарилади — уларда илтижо, таажжуб, довдираш акс этади, гоҳ қўл остидагилар боши узра ўткир қиличдек ҳаволанади; гоҳ эса бир палласига ўзи ва югурдакларининг, иккинчи палласига Китлару ва барча ҳалол кишиларнинг тақдири қўйилган тарозига айланади...

Кристиноюнинг ёвуз қудрати унинг сўнгги нутқида очиқ-ойдин намоён бўлади. Томошабин кристиноюлар бирва жамият муносабатлари муаммоси бадиий ифода топган.

Шуни таассуф билан қайд этиш зарурки, театрларимиз репертуаридаги баъзи саёз асарлар томошабинлар савиясига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, одамларнинг муқаддас саҳна санъатига ихлосини сўндирмоқда. Масалан, республикамизнинг бир қанча атоқли санъаткорларини тарбиялаб вояга етказган, ўз ижодий анъаналарига эга бўлган Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма театрининг бугунги репертуарини бир кўздан кечиринг-а: «Кампирга совчи келди», «Чоллар ва кампирлар», «Овсинлар-эй, овсинлар!»...

Бундан ташқари, театрларимизда шундай бир ёмон одат бор: эски режиссёр ишдан кетиши билан у яратган спектаклларнинг умри тугайди. Бу режиссёр нақадар истеъдодли санъаткор бўлмасин, у ўрнатган тажриба ва анъаналар янги режиссёрга нима учундир мутлақо маъқул келмайди. Масалан, М. Горький номидаги Тошкент Давлат рус академик драма театрида режиссёр В. Стрижов театрнинг бадиий имкониятларини яққол намоён этувчи ўнга яқин ажойиб спектакль яратган эди. Афсуски, Стрижов театрдан кетиши билан томошабинлар қалбидан чуқур жой олган спектаклларнинг бирортаси ҳам қайтиб саҳна юзини кўрмади. «Ёш гвардия» театрининг ғоявий-бадиий йўналишини белгиловчи бир қанча спектакллар ҳам Сиз ишдан кетгач, қўйилмайдиган бўлди.

Бу спектаклларни томоша қилиб улгурганларда ачинарли хотирагина қолди, холос.

Асримиз бошида К. Станиславский ва Е. Вахтангов томонидан саҳналаштирилган спектакллар, бу режиссёрлар вафотидан ярим аср кейин ҳам Москва театрларида муваффақият билан қўйилиб келмоқда. Наҳотки, бизда куни кеча кўп заҳматлар, машаққатли меҳнатлар эвазига яратилган, дуруст-дуруст спектакллар шу қадар тез унутилса?

Р е ж и с с ё р. Бу жуда мураккаб ва нозик масала. Ҳозир театрларнинг бадиий савияси бош режиссёр даражаси билан боғлиқ. Театрда бош режиссёрнинг «бўйидан баланд асар» яратилмайди. Бизда ижтимоий проблемаларни, бугунги куннинг долзарб муаммоларини дадил, теран таҳлил қилишга қодир режиссёрлар кам. Режиссёрлик асри ҳисобланган бизнинг давримизда режиссёр ўз ижодий программасига эга шаклланган санъаткор бўлмоғи керак. Атоқли адибларимиздан бири «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёриш учун сарфламаслик керак», деган эди. Ҳолбуки кўпгина режиссёрлар театр молия планини қандай йўллар билан бўлса-да, бажариш эва-

қобилияти кишини тонг қолдиради. Унинг талқинида тўрт образ тўрт хил тўлақонли характер сифатида гавдаланади: Отилия — тортинчоқ, ҳали ўзлигини топмаган, ўттиз ёшида муҳаббат ва журналистика соҳасида дастлабки журъатсиз қадамлар ташлаётган бир қиз; Жина — санъатга чин дилдан садоқат қўйган, истеъдодини тан олдириш орзуси билан куйиниб яшаётган актриса; Никулина Гологан — ор-номус «кишанлари»ни узиб, сексуал «эркинлик» тутқунига айланган, ўта замонавий мешчаннинг типик тимсоли; Марчика Тунсу — бу образга икки оғиз сўз билан таъриф бериш мумкин эмас.

Режиссёр ва актрисанинг чинакам бадиий кашфиёти бўлган бу образ талқинидаги новаторлик айниқса таҳсинга сазовор. Одатда, бундай роль енгил истеҳзо, қув табассум билан ёндашишни тақозо қилади. Аммо Иброҳимова талқинида у теран драматик изтироб тимсолига айланган. Марчика — Иброҳимова бутун саҳна давомида чуқур ғуссага ботган, лоқайдлик, адолатсизликдан покиза қалби ларзага тушган олижаноб инсон сифатида намоён бўлади. Актриса рус тилида ижро этган «Гўзал бўлиб туғилма — бахтли бўлиб туғилгин» деган қўшиқ ҳам спектаклнинг ғоявий-бадиий йўналишига ғоят мос тушган. Иброҳимова қаҳрамоннинг ташвишлари ҳақида қайғу билан сўзларкан, гўё ўз ижодий тақдири (бу истеъдодли актриса «Ёш гвардия» театрида тўрт йилдан буён жиддий бир роль кутмоқда) ҳақида ҳам ҳикоя қилаётгандек туюлади...

Аурел Баранганинг пьесасида иккинчи даражали роллар йўқ. Шу сабабли спектаклдаги зоҳиран мулойим, аммо писмиқ ва ёвуз Брахару (Ҳайитали Низомиддинов) ҳамда бошлиғининг чўрисига айланаёзган, ўта муте, лекин ҳақиқат ва виждон масаласи тарозига қўйилган пайтда бир оз журъатсиз, лекин изчил тарзда адолат тарафдори бўлиб чиққан Кристиноюнинг котибаси (Карима Маликова) образлари ҳам эсда қолади. Уларнинг ҳар бири хусусида батафсил фикр юритиш мумкин, аммо мен бошқа бир фактга алоҳида тўхталиб ўтишни истардим: маълумки, А. Баранганинг бу пьесаси ажойиб бадиий фазилатлари билан машҳур ва ўн икки йилдан буён турли мамлакатлар театрлари саҳналарида муваффақият билан намойиш қилиб келинмоқда. У сўнгги олти йил ичида Иттифоқимиздаги бир қанча театрлар томонидан саҳналаштирилди. Аммо совет саҳна санъати бу спектакларнинг фақат иккитаси билангина фахрланишга ҳақлидир. Биринчиси — Ленинграддаги М. Горький номли Давлат катта драма театрида Георгий Товостоногов саҳнага қўйган, юксак гражданлик руҳи билан йўғрилган спектакль. Бу асарда Кристиноюи ва Китлару ролларини ижро этган Евгений Лебедев ва Олег Борисовнинг маҳорати узоқ вақт ёдда сақланиб қолади. Пьесанинг яна бир ажойиб талқини Москвада, Малая Бронная-даги театрда яратилди. Шўх, қувноқ кулги ва нозик, тагдор қочиримларга ғоят бой бу спектаклни режиссёр Андрей Дунаев саҳнага қўйган бўлиб, Китларунинг (Валентин Смирнитский) ёқимтой жозибаси сабабли томошабинларга манзур бўлди.

Мана, ниҳоят, пьесанинг учинчи талқини — ғоят жиддий ва серқулги спектакль Тошкентда, ёш ўзбек актёрлари томонидан яратилди. Бу спектакль саҳнага эндигина йўлланма олди, у ҳали ўсиб-улғайиб, янги бўёқлар билан бойиб боражаги шубҳасиз.

Аммо бу асар ҳозирнинг ўзидаёқ республика маданий жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мен спектакль ҳақида ўзбек маданиятининг таниқли арбоблари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла, Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари Раҳима Назарова, Ёш томошабинлар театрининг кекса ходими, Ўзбекистон халқ артисти Обид Толиповнинг, оддий томошабинларнинг мулоҳазаларини сўраганимда, ҳаяжонли, юксак баҳоларни эшитганимни чуқур мамнуният билан қайд этаман.

Ёш актёрларнинг тажриба студияси Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлигида, бир қанча адабий-маданий ташкилотларнинг яқиндан бераётган кўмаги асосида иш олиб бормоқда. Бу эса республикада ёш ижодкорлар билан ишлаш, уларга муттасил ғамхўрлик кўрсатиш борасида катта ижодий-ташкилий тадбирлар амалга оширилаётганидан яна бир бор далолат беради.

Тошкентда «Илҳом» клубининг нимқоронғи, сокин саҳнасида санъатга чинакам эътиқод қўйган истеъдодли ёшлар кучи билан вужудга келган бу асар ўзбек театр санъатидагина эмас, балки республиканинг бутун маданий ҳаётидаги муҳим воқеадир — спектаклни кўрган, кўраётган кенг жамоатчиликнинг фикри ана шундай.

Юлий ГАЛКИН

Москва



Режиссёр Эргаш Масафоев «Жамоатчилик фикри» спектаклининг иштирокчилари билан машғулот ўтказмоқда.

А. ЖДАНОВ фотолари

зига гердайиб юришибди. Томошабинларни енгил-елпи, бачкана кулги, саёз мелодрамалар билан жалб этишга уриниш театрнинг инқирозидан далолат беради.

Мухбир. Ҳа, бизнинг давримизда шахснинг ижтимоийлиги тобора ошиб бормоқда. Кундалик ҳаётда томошабин XX асрнинг ташвишлари, дарду қувончи билан яшаса-ю, саҳнада ана шу ўз дарди, ташвишлари ўрнига енгил-елпи, олди-қочди воқеалардан иборат асарларни кўрса-чи? Кўпгина театрларимиз томоша залларининг ҳувиллаб ётишининг асосий сабаби ҳам шунда. Томошабиннинг пинҳоний дардларига, изтиробларига ҳамнафас, дардкаш бўла оладиган қаҳрамонлар зарур.

Режиссёр. Тўғри, ана шундагина томоша заллари администраторларнинг тадбиркорлиги эвазига эмас, балки ички эҳтиёж — маънавий заурат туфайли театрга билет тополганидан боши кўкка етгудек қувонган томошабинлар билан тўлади.

Мухбир. «Ёш гвардия» театрида Сиз саҳналаштирган М. Байжиевнинг «Баҳс» ва «Ҳар бир хонадонда байрам», А. Салимскийнинг «Фидойи», П. Вайснинг «Освенцим жаллодлари», А. Макаёнокнинг «Трибунал», Ян Соловичнинг «Мудҳиш вазият ёки кўчага чиққан гап», А. Алексеев, Ф. Литвинскаянинг «Ойдин» пьесалари асосида яратилган спектакларни томошабинлар хийла совуқ қарши олдилар. Демак, аввало томошабинларни ана шундай асарларни ҳам идрок этишга аста-секин кўниктириб бориш керак. Бу мураккаб вазифани ҳам театр ўз зиммасига олиши лозим.

Режиссёр. «Илҳом» тажриба студияси саҳнасида А. Баранганинг «Жамоатчилик фикри» пьесаси асосида яратилган спектакль, назаримда, ана шу мақсад йўлидаги дастлабки қадам бўлиши мумкин. Бу спектакль анча-мунча қийинчиликлар, машаққатлар билан дунёга келди. Спектакль иштирокчиларининг аксарияти профессионал театрларда роль кутавериб, саҳнада бутун истеъдодини намойиш қилиш орзусида юрган ёш актёрлар эди. Шунинг учун машқларни гоҳ театрларда иш бошланмасдан — эрта тонгда, гоҳ эса иш тугагач — ярим кечагача ўтказишга тўғри келди. Бу спектаклда рамзийлик анча соддалаштирилгани учун томошабинлар илиқ қаршиладилар.

Мухбир. Ҳар бир актёрнинг ўз мураббийси, режиссёри бўлади. Актёр фақат шу режиссёр билан ишлагандагина иқтидорининг барча қирралари ярқираб очилади. Малика Иброҳимова ва Мадина Маҳмудова, Мурод Ражабов ва Комил Насриддинов истеъдоди Сиз саҳналаштирган спектакларда биринчи марта намоён бўлган эди. Бундан кейин ҳам улар анча-мунча роллар ижро этдилар. Бироқ, назаримда, уларнинг ижроси ҳамон ўз режиссёрига муҳтож. Малика Иброҳимованинг «Жамоатчилик фикри» спектаклидаги муваффақиятини чин дилдан қутлаш керак, чунки деярли унутилаёзган истеъдод шу асар туфайли яна ўзлигини кўрсатди.

Режиссёр. Актёрнинг ўз режиссёри бўлади, деганларидек, режиссёрнинг ҳам ўз актёрлари бўлади. Режиссёр фикрини, бадиий мақсадларини шу актёрларга теранроқ уқтира, англата олади. Фақат шу актёрлар режиссёр мақсади ва мушоҳадаларини бошқалардан кўра ёрқинроқ ифодалай билади. Мен ана шундай ижодкорлар —«ўз актёрларим»ни аста-секин қидириб топяпман. Изланиш йўлида ютуқ ва мағлубиятлар, топиш ва йўқотишлар кўп бўларкан. Мен 1976—1977 йилларда Тожикистон Давлат ёшлар театрида бош режиссёр бўлиб ишлаб, К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», А. Сидқийнинг «Дилшод», Шарқ эртаги асосида ёзилган «Овчи Манук» спектакларини саҳнага қўйдим. Улар ҳам мен учун изланиш-изланиш борасида бир сабоқ бўлди. Ҳозир эса Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида бир қанча асарларни саҳналаштирдим. Болалар театрида ишлашнинг ўзига хос заҳматлари бор. Ҳаётга эндигина қадам қўяётган, муқаддас санъат даргоҳи — театр остонасидан илк бор ҳатлаган ёш томошабинни алдаш мумкин эмас. Бундан ташқари, мен яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида ташкил этилган тажриба театр студиясида ҳам ёш актёрлар билан машғулотлар олиб боряпман. Студияни очишда атоқли адиблар Комил Яшин ва Туроб Тўла ўртоқлар бизга яқиндан ёрдам бердилар. Студияга санъатга чинакам эътиқод қўйган актёрларгина қабул қилинади. Бу ерда «темир интизом» ўрнатилган. Айни кунларда В. И. Ленинниинг 110 йиллигига бағишлаб тайёрлаётган адабий-драматик композициямиз ниҳоясига етиб қолди. Шунингдек, келгуси режаларимиздан бири Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драмаси асосида спектакль яратишдир.

Мен ҳали «темир интизом», деган иборани ишлатдим. Бизнинг ишимизда ҳақиқий «темир интизом» бўлмаса, тинимсиз меҳнат ва машаққатсиз бирор жиддий натижага эришиш маҳол. Буюк Гётенинг ўлмас «Фауст» асарида: «Санъатда косиблик — козибликка тенг», деган ҳикмат бор. Мен ана шу ижодий ҳикматни ўзимнинг санъатдаги эътиқодим деб биламан. Шу эътиқодга доимо содиқ қолишга интиламан. Бу ҳикмат бирга ишлайдиган шогирдларим ва дўстларим учун ҳам ижодий эътиқодга айланишини орзу қиламан.



Қадам Саидмуродов Урганч шаҳрида туғилган. 1974 йили В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг чет тиллар бўлимини тугатган. Ҳозир Республика радиосида ишламоқда. Шеърлари вақтли матбуотда тез-тез босилиб туради.

Қадам САИДМУРОДОВ

* * *

«Уруш тамом!»—
Янгради хабар,
Қишлоқ кўзи йўлга қадалди.
...Ким ногирон,
Кимдир бут-бутун —
Она юртга шодмон йўл олди.

Қишлоқ бўйлаб таралган қувонч,
Кунлар ўтиб,
Қўрқинч солди
Она қалбига...
Кимлар учун тугаган кулфат
Унинг учун қайта бошланди...

* * *

Осмон тиниқ,
Гард йўқ ҳавода.
Қушлар сайрар,
Гуллар тебранар
Тонгги сабода.
Гўдак ҳайрон,
Бир саволни такрорлар қайта:
— Ойи, айтинг,
Бобомнинг
Бир қўли қайда?..

* * *

Емғир яқин келтирди бизни
Бир соябон остига қадар.
Топган эдим мен юлдузимни,
Ўйлаганим сен бўлсанг агар.

Суҳбатлашиб, ўйланиб кўрдик
Кейин эса ажралдик осон.
Бир соябон остида эдик,
Бошимизда иккита осмон...

* * *

Бир тилда гаплашамиз
Сен-ла, юрагим.
Бир-бирин англамас
Ҳеч ким бизчалик...
Лекин кимдир —
Тили бошқа,
Дили бошқа —
Сени менга,
Мени сенга
Бермоқ бўлар
Таржима қилиб...

Соврин

Эҳтирос-ла сайради Булбул,
Аммо тегди Тўтига тортиқ:
«Сўзимизни маъқуллар нуқул,
Бизга Тўти Булбулдан ортиқ».

НИШОНА

Тақриз



МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

«Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин кўрсатган йўлдан бориб,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида,— бутун дунёга миллий масалани адолатли ҳал қилиш намунасини кўрсатди».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда миллий муносабатларнинг ривожланишини тадқиқ этиш тарихчиларимизнинг фахрли вазифасидир. Олимлардан З. Орифхонова ва В. Чеботарёванинг ана шу масалага бағишланган монографияси[1] статистик ва архив материалларидан кенг фойдаланган ҳолда республикамизда ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши билан боғлиқ асосий босқичларни атрофлича таҳлил қилганлиги жиҳатидан қимматлидир. Монография СССР халқларининг аҳил оиласида республикамиз меҳнаткашлари эришган улкан ютуқларни кўз ўнгимизда бирма-бир намоён этади. Унда миллатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш ҳақидаги ленинча принцип асосида ўзбек миллий давлати ташкил топишининг жаҳоншумул аҳамияти алоҳида таъкидланади. Партиямиз Ўрта Осиёда миллий давлат қурилишини бу ердаги аниқ тарихий шароитларни, миллий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини кўзда тутган ҳолда амалга оширди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси миллий ва ижтимоий хўжалик шарт-шароитларини ҳисобга олиб тузилган дастлабки совет давлати формалари эди. Зарур иқтисодий, сиёсий ва маданий замин етилгач, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилди. Натижада социалистик миллий давлатимиз — Ўзбекистон ССР ташкил топди. Ўзбек социалистик миллатининг шаклланиши учун шароит яратилди, ўлкамизни социалистик тубдан ўзгартириш учун асосий омил вужудга келди.

Монографияда ленинча миллий сиёсатнинг иқтисодий ва маданий аспектларига катта эътибор берилган. Республикамизда ўтмишдан мерос қолган иқтисодий қолоқлик тугатилди. Ўзбекистонда социализм қуриш тажрибаси Ленинниинг муайян шароитларда қолоқ мамлакатларнинг феодализмдан социализмга капитализм босқичини четлаб ўтиши ҳақидаги таълимоти нақадар ҳаётий эканлигини амалда исбот этди. Ана шу тарихий тажриба бугунги кунда ривожланаётган ёш давлатлар учун катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиздаги кўп миллатли ишчилар синфининг дўстона самимий ёрдами туфайли республикамиз халқ хўжалигининг индустрлашиши иқтисодий тенгликнинг асоси бўлиб қолди. У саноатнинг муҳим маҳсулотларини етказиб берадиган қудратли ўлкага айланди, Умумиттифоқ ишлаб чиқаришидаги салмоғи кескин ошди.

Рисолада ленинча кооператив план асосида республикамиз қишлоқ хўжалигини қайта қуриш жараёни миллий масаланинг ҳал этилиши билан узвий боғлиқ ҳолда баён қилинади. Иттифоқимиздаги қардош халқлар кўмагида республикамизни ёппасига коллективлаштириш муваффақиятли тугалланди. Ер-сув ислоҳоти ўтказилди, ердан мустамлакачилик асосида фойдаланишга ва меҳнаткаш деҳқонни бой-феодалларча эзишга батамом хотима берилди, гражданлар уруши даврида хонавайрон бўлган қишлоқ хўжалиги тикланди.

Китобда Ўзбекистонда колхоз тузумининг моддий-техника базасини яратишда рус ишчилар синфининг тутган мавқеи, колхозларимизнинг ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамланишида фаол иштироки атрофлича кўрсатилган.

Асарда маданият борасидаги қолоқликни тугатиш ва ўзбек социалистик маданиятининг таркиб топиш жараёнлари ҳам қамраб олинган. Ўлкамизда маданий қурилиш тез суръатлар билан олиб борилди. Кўплаб умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта ўқув юртлари ташкил этилди, ёш зиёлилар авлоди етишди, шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек совет адабиёти ва санъати барпо этилди.

Ўзбекистоннинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларидан иборат ижтимоий-синфий таркибининг шаклланишини ҳам авторлар атрофлича ўрганганлар. Янги ижтимоий-сиёсий структура ўзбек социалистик миллатининг камол топиши ҳамда мамлакатимиздаги миллатлар ва халқларнинг дўстона ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос бўлганини қайд этганлар.

Социализм қуриш даврида ва ривожланган социализм жамияти шароитида республикамиз меҳнаткашларининг саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришда эришган ютуқлари республикамизнинг умумиттифоқ хўжалик интеграция доирасидаги мавқеини мустаҳкамлади.

Авторлар, иқтисодий тенглик муаммоларининг муваффақиятли ҳал этилишига қарамасдан, республикамиз бир қатор кўрсаткичлар бўйича ҳали баъзи иттифоқдош республикалар даражасига етиб олмаганлигини уқтирдилар. Бунга ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштириш, илмий-техника революцияси талабларига мувофиқ ускуналарни ва технологик жараёнларни такомиллаштириш, саноат тармоқларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш орқали барҳам берилаётганлигини мамнуният билан таъкидлайдилар.

Ўзбек маданиятининг ривожланган социализм шароитидаги интернационал асослари, халқимиз санъати ва адабиётининг ўзаро таъсири, классик мероснинг ҳозирги ўзбек ёзувчилари, санъаткорлари ижодидаги роли, умуман, маданиятнинг меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялашдаги аҳамияти масалалари ҳамда партия ва ҳукуматимиз ленинча миллий сиёсатининг тантанаси учун олиб борган тарихий ва жанговар фаолияти назарий умумлаштирилган бу китоб тарихни сохталаштирувчи буржуа идеологларига қарши кескин жавобдир.

М. ПЎЛАТОВА,
Р. РАБИЧ,
тарих фанлари кандидатлари

[1] З. Орифхонова, В. Чеботарёва. Решение национального вопроса в Узбекистане. Изд-во «Фан», Ташкент — 1979.

УМИД НИҲОЛЛАРИ

Теварак-атрофимизни қуршаган муҳит, воқеа-ҳодиса ва буюмларни ҳар бир киши кўра олади, аммо улар замиридаги пинҳоний гўзалликни илғай билиш барчага ҳам насиб этавермайдиган ноёб иқтидордир. Одам ўз қобилияти, зеҳни ва синчковлигига қараб тасвир нуқтасининг нозик, гўзал ҳаётий қирраларини илғаб олади. Журнал муқовасининг тўртинчи бетида эътиборингизга ҳавола қилинаётган сара бадиий асарлар гўзалликка астойдил меҳр қўйган бир неча ёш санъаткорлар ижодига мансубдир. Бу асарларнинг яратувчилари ўз ижодларида оригиналлик ва бадиий таъсирчанликка эришиш учун изланаётганликлари шакл ва мазмуннинг изчил мутаносиблигида, бўёқларнинг табиийлигида яққол сезилиб турибди. Ёш ижодкорлар тасвир объектининг моҳиятини тўлароқ англашга имкон берувчи яширин қирраларни маҳорат билан уйғунлаштириб, мукаммал композицион қурилишга эга яхлит санъат асари яратишга интиладилар ва шу баробари қалб кечинмалари, ҳайрат ва ҳаяжонларини биз билан баҳам кўрадилар.

Бу ижод намуналарининг барчасига — рассомлик, ҳайкалтарошлик ёки амалий санъат асарларига хос умумий хусусият, уларда шаклбозликдан далолат берувчи нуқсонлар йўқлигидир. Уларнинг деярли ҳар бири аниқ ва пухта мантиқий композиция асосида ишланган.

Маълумки, санъат асарининг мазмунини томошабин ёки китобхон шуурига тўла етказиш билан бирга, уни теран таҳлил этиш ва янада мукаммаллаштиришга интилиш ёш ижодкорларнинг табиий равишда фавқулодда шаклий ва услубий изланишларига олиб келади. Лекин бу яхши ижодий ният барча ёшлар ижодида ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек амалга ошавермайди. Бу эса ўз навбатида ёш ижодкорлардан санъатнинг бош йўли, унинг эзгу мақсад ва вазифалари хусусидаги ўз қарашларини замон ва давр талаблари билан доимо уйғунлаштиришни талаб этади. Шу маънода Республика ҳаваскор рассомларининг кўргазмасида намойиш этилган асарлар орасидан танлаб олинган бу ижод намуналари ёш санъаткорларимизнинг ижодий изланишлари бесамар кетмаслигига катта умид уйғотади.

С. РАҲМАТОВ

Китоблар оламида

ТИНИҚ ТАҲЛИЛ



Ортиқбой Абдуллаев дадил мақолалари ва тақризлари билан танқидчилигимизда кўзга кўриниб қолган ёшлардандир. Бу эса унинг китобига[1] (гарчи у биринчи йирик иши бўлса ҳам) юксак талаблар асосида ёндашиш ҳуқуқини беради.

Автор китобда адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг бугунги қиёфасини акс эттирган актуал, шу билан бирга «жанжалли» бир талай масалаларни қамрашга интилган. «Яна аруз ҳақида» деган бобда у классик ва демократик адабиётимиз намояндалари ижодидан келтирилган мисолларни бугунги шоирларимизнинг изланишлари билан солиштириш орқали мазкур вазннинг нозик ва мураккаб жиҳатларини очишга, бадиий маҳорат масаласида поэзиямизда йўл қўйилаётган баъзи камчиликларни кўрсатишга, шу тариқа «Бугунги адабиётда арузнинг ўз ўрни борми?», деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади.

Тадқиқотнинг «Шеър жозибаси» ҳамда «Шеъриятнинг тиниқ осмони» бобларида ўрта ва кенжа авлодга мансуб шоирларимизнинг поэтик маҳорати — шеърий образ яратиш, поэзияда табиат тасвири, шеърнинг ижтимоий салмоғи, интеллектуаллик кучи ва фалсафий теранлик масалалари таҳлил этилади.

«60—70-йиллар шеъриятидаги бош фазилатлар,— деб ёзади автор,— замонавий руҳнинг, гуманизмнинг кучайганлиги, ғоявий-ижтимоий мазмуннинг чуқурлашганлиги ва тиниқлиги, халқчилликнинг, гражданлик руҳининг тобора ортганлиги билан белгиланади. Шоирлар ҳаёт қатламларини кенг тадқиқ қилишга, инсон қалбидаги мураккаб туйғуларни ёрқин ифодалашга дадил қўл урмоқдалар».

Мазкур бобларнинг ва умуман китобнинг муҳим хусусияти шундаки, автор тадқиқот доирасини китобхонлар ўртасида кенг танилган шоирлар ижоди билангина чеклаб қўймайди. Унинг тушунчасида адабиётни «яхши ва ҳар хил шоирлар» яратади. Ана шуни назарда тутиб, у кўпгина шоирларнинг ижодидаги муҳим қирраларни очишга эришади, улар билан китобхонларни яқиндан таништиради.

Китобнинг «Янги чашмалар» боби шеъриятдаги кенжа авлод ижодига чинакам эътибор, ҳурмат ва жонкуярлик билан ёзилган. Бунда автор ёш шоирлардан А. Шер ва М. Қўшмоқовнинг бир қанча шеърларини атрофлича таҳлил қилиб, ёш ижодкорларнинг ютуқ ва нуқсонларини конкрет мисоллар билан кўрсатиб беради. Кенжа авлод вакиллари — М. Раҳмон, Т. Жўра, С. Воҳидов, Н. Сўфиев, М. Солиҳ, Т. Содиқова, А. Суюн, Х. Даврон, М. Эгамбердиеванинг илк тўпламлари ҳақида сўз юритганда танқидчи улар ижодида чинакам поэзиянинг куртаклари ниш ураётгани — нафислик, туйғулар тиниқлиги каби хислатлар бўртиб кўринаётганини таъкидлайди. «Айни замонда,— деб ёзади автор,— бу шоирларга шеърнинг гражданлик, курашчанлик руҳини кучайтириш, чуқур ижтимоий масалаларга диққатни янада кенгроқ жалб қилиш истагини билдириш лозим. Зеро, биргина нафислик, туйғулар тиниқлигининг ўзи ҳақиқий шеърият учун камлик қилади».

Китобнинг «Шайхзода сабоқлари» боби мазмуни ва йўналишига кўра олдинги бобларга бевосита боғланиб кетади. Унда ёш танқидчи Мақсуд Шайхзода ижодига шоирнинг эстетик принципларини тадқиқ қилиш нуқтаи назаридангина ёндашмай, бугунги шеъриятимиз қаламкашлари устозлар ижодидан қандай сабоқлар олиши мумкинлиги ва лозимлиги ҳақида сўз юритади.

Тўпламга кирган «Билиб ёзган яхши...» мақоласида Х. Г. Кўрўғлининг Москвада нашр этилган «Ўзбек адабиёти» китоби ҳақида баҳс юритилади. Мақола китобга шунчаки тақриз ёки уни «уриб ташлаш» мақсадида эмас, балки адабиётимизга, унинг Бутуниттифоқ миқёсидаги обрўйига чинакам жонкуярлик туфайли ёзилган.

[1] Ортиқбой Абдуллаев. Шеъриятнинг тиниқ осмони. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

УЧИНЧИ ИМТИҲОН



«Мувозанат» ва «Момақаймоқ» тўпламлари адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирган ёш шоир Муҳаммад Раҳмон янги китоби[1] билан шеъриятга яна бир дадил қадам қўйди.

Тўпламдаги шеърлардан бири «Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар» мисраси билан бошланади. Ҳайрат — табиат инсонга бахш этган энг ноёб туҳфа — эшитиш, кўриш ва ҳис этиш қувончининг безабон ва кўркам исёни; унинг ватани — юрак, иккинчи умри — шеър. Шоир ҳайратининг тили эса, шеъриятнинг она тили демакдир.

Агар шоир ҳайратининг тили бўлса, бўғзига тиқилган ҳаяжонини бирйўла айтиб қутуларди; бошидан турналар сузиб ўтганда улар ортидан телбаларча қўл чўзиб югурмасди; кўзини узолмай қолгани — пурвиқор тоғлар унинг кўксини ҳайқириқ билан титратмасди; юксак ва мунаввар юлдузларга — барча-барчасига бир сўз айтган бўларди. Қисқаси, ҳайрат хотирага айланмасдан ўз она тилига — шеър тилига кўчиши керак:

Оймисан, тун аро бокира, латиф,
Кунмисан, қаролмай қамашар кўзим.
Гулим, на тараф бор сенга, на таъриф,
Топиб айтар эдим уни мен ўзим —
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар.

Лирик қаҳрамон безабон ва ниҳоясиз нафосатга — ҳайратга гоҳо шукрона айтади, гоҳо ундан мадад сўрайди, руҳ олади. Демак, унинг бахти ҳам гўзал ва интиҳо билмасдир.

Шеър — юракнинг табиат билан, одамзод билан ва ўз-ўзи билан сўзлашадиган тили. У — тошларнинг сув тилидаги қўшиқлари; у — дараларда учган гулдуроснинг шарқираб оқиши; у — осмонда ўт, ерда сув бўлган чақмоғу гулдурмомодир. Ниҳоят,

[1] Муҳаммад Раҳмон. Яшил дарё. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

МЕҲР ИФОДАСИ



Сотволди Ражабов бугунги ўзбек ҳикоячилиги тараққиётига ҳисса қўшаётган ижодкорларнинг кенжа авлодига мансуб. Унинг илк машқлари республикамиз газета ва журналларида, «Ёшлик» альманахида эълон қилиниб, китобхонларнинг назарига тушган эди. Ўтган йили ёш ёзувчининг дастлабки ҳикоялари жамланган «Меҳр»[1] тўплами нашр этилди.

С. Ражабовнинг ҳикоялари ўзи яхши билган одамлар — қишлоқ кишилари ҳақида. «Ой пахтага ўхшаб кўринди» ҳикоясида биттаю битта ўғли урушда ҳалок бўлган, бутун умрини гўза ўстиришга бағишлаган Азим бува, «Булоқ суви»да дўстга садоқат туйғусини юракда ардоқлаган колхоз шофёри Назирқул, «Соя» ҳикоясида турмуш тақозоси билан мактабда «ортиқча одам»га айланиб қолган кекса ўқитувчи Тешабой ака образлари, «Меҳр»да эса ота-онадан эрта ажралган ака-уканинг бир неча йилдан кейинги ўзаро муносабати ёрқин самимият билан тасвирланади.

«Соя» ҳикоясида кекса муаллимнинг бир куни қаламга олинган. Ўқувчилардан бири: «Икки мингинчи йилни қандай тасаввур этасиз?», дея савол бериб Тешабой акани мушкул вазиятда қолдиради. «Аввал дарс бериш анча осон эди. Савол умуман бўлмасди. Хоҳлаганча гапирардинг. Энди-чи, ҳеҳ-ҳе, нафасингни кесиб туришади...», деб ўйлайди муаллим. Ўқишга киролмай қайтган собиқ тала-

[1] Сотволди Ражабов. Меҳр. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1979.

ганлиги диққатга сазовордир. Мақолада мазкур дарслик «ўзбек адабиётининг энг қадимги даврларидан то ҳозиргача бўлган даври ҳақида бир қадар маълумот» бериши таъкидланган ҳолда, унда талайгина принципиал хатоликларга йўл қўйилгани тўғри кўрсатилади.

«Шеъриятнинг тиниқ осмони» бобида эса автор бугунги поэзия танқидчилигида ҳукм суриб келаётган бир зарарли тенденция ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: «Кўпинча шеърий тизмалар, ўртамиёна асарлар ўткинчи ҳодиса, улар узоққа бормай, унутилиб кетади, яхши асарларгина давр синовларига бардош бериб яшаб қолади, деган тасалли туфайли бўш асарларни ўқиганда индамай кетилади. Дарвоқе, кўп танқидчилар заиф, бўш асарларнинг кўплаб ёзилишига кўникиб кетишган. Матбуотда хомхатала шеър босилса, ўқиб мийиғида кулиб қўйишади-ю, лекин унга зудлик билан муносабат билдиришмайди. Бунинг оқибати эса, бадиий ижоддек қийин ва шарафли ишга масъулиятсизлик билан қарашга, заиф асарларнинг кўпайишига олиб келмоқда». Нохуш бўлса-да, лекин ҳақ гап! Бу хулосани проза танқидчилиги ҳақида ҳам бемалол айтиш мумкин.

Бугунги танқидчилик ҳақидаги фикрларини О. Абдуллаев китобнинг «Танқидчиликдаги нур ва соялар» бобида умумлаштиради. Танқидчилигимиз эришган муҳим ютуқларни эслаб ўтаркан, автор бу соҳадаги камчиликлар ҳам талайгина эканини объектив равишда таъкидлайди. Хўш, сўнгги давр танқидчилигимизда кўринаётган асосий нуқсонлар нимадан иборат? Мазкур саволга О. Абдуллаев шундай жавоб беради: «Бу, биринчидан, бадиий асарнинг руҳини, табиатини чуқур англаб етмай фикр юритишда, иккинчидан, ҳаққоний позицияда мустаҳкам тура олмаслик, холисликнинг етишмаслигида, учинчидан, тор шахсий манфаатлар гирдобида... ўралашиб қолишда кўринади».

Китобдаги мақолалар учун умумий бўлган яна бир муҳим хусусият — уларнинг барчасида авторнинг принципи ва позициясининг изчиллигидир. Танқидчи хоҳ адабиётимиз оқсоқоллари ҳақида, хоҳ эндигина илк тўпламини чиқарган ёш ижодкор ҳақида ёки — хоҳ катта эпик достон, хоҳ кичик бир тўртлик ҳақида гапирмасин, ҳамиша бугунги юксак талаблардан келиб чиқадиган принципиаллик, объективлик позициясида туради. Тўғри, тўпламда баъзан мунозара тафти остида фикрни ифодалашда бир оз кескин оҳанг, босиқ мулоҳазадан ҳиссиёт устунлик қилган ўринлар ҳам учрайдики, автор кейинги ишларида буни ҳисобга олар, деб ўйлаймиз.

Хуллас, умидли танқидчи Ортиқбой Абдуллаевнинг «Шеъриятнинг тиниқ осмони» китоби бугунги танқидчилигимизнинг сезиларли ютуғи бўлиб, унда қўйилган масалалар ва илгари сурилган фикрлар ҳали янги-янги мунозаралар уйғотиши табиий.

Акрам КАТТАБЕКОВ

Гулистон

Китоблар оламида

шеърият — табиатнинг она тилидир. Табиат эса бизни доимо ҳайратлар билан сийлайди.

Шоирнинг бир шеъри бундай бошланади: «Якшанбалар, аслида, болаларнинг кунидир...» Сатр охиридаги уч нуқта гўё ўтмишга очилган дарвоза, армонли болаликка элтувчи сўқмоқ.

Буюр, итоат билан қўлларингдан
етаклай,
Сен менинг меҳрга зор
болалигимсан, ахир,
Кел, энди ўзим унга бир оталик
қилайин!
Буюр!

Шеърнинг якунида шоир армонли болаликдан ҳозирги кунга қайтади. Ўзи болаликда ғамгин ўтказган якшанбаларни энди болалари билан бахтиёрликда ўтказади. Бундаги самимият, армонли самимият шеърхонни тўлқинлантиради.

Шунингдек, «Пантомима учун сюжет», «Шифт», «Кинокамера», «Шовқинлар», «Оқ каптарга айланган бола» сингари шеърлар ҳам муваффақиятли чиққан.

Тўпламдаги баъзи шеърларда жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Улар асосан вазн бузилишида, гоҳо сўзларнинг мисрада уйғунлашиб кетмаслиги ва туроқ сакталигида кўринади. Булар катта камчиликлар эмас, албатта. Шундай бўлса ҳам, шеър энг яхши интизомдаги энг яхши сўзлар қўшини эканини унутмаслик лозим.

Хуллас, М. Раҳмоннинг «Яшил дарё» китоби шоирнинг учинчи шеърий имтиҳондан ҳам анча муваффақиятли ўтганини кўрсатиб турибди.

Баҳодир СОДИҚОВ,
ТошДУ студенти

баси билан суҳбатлашгач, яна шундай хаёлларга толади.

Ҳикоянавис қишлоқда ҳаёт ривожининг ўзи туғдирган муаммоларни ўртага қўйган. Шунинг учун ҳам китобхон қаҳрамоннинг тақдирига бефарқ қарай олмайди, кўнглида унга ҳамдардлик сезади.

С. Ражабовнинг тасвирига хос хусусият — у барча ҳикояларида («Бўтакўз»дан ташқари) воқеани «четдан туриб» тасвирлайди, сунъийликдан, драматизмни атайлаб кучайтиришдан қочади. Ҳикояларнинг тили равон, воқеалар ҳаётийлиги билан кишига ёқиб қолади. Автор тасвирда ихчамликка ва изчилликка интилади, қаҳрамонларнинг қалбига қулоқ солиб, диалогларга кенг ўрин беради.

Аммо тўпламдаги баъзи ҳикояларни ўқиб чиққанингиздан сўнг қандайдир қониқмаслик ҳис этасиз. Назаримизда, ҳали ёш адиб ҳаёт материалларини янада теранроқ тадқиқ этиши, умумлашган образлар яратиши, ҳикояда мазмун салмоғини янада ошириши зарур.

Ёш ёзувчининг илк китоби унинг одамларга, адабиётга бўлган самимий меҳрининг бадиий ифодасидир. Ёзувчи Одил Ёқубов айтганидек, «адабиётнинг сермашаққат катта йўлига чиқиб олиш учун Сотволди Ражабов ҳали кўп тер тўкмоғи, кўп меҳнат қилмоғи лозим». Бадиий ижод доимо шуни талаб қилади.

Ғани РУСТАМОВ

Шерназар ҚЎШНАЗАРОВ


Майингина нур тўкар қуёш,
Жимирлайди теграмда ҳаво.
Сарин еллар хаёлдай бебош,
Сукунатдан тўқилар наво.

Боя тинди баҳорий ёмғир,
Тарқаб кетди булутлар бари,
Кутилмоқда кўк узра ҳозир
Камалакнинг ажиб излари.

Ғайри оддий эмас-у, хилқат,
На сир бордир унда, на афсун,
Ранглар ўша, қўшилиб фақат,
Кўнгилларни этади мафтун.

Шундай кезлар боқиб мулойим,
Гиналардан кечамиз ошкор.
Ёмғирдан сўнг яшаймиз доим
Камалакка бўлиб умидвор.

Бухоро



КРОССВОРД

Энига: 7. Ширинлик. 8. Илмий унвон. 9. Катта бозор. 11. Қуш. 12. Аёл исми. 13. Ҳўл мева. 16. Рўзғор буюми. 18. Асос. 20. Таом. 21. Мамлакатимиздаги кўл. 23. Имтиҳон. 25. Узум нави. 29. Гул. 30. «Зангори кема» қисми. 31. Тасвирий санъат жанри. 32. Андижон областидаги шаҳар. 34. Талаффуз қоидалари. 35. Қорақалпоқ халқининг миллий қаҳрамони.

Бўйига: 1. Космонавт. 2. Кимёгар олим. 3. Ҳиндистонда яшовчи халқ. 4. Ҳашарот. 5. АҚШ штати. 6. География доира. 10. Санъаткор. 14. Гап бўлаги. 15. Шайхзода асари. 17. Сунъий газлама. 19. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 22. Россиядаги тоғ. 24. Салоҳият. 26. Ўрта Осиёдаги тизма тоғ. 27. Австралия ҳайвони. 28. Совет ёзувчиси 32. Оптик асбоб. 33. Дарё.

Тузувчи **О. ЗОКИРОВ**

Денов

3-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Папуас. 4. Штанга. 9. Пуд. 11. Поп. 12. Калейдоскоп. 14. Турна. 17. Бурул. 18. Сопрано. 19. «Муножот». 20. Боржоми. 23. Бинокор. 25. Муфта. 26. Ўктам. 29. Романовский. 30. Арз. 32. Зиё. 33. Гранит. 34. Қабила.

Бўйига: 2. Анд. 3. Ашула. 5. Тулки. 6. Гап. 7. Спектр. 8. Апрель. 10. Удмурт. 12. Конденсатор. 13. Паустовский. 15. Попович. 16. Антонов. 21. Нордон. 22. Аммиак. 24. «Омонёр». 27. Амири. 28. «Шкода». 31. Зар. 32. Зол.

МУҚОВАДА


Биринчи бет: Рассом **Н. Иброҳимов** чизган плакат.


Тўртинчи бет: Ўзбекистондаги тасвирий ва амалий санъат ёш усталарининг ишларидан намуналар. (29-бетдаги «Умид ниҳоллари» материалини ўқинг.)

Ҳазиллар



Ёш рассомлар — меҳмонимиз







— Севги изҳор қилган кунингизни қаранг-а!

— Кечирасиз, бугунги ишни эртага қўймай, девдим-да.


— Раҳбаримиз бугун нима кунлигини билармиканлар?




— Яхши қиз, ёмғир қачон тўхтар экан-а?



— Жуда келишган экан-ку!



Расмларни Р. УБАЙДУЛЛАЕВ чизган





Изоҳнинг ҳожати йўқ.



— Севгимни энди қабул қиларсиз.

Расмларни Р. ТУРОБОВ чизган



Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОҲОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон»-«Цветущий сад» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙЎЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент,— П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъати бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.2.80 й. Р-07153. Босишга рухсат этилди 26.3.80 й. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7.80. Тиражи 265590. Буюртма 2601. Нашр А —97.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

1 АПРЕЛЬ

32 кг

— Пуфак ҳам шунчалик зил-замбил бўладими?

— Энди мени алдаб кўришсин-чи!

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

СОТУВЧИСИЗ МАГАЗИН

— Наҳотки, одамга ишонмасангиз?

— Биз бугун ҳеч кимга ишонмаймиз!

— Бизни лақиллатишибди-ку!

— Қалай, телефондаги ҳазилим ёқдими?

— Кеча яна алламаҳалда маст бўлиб келдингиз!

— Мени ичган деб ким айтди?

— Ўзингиз «қиттак-қиттак отдик», дедингиз.

— Маст одамнинг гапига лақ этиб ишонаверасанми? Буёғи биринчи апрель бўлса!

ЧИҚИШ

ЧИҚИШ

— Тавба!

— Вой, тавба!?

— Токайгача идорада димиқиб ўтираверасиз?

— Расмингизни олгани келишибди.

— Аввал қаёққалигини билинг...



Ҳ. Раҳматуллаев. Самарқанд манзараси.



И. Эшчанов. Монтажчи.



И. Жабборов. Ўйлар.



В. Саркисов. Қиз портрети.



А. Вальдин. Сервиз.



В. Юсупов. Нақш.



М. Поруб. Наманган олмаси.

А. Мамажонов. Декоратив лаган.



У. Ҳазратқулов. Декоратив лаган.



Баҳоси 30 тийин.

ISSN 0134—2207 Индекс. 75233